ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

З.М. Ахмедова,
М.Ю. Аюпова, М.П. Хамидова

ЛОГОПЕДИК ЎЙИН

(дарслик)

«Файласуфлар» нашриёти
Тошкент – 2013

УЎК: 376.3(075)
КБК 74.3
А 98

Аҳмедова З.М.

А 98 Логопедик ўйин: дарслик / З.М. Аҳмедова, М.Ю. Аюпова М.П. Ҳамидова; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсу таълим вазирлиги. – Тошкент: «Файласуфлар» нашриёти, 2013 – 112 б.

1. Аюпова М. Ю.
2. Ҳамидова М. П.

УЎК: 376.3(075
КБК 74.

Тақризчилар: **Д.А. Нуркелдиева** – п.ф.н., доцент,
Д.А. Назарова – п.ф.н., доцент.

Мазкур дарслик дефектология факультети талабалари учун мўлжалланган.

Дарсликда талабалар болаларда учрайдиган нутқ камчиликларини ўйин орқали коррекциялаш усулларини ўрганадилар. Дарсликда болаларда нафас, овоз, эшитиш ва эшитиш диққатини ривожлантириш, нутқ аппарати ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар, товушлар талаффузидаги камчиликларни, дудуқланишини махсус логопедик ўйинлар орқали бартараф этишга қаратилган ўйинлар мажмуаси берилган.

ISBN 978-9943-4132-2-1
© «Файласуфлар» нашриёти, 201

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг таълим соҳасида ҳам жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикасида «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Келажагимиз пойдевори бўлган ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда мактабгача таълим муассасаларининг аҳамияти каттадир. Бу ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилинишига ҳамда ушбу ҳужжатлар моҳиятига кўра узлуксиз таълим тизимининг шаклланганлиги таълим-тарбия асосларини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Таълим-тарбия жараёни якунида мустақил фикрлайдиган, эркин, билимли, бир сўз билан айтганда баркамол шахсни вояга етказиш асосий мақсад қилиб белгиланди. Бу узлуксиз таълим тизимининг илк тури мактабгача таълимга ўзига хос ёндашувни талаб этади.

Сўнгги йилларда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, таълим-тарбия мазмуни, шакли, восита ва методларини янгилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлат ва жамият мактаб ёшида бўлган болаларни ягона талаб асосида ривожлантириш вазифасини қўйди. Шунга кўра «Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари»га асосланган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мактабача тарбия ёшидаги болаларнинг жисмоний ва руҳий томондан тўғри ривожланиши унинг ақлий тараққиётига бевосита таъсир этади. Боланинг ҳар томонлама шаклланиши ҳамда ривожланишида нутқнинг тўлиқ ривожланиши катта аҳамиятга эга. Нутқ тафаккур қуроли ва мулоқот воситаси ҳисобланади. Нутқ кишиларнинг туғма қобилияти эмас. Нутқ болаларда астаекинлик билан ривожланади. Болалар ўсиб ривожланган сари уларнинг нутқи ҳам такомиллашади.

Миллат тафаккури, маънавияти ва маданиятини кўрсатиб беувчи жаҳон миқёсида тан олинган асосий мезон бу тилдир.

Она тилини тўлиқ билиш, тил имкониятларидан самарали фойдаланишни болаларга сингдириш, алоҳида ёрдамга муҳтож, нутқида нуқсони бор болалар тарбияланадиган махсус муассаса

логопедлари, тарбиячилари олдига қўйилган долзарб вазифалар дан бири ҳисобланади.

Ушбу дарслик педагогика олийгоҳларининг дефектология фа культетларида таълим олаётган талабаларга ҳамда амалда фао лият кўрсатаётган логопедлар учун мўлжалланган.

Дарсликда мазкур курснинг асосий бўлимларининг назари ва услубий масалалари ёритилган:

1. Болалар билан олиб бориладиган логопедик коррекцио ишларда ўйиннинг аҳамияти.

2. Ўйин ва уларнинг турлари.

3. Миллий ўйинлар орқали мактабгача ёшдаги болалард миллий ғурурни шакллантириш.

4. Тайёрлов ўйинларини ўтказиш методикаси.

5. Товушларни тўғри талаффуз этишга қаратилган ўйинлар.

6. Дудуқланишни бартараф этишга қаратилган ўйинлар.

7. Майда қўл моторикасини ривожлантиришга қаратилга ўйинлар.

Бу дарслик талабаларга нафақат ўқиш даврида, балки махсу мактабгача тарбия муассасаларда машғулотлар ўтказишда ҳа ёрдам беради.

Дарслик ўзбек тилида биринчи марта нашр қилинмоқда Дарслик юзасидан таълим муассасалари ходимлари ва мутахассис лар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деган умиддамиз.

Махсус мактабгача тарбия муассасаларида логопедик ўйиннин мазмуни ва вазифалари. Нутқ бу кишилараро алоқа қуроли, мил лий бойлик ҳамда тарбия, маориф ва ижодиёт учун қудратл воситадир. Нутқ болаларда аста-секинлик билан катталар нутқ асосида ривожланиб боради. Бола катталарга тақлид қилиш орқали товуш ва сўзларни тўғри талаффуз қилишга ўрганади Болалар ўсиб ривожланган сари нутқи ҳам ривожланиб боради У ёки бу даражадаги нутқ бузилишлари бола шахсининг шакл ланишига, билиш фаолиятининг ривожланишига салбий таъси этиши мумкин.

Мактабгача ёшдаги болаларни асосий фаолияти бу ўйиндир Хар қандай ўйин турлари, ўйин элементлари нутқида нуқсон бор болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишларнин барча босқичларида фойдаланилади. Ўйин фаолиятидан кен фойдаланиш ўйин орқали болага ҳар томонлама таъсир этиш дир. Болаларда нутқнинг тўлиқ шаклланиши ва ривожланиш

учун машғулотларда логопедик ўйинлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Муаллифларнинг аксарияти ўйинга нутққа таъсир этувчи восита сифатида қарашган. Ўйиннинг эмоционал томони болаларда қизиқиш уйғотади ва логопедга болага керакли вақтда таъсир кўрсатиш учун имконият беради.

Логопедик ўйин машғулотларида болалар билан:

– нафасни ривожлантиришга оид ўйинлар;

– овозни ривожлантирувчи ўйинлар;

– эшитув диққатини ривожлантиришга оид ўйинлар;

– нутқ аппарати ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар;

– товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган ўйинлар;

– дудукланишни бартараф этишга оид ўйинлар;

– майда қўл моторикасини ривожлантиришга оид ўйинлар ўтилади.

Махсус ташкил қилинган логопедик машғулотлар тизими негизидагина болалар нутқидаги камчиликларни бартараф этиш, коррекциялаш ҳамда нутқнинг ривожланишига эришиш мумкин.

I БОБ. БОЛАЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ЛОГОПЕДИК КОРРЕКЦИОН ИШЛАРДА ЎЙИННИНГ АҲАМИЯТИ

1-§. Ўйин ва уларнинг турлари

Ўйин мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг асосий фао лияти бўлиб, у орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйи боланинг келажакдаги ўқув, меҳнат фаолияти, кишиларга му носабатининг қай даражада шаклланиб боришини белгилайди.

Ўйин қадим замонлардан бери педагог, психолог, файласуф этнограф, санъатшунос олимлар диққатини ўзига тортиб келган Ўйин ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ юзага келган бўлиб, жа мият ҳаётида меҳнатдан кейин туради ва унинг мазмунини бел гилайди. Ибтидоий жамоа қабилалари ўз ўйинларида овчилик уруш, деҳқончилик ишларини акс эттирганлар. Масалан, ўш даврдаги баъзи қабилаларнинг шоли сепиш жараёни ўйинла билан жуда катта тантана қилиб амалга оширилар эди.

Баъзи ҳолларда эса ўйин меҳнат қилиш истаги орқали юза га келади. Масалан, овчи ҳайвонни овлаш учун унинг олдиг ҳайвонга ўхшаб судралиб, сирпаниб боради.

Айрим ҳолларда эса бола ўз ўйинида олдин катталар меҳнатиг тақлид қилади, кейинчалик уларнинг меҳнатида қатнашади Ўйин ёш авлодни меҳнатга тайёрлайди. Болалар ўйинини бунда тушуниш биринчи марта К.Д. Ушинский томонидан таърифла берилган эди. У ўз асарларида болалар ўйинининг мазмуни уларнинг ҳаётдан олган таассуротлари билан белгиланиб, ула шахсининг шаклланишига таъсир этади, деб ёзади. Бу фикрни П.Ф. Лесгафт ҳам тасдиқлаб, болалар ўз ўйинларида теварак-атрофдан олган таассуротларини акс эттирадилар, дейди. Бундай фаолият боланинг ривожланишида катта аҳамиятга эгадир.

Ўйиннинг ижтимоий воқеа эканлигини, ўйинда теварак-атрофдаги борлиқ акс эттирилишини илғор олим ва педагогла ўзларининг кузатиш ва амалий тадқиқотлари орқали исботла бердилар.

Ўйин тарихий тараққиёт жараёнида меҳнат фаолияти натижа-сида пайдо бўлган ижтимоий фаолиятдир. Ўйин доимо ҳақиқий ҳаётни акс эттиради. Демак, ижтимоий ҳаёт ўзгариши билан унинг мазмуни ҳам ўзгаради. Ўйин маълум мақсадга йўналтирилган онгли фаолият бўлиб, унинг меҳнат билан кўп умумийлиги бор

ва ёшларни меҳнатга тайёрлашга хизмат қилади. Ўйин фаолияти асосида боладаги ўқув фаолияти ривожланади, бола қанчалик яхши ўйнаса, у мактабда шунчалик яхши ўқийди.

Болаларнинг ўйини назариясига (1920–30 йилларда) Е.А. Флерина, Е.И. Тихеева, Е.А. Аркин каби олимлар асос солдилар, кейинчалик Р.Я. Лехтман-Абрамович, Н.М. Аксарина, А.П. Усова, Д.В. Менджерицкая, Р.И. Жуковская, Т.А. Маркова, С.Л. Новосёлова, Е.В. Зворигина ва бошқаларнинг тадқиқот ишлари болалар ўйини мавзусини ишлаб чиқишга бағишланади.

Болалар ўйинининг тарихи, табиати, унинг ривожланиш қонуниятлари Л.С. Виготский, А.Н. Леонтьев, Д.Б. Эльконин, А.В. Запорожец каби психологлар ва уларнинг давомчиларининг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топди.

А.В. Запорожец болалар ўйинини илк ёшидан бошлаб кузатиб бориши натижасида уни ҳаракатга келтирувчи сабаблар, ривожланиш қонуниятлари, ҳар хил ёш босқичларида болалар ўйинининг ўзига хос томонлари, мазмуни ва тузилишини ўрганиш зарурлигини таъкидлайди.

Илк ёшли болалар ўйин фаолиятининг биринчи босқичи гаништирувчи ўйин бўлиб, у нарса-буюм-ўйин фаолиятидир. Унинг мазмуни қўл ишидаги мураккаб ва нозик ҳаракатлардир.

Кейинги босқич акс эттириш ўйини ҳисобланади. Бу илк ёшли болалар ўйини психологик мазмунининг ривожланишида энг юқори нуқта ҳисобланади. Катталар таълим-тарбиявий ишларини маълум изчиллик билан олиб борсалар, бу ёшдаги болалар нарса ва буюмлар номини, нимага ишлатилишини билиб оладилар ва бу янги билимларни ўз ўйинларида қўллай бошлайдилар.

Мактабгача ёшдаги болалар ўйин мазмуни жиҳатидан предметли фаолиятни акс эттиради.

Биринчи ёшнинг охири ва иккинчи ёшдаги болалар ўйинида сюжетни акс эттириш юзага келади. Бола қуйидаги буюм билан ундан қандай фойдаланиш кераклигини акс эттиради. Масалан, қошиқ билан овқат ейилади, пиёладан чой ичади, каравотда ётилади, қўғирчоқни «онаси» эркалайди ва ҳоказо. Шунинг асосида сюжетли-ролли ўйиннинг дастлабки кирралари юзага кела бошлайди.

Навбатдаги босқич ролли ўйин бўлиб, унда болалар ўзларига ганиш бўлган катталар меҳнати ва кишиларнинг ижтимоий муносабатларини акс эттирадилар.

Болалар ўйин фаолиятининг босқичма-босқич ривожланиши тўғрисидаги умумий тасаввурлар ҳар хил ёш гуруҳларида болаларнинг ўйин фаолиятига раҳбарликнинг аниқ тизимли тавсияларини ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Шундай қилиб, болалар боғчасининг педагогик жараёнида ўйиннинг тутган ўрни жуда катта бўлиб, ўйиндан мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришда кенг фойдаланилади. Зеро:

– ўйин болаларнинг мустақил фаолияти бўлиб, унда боланинг руҳияти намоён бўлади;

– ўйин мактабгача тарбия ёшидаги болалар ҳаётини ташкил этиш шаклидир;

– ўйин болаларни ҳар томонлама тарбиялаш воситаларидан биридир;

– ўйин болаларга таълим ва тарбия беришнинг метод ва усулидир;

– ўйин болаларни ўқув фаолиятига тайёрлаш воситасидир.

Таниқли педагог олимларнинг олиб борган тадқиқотлари ўйинга комплекс раҳбарлик қилиш орқали болаларнинг ахлоқий муносабатларига, болалар ўйинининг ривожланиши даражасига таъсир этиш мумкинлигини кўрсатади.

Болалар ўйини ўзининг мазмуни, хусусияти, ташкил этилишига кўра хилма-хилдир, шунинг учун уни қуйидагича туркумларга ажратилади:

1. Ижодий ўйинлар.
2. Қоидали ўйинлар.

Ижодий ўйинларни болалар ўзлари ўйлаб топишади. Унда олдиндан белгиланган қоидалар бўлмайди. Ўйин қоидасини болалар ўзлари ўйин жараёнида белгилашади.

Ижодий ўйинларга драммалашган ўйинлар, қурилиш ўйинлари, табиий материаллар билан ўйналадиган ўйинлар киради.

Қоидали ўйинларнинг мазмуни ва қоидаси катталар томонидан белгиланади. Қоидали ўйинларга қуйидагилар киради: *дидактик ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар, мусиқали ўйинлар, эрмак ўйинлар.*

Болаларга таълим-тарбия бериш мақсадида катталар ўйинни танлай билиши, унга тўғри раҳбарлик қилиши керак. Болалар боғчаси таълим ва тарбия дастурида белгиланган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишни таъминлайди.

Ўйин болаларни ривожлантириш ва тарбиялаш воситасидир.

Психологлар ўйинни боғча ёши даврида етакчи фаолият деб хисоблайдилар. Ўйин туфайли боланинг юқори ривожланиш босқичига ўтишини таъминловчи сифатлар шаклланади, уни руҳиятида сезиларли ўзгаришлар юз беради.

Ўйинда бола шахсининг ҳамма томони бир-бирига ўзаро таъсир этган ҳолда шаклланади. Ўйнаётган болани кузатаётиб унинг қизиқишларини, теварак-атроф тўғрисидаги тасаввурини, катталарга ва ўртоқларига бўлган муносабатини билиб олиш мумкин.

Шахсдаги бирон сифатни тарбиялаш учун унинг бошқа томонларини ҳам ривожлантириш керак. Масалан, боланинг ўйинга қизиқишини, ташкилотчилик қобилиятини ривожлантириш учун мазмуни жиҳатидан бой ўйинлар яратилиши керак. Болаларнинг ижодий ўйинларини ривожлантириш учун эса ўз навбатида яхши ташкил қилинган болалар жамоаси зарур бўлади.

Ўйин болаларни жисмоний тарбиялаш тизимида, боғчанинг таълим-тарбия ишида, ахлоқий, меҳнат ва эстетик томонидан тарбиялашда катта ўрин тутади.

Ўйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қондирилади, ҳаётий фаоллик ортади, бирдамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Болаларнинг нутқини ривожлантириш учун қўлланиладиган ўйин турлари болалардаги моҳирликни, мустақил мулоқот усулларини шакллантиришга қаратилган. Турли нутқ бузилишларига эга бўлган мактабгача ёшдаги болалар учун ўйин фаолияти катта аҳамиятга эга, ҳамда улар шахс ва интеллектнинг хар томонлама ривожланишига зарур шарт-шароит яратади.

Шунинг учун ҳам болаларни жисмоний тарбиялаш тизимида ўйин муносиб ўрин эгаллайди. Атоқли педагог ва шифокор Н.А. Аркин ўйинни руҳий витамин деб бекорга айтмаган.

Ўйин таълим ва машғулотлар билан, кундалик ҳаётдаги кузатишлар билан узвий боғлиқ бўлиб жуда катта таълимий-тарбиявий аҳамиятга эгадир. Ижодий ўйинлардан муҳим билимларни эгаллаш жараёни юзага келади, бу боланинг ақлий кучини ишга солади, тафаккурни, хаёлни, диққатни, хотирани фаоллаштиришни талаб қилади. Бола масалаларни мустақил ҳал қилишга ўрганади, ўйлаган нарсасини амалга ошириш учун яхшироқ ва осонроқ усул ўйлаб топади, ўз билимларидан фойдаланиш ва уни сўз билан ифодалашни ўрганади.

Ўйинда акс эттирилаётган нарсани билиб олишга қизиқиш уйғонади. Кўпинча ўйин болаларга янги билим бериш ва уларнинг фикрини, билиш доирасини кенгайтириш учун хизмат қилади. Болаларда катталарнинг меҳнатига, ижтимоий ҳаётга, кишиларнинг қаҳрамонона ишларига қизиқиш сари уларда бўлажак мутахассислик, яхши кўрган қаҳрамонларига тақлид қилиш каби дастлабки орзулар пайдо бўлади.

А.В. Запорожец ўйиннинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, ўйинда теварак-атрофдаги предмет ва воқеаларнинг умумлашган типик образлари уюшмасини яратиш қобилияти ривожланади, кейин улар ҳар хил қилиб, ўзгартирилади. Боланинг келажакдаги бутун ривожланиши учун хаёл ёки образнинг, тафаккурнинг бундай ривожланиш хусусияти бебаҳо қийматга эгадир, дейди.

Ижодий ўйинни тор дидактик мақсадларга бўйсундириб бўлмайди, бу ўйин ёрдамида жуда катта тарбиявий вазифалар ҳал қилинади.

Қоидали ўйин боланинг сенсор ривожланиши, тафаккур ва нутқини, ихтиёрсиз диққатини ва хотирасини, ҳар хил ҳаракатларини мунтазам равишда машқ қилдириб бориш имконини беради. Ҳар бир қоидали ўйин маълум дидактик мақсадга эга бўлиб, болани умумий ривожлантиришга қаратилган бўлади. Таълимнинг ўйин шаклида бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, боланинг ёш хусусиятларига мос келади. Қизиқарли ўйин боланинг фаоллигини оширади, ўйинда бола машғулотдагига нисбатан мураккаброқ масалани ҳал қилиши мумкин. Бу таълим бутунлай ўйин шаклида бўлиши керак, деган гап эмас. Таълим турли-туман усуллар ва методларни қўллашни талаб этади. Ўйин таълимнинг шаклларидан бири бўлиб, бошқа бир метод билан қўшиб олиб борилгандагина яхши натижа беради, бу кузатиш, суҳбат, ўқиб бериш ва ҳоказолардир.

Бола ўйнаётиб ўз билимидан фойдаланишга, уни ҳар хил шароитда ишлата билишга ўрганади. Ижодий ўйинларда болаларнинг фантазияси, буюм ясаш, тажриба қилишга кенг йўл очилади.

Ўйинда ақлий ривожланиш билан боғлиқ ҳолда ахлоқий сифатлар ҳам шаклланади. Ўйин жараёнида юз берган кечинмалар бола онгида чуқур из қолдиради, шунинг учун ўйин болада яхши хислатларни, улуғвор орзулар ва интилишларни, соғлом қизиқишларни тарбиялашга ёрдам беради. Ўйинда бола

ўз хулқини бошқаришга, қийинчиликни енгишга, ўз мақсадида қатъий туриб етишишга ўрганади.

Ўйин мустақил фаолият бўлиб, бу жараёнда болалар ўз тенгдошлари билан алоқа қилишга киришадилар. Уларни умумий мақсад, унга эришишдаги умумий кечинмалар бирлаштиради. Шунинг учун ўйин дўстона муносабатларни тарбиялашда, жамоа ҳаёти малакаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Биргаликдаги ўйин билан бирлашган кичик болалар жамоасида мураккаб муносабатлар вужудга келади. Тарбиячининг вазифаси ҳар бир болани фаол ўйинга жалб қилиш, болалар ўртасида дўстликка, ҳаққонийликка, жавобгарликни сезишга асосланган муносабатлар ўрнатишдан иборатдир. Ўйинда болалар ўз ихтиёрлари билан ўйнайдилар, аммо бошқа ҳеч бир фаолиятда ўйиндаги сингари болаларнинг хулқи билан боғлиқ бўлган қатъий қоида йўқ. Мана шунинг учун ҳам ўйин болаларни интизомли қилади, уларни ўз ҳаракатлари ва фикрларини қўйилган мақсадга бўйсундиришга ўргатади.

Ўйин меҳнат тарбияси вазифасини бажаришга ҳам ёрдам беради. Болалар ўз ўйинларида ҳар хил касбдаги кишиларни акс эттирадилар, бу билан улар катталарнинг ҳаракатигагина тақлид қилиб қолмай, шу билан бир қаторда уларнинг ишга, меҳнатга бўлган муносабатларини ҳам акс эттирадилар. Ўйин болада кўпинча меҳнат қилиш хоҳишини уйғотади, ўйин учун керакли нарсаларни тайёрлаш ва ясашга мажбур бўлади. Ўйинда ҳозирги замон болаларига хос бўлган техникага қизиқиш пайдо бўлади ва ривожланади, болалар ҳар хил машиналар ясайдилар ва техник ўйинчоқлар билан ўйнайдилар.

Ўйин эстетик тарбиянинг муҳим воситасидир. Ўйинда ижодий хаёл, фикрлаш қобилияти юзага келади ва ривожланади. Яхши танланган ўйинчоқ бадиий дидни тарбиялашга ёрдам беради. Ҳаракатли ўйинларда ҳаракатнинг гўзаллиги ва мароми болаларни ўзига мафтун қилади. Болалар ўзларининг ҳаракатларини назорат қилишга, ҳар бир ҳаракатнинг тўғри ва чиройли бўлишига интиладилар.

Ўйиннинг катта тарбияловчи аҳамияти ўз-ўзидан амалга ошмайди. Ўйин бефойда, ҳатто зарарли бўлиши баъзан ёлғон қизиқишларни, ёлғон ҳисларни қўзғатиши ҳам мумкин. Тарбиячи ўйин ёрдамида болаларни ҳар томонлама ривожлантириш

вазифасини амалга ошириш учун унга мунтазам равишда таъсир этиб бориши зарур.

Бу вазифани ҳал этишда ўйин болалар боғчасидаги таълимий-тарбиявий ишнинг ҳамма томонлари билан боғланган бўлиши керак. Ўйинда болаларнинг машғулотларда олган билим ва малакалари акс этади ва ривожлантирилади, улар орқали эса бола ҳаётга ўргатилади. Иккинчи томондан, ўйинда тарбияланган сифатлар фаолиятнинг бошқа турларига кўчирилади.

Болалар боғчасидаги педагогик жараён мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ўсиб келаётган ёш организм хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларни яхши тарбиялаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш асосида ташкил этилиши лозим.

Бунинг учун болалар ҳаётини ташкил этишда ўйин етакчи ўрин эгаллаши лозим. Болалар ўйинига ажратилган вақтни машғулот ёки кун тартибидаги бошқа тадбирларни чўзиб юбориш орқали эгаллаш мумкин эмас.

Болалар боғчасида таълим-тарбия дастурида ҳар кунги кун тартибига овқатланиш, бадантарбия, машғулотлар ўтказиш билан бир қаторда ўйин ҳам киритилган. Ўйин болалар ҳаётини ташкил этиш шакли сифатида кичик гуруҳдан (уч ёшдан) бошланади.

Ўйин эрталаб нонуштагача (15—20 дақиқа) бошланади ва нонуштадан кейин машғулотлар ўртасида, очиқ ҳавода, уйқудан кейин ўтказилади. Эрталаб ролли ўйинлар қуриш, ясаш, ҳаракатли (тўп билан) ўйинларни ташкил қилиш тавсия этилади.

Машғулот ўртасида ҳаракатли-қоидали ўйинлар ўтказилади. Улар асосан машғулотнинг мазмунига боғлиқ бўлади.

Ҳаракатли-қоидали ўйинларга «Айёр тулки», «Оқ теракми, кўк терак» киради. Шунингдек, қурилиш, ролли, спорт ўйинлари, табиий материаллар билан ўйналадиган ўйинлар (қум, сув, лой билан), дидактик ўйинлар, драммалаштирилган ўйинлар мавжуд бўлиб тарбиячи ҳамма ўйинларга раҳбарлик қилади.

Кундузги уйқудан кейинги ўйинларга қурилиш ўйинлари, эртак бўйича қўйиладиган ролли, дидактик ўйинлар ва ҳоказолар киради.

Ўйинларнинг тури ва мазмуни уларни ҳар бир ёш гуруҳлари бўйича ташкил этилишини тақозо қилади. Ўйин педагогик жараёнда меҳнат ва таълим фаолияти, болаларнинг бошқа фаолиятлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Ўйинда болалар теварак-атрофдаги воқеликни амалий жиҳатдан ўзлаштириб боради. Болалар ўйин жараёнида билимларни ўзлаштиришни, уни такомиллаштиришни асосий мақсад қилиб қўймайдилар, бироқ катталардек ҳаракат қилиш, бошқа болалар билан алоқага киришиш ўйин вазифаларининг жозибадорлиги, мусобақа ва шунга ўхшашлар боланинг билимларни эгаллаб, мустахкамлаб боришини тақозо этади. Болалар ҳатто дидактик ўйинларни ҳам бирон нарсани билиб олиш учун ўйнамайдилар. Аммо ўйин жараёнида боланинг билими ўзи сезмаган ҳолда ўз-ўзидан такомиллашиб боради.

Таълим жараёнида (машғулотларда) болаларнинг билимини шакллантирувчи аниқ мақсад қўйилади. Логопед тарбиячи болаларни янги билимлардан хабардор қилади, уларда ўқув фаолиятининг энг оддий малакаларини шакллантириб боради. Таълимнинг хусусияти ва мазмуни болалар ўйинлари мазмунига таъсир қилиб, уни ривожлантиради. Машғулотларда, экскурсияларда эгалланган билимлар болаларнинг ўйин фаолиятини, қизиқишларини ривожлантиради.

Иккинчи томондан, ҳар хил методлар билан ўтказиладиган машғулотларда турли-туман ўйин усулларидан ҳам фойдаланилади. Бундай усуллар болалар диққатини тўплаш, улар идрокини фаоллаштириш, билимларини тўлароқ ўзлаштириб олиш имконини яратади.

Педагогик жараёнда меҳнат билан ўйин ўртасида умумийлик ва фарқ борлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Болаларнинг қўл меҳнати ўйин билан бевосита боғлиқ. Айниқса, катта гуруҳ болалари мавжуд ўйинчоқлар билан ўйнабгина қолмай, етишмаганларини ўзлари катталар ёрдамида қоғоз, ёғоч, картон каби табиий материаллардан ясаб оладилар.

Ўйиннинг меҳнат билан боғлиқлиги шундаки, болалар ўзлари ясаган ўйинчоқларини ҳар доим авайлаб сақлаб борадилар.

Кейинги йилларда олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг (В.И. Логинова) натижалари шуни кўрсатадики, кичик гуруҳлардаги меҳнат фаолиятига ўйин хусусиятларини киритишни тақозо этади. Маълум бўлишича аввал болалар катталар меҳнат жараёнини қандай бажарганларини ўзлаштириб олиб, кейин ўз ўйинларида буни акс эттирар эканлар, шундан кейингина мустақил меҳнат фаолиятига ўтар эканлар.

Болалар меҳнати қизиқарли бўлиши учун кўпинча ўйин тарзида ўтилади. Масалан, майдончани тозалаганда болалар ахлатларни замбилларда ташиш ўрнига машиналарида ташийдилар, устахонада картонлардан қутичалар ясайдилар ва ҳоказо.

Болалар ўз ўйинларида катталар меҳнатини акс эттиришлари уларда бу меҳнатга ҳурматни шакллантириб боради. Бу ҳам ўйиннинг меҳнат билан боғлиқлигига мисол бўла олади.

Шундай қилиб, ўйин яхши йўлга қўйилган педагогик жараёнда болаларнинг бутун ҳаётини қамраб олади ва унинг қизиқарли бўлишини таъминлайди.

Болалар ўйинининг ўзига хослиги шундаки, у теварак-атрофдаги ҳаётни, кишиларнинг фаолияти, ишлари, ҳаракатларини, уларнинг иш жараёнидаги ўзаро муносабатларини акс эттиради. Ўйин пайтида хона болалар учун денгиз, ўрмон, метро станцияси, темир йўл вагони бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Болалар ўйинининг яна бир хусусияти унинг ҳаваскорлик тарзида бўлишидир (хусусий фаолият). Бу унинг ташқи белгилари бўлмай балки ҳақиқий моҳиятидир. Ўйиннинг ижодкори, яратувчиси болалардир. Улар ўйинда ўзларига таниш бўлган ҳаётий воқеа ва ҳодисаларни, уларга бўлган муносабатларни акс эттирадилар.

Болалар ўйинининг яна бир ўзига хос хусусияти унда ҳаракат, сўз ва образларнинг ўзаро боғланиб кетишидир. Ўйинда бола ўзи акс эттираётган қаҳрамонларнинг ҳис-ҳаяжони, кечинмалари, ҳаракатлари билан яшайди.

Бола ҳеч қачон жим ўйнамайди, битта ўзи ўйнаса ҳам у ўйинчоқ билан гаплашади, ўзи тасвирлаётган қаҳрамон билан мулоқот ўрнатади, онаси, бемор, шифокор, хуллас ҳаммаҳамманинг ўрнига ўзи гапираверади. Сўз образнинг яхшироқ очилишига бир хилда ёрдам беради.

Нутқ ўйин жараёнида жуда катта аҳамиятга эга. Нутқ орқали болалар фикр алмашади, ўз ҳис-туйғулари ва кечинмаларини ўртоқлашади. Сўз болалар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилишига, теварак-атрофдаги ҳаёт воқеалари ва фактларига бир хилда муносабатда бўлишга ёрдам беради.

Ўйинда образ, ўйин ҳаракати, сўз ўзаро боғланиб ўйин фаолиятининг асосий негизини ташкил этади, борлиқни акс эттириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Болаларнинг ўзи яратган ўйинидан келиб чиқадиган ёки катталар томонидан таклиф этилган ўйиннинг ғояси, мазмуни, ўйин ҳаракатлари, роллар, ўйин қоидалари унинг тузилишини ташкил этувчи қирраларидир.

Ўйиннинг ғояси — бу нима ўйнашни белгилаб олиш: *«Дўкон», «Шифохона», «Учувчилар», «Она-бола», («Оила») «Болалар боғчаси»* ва шунга ўхшашлар. Ўйин мазмунига, ғоясига қараб болаларнинг бундай ўйинларини бир неча ўзига хос гуруҳларга бўлиш мумкин:

а) маиший турмушни акс эттирувчи ўйинлар *(«Оила», «Шифохона», «Болалар боғчаси» ва ҳ.к.);*

б) кишиларнинг яратувчилик меҳнатини акс эттирувчи ўйинлар *(метро қурилиши, деҳқонлар меҳнати, уй, фабрикаларнинг қурилиши ва ҳ.к.);*

в) ижтимоий воқеаларни, анъаналарни акс эттирувчи ўйинлар *(байрамлар, намойишлар, саёҳат, меҳмонларни кутиш ва ҳ.к.).*

Ўйинларнинг бундай бўлиши албатта шартли бўлиб, бир ўйинда ҳар хил ҳаётий воқеалар акс этиши ҳам мумкин.

Ғоя ўйиннинг мазмуни, жонли тўқимаси бўлиб унинг ривожланиши ўйин ҳаракатларини, болалар муносабатларини ҳар хиллигини ва ўзаро боғланишини белгилаб беради. Ўйиннинг қизиқарли бўлиши ва унда болаларнинг қандай иштирок этишлари ўйин мазмунига боғлиқ. Ўйинда бола ижро этадиган роль ўйиннинг асосий ўзаги ва таркибий хусусиятидир. Бунинг учун ҳам бу ўйинлар ролли ёки сюжетли-ролли ўйинлар номини олган. Бола олган ролига қараб, ўша образга кириб кетади ва унинг ростлигига ишонади.

Ўйин болаларнинг қизиқарли эрмагигина бўлиб қолмай, шу билан бир қаторда у болаларни ривожлантириш ва тарбиялашнинг муҳим воситаси ҳамдир. Аммо ўйин катталар томонидан ташкил этилиб, унга раҳбарлик қилингандагина ижобий натижа беради.

Педагог болалар ўйинини ташкил этар экан, қуйидаги талабларга эътибор бериши зарур: ўйиннинг мазмуни, таълим-тарбия берувчи аҳамиятга эга бўлиши, акс эттирилаётган нарсалар ҳақидаги тасаввурлар тўғри ва тўла бўлиши, ўйин ҳаракатлари фаол, маълум мақсадга қаратилган, ижодий хусусиятга эга бўлиши керак. Барча ва айрим болаларнинг қизиқишларини эътиборга олган ҳолда ўйинга раҳбарлик қилиш, ўйинчоқлар ва

бошқа керакли материаллардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, болаларнинг ўйин давомида хайрихоҳ ва хурсанд бўлишларини таъминлаш лозим.

Педагог болалар ўйинига раҳбарлик қилар экан, бола шахсининг ҳамма томонларига онгига, ҳис-туйғуларига, иродасига, хулқига таъсир этиши ва бундан болаларни ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний томондан тарбиялашда фойдаланиши лозим.

Ўйин жараёнида болаларнинг билимлари ва тасаввурлари бойиб, чуқурлашиб боради. Ўйинда у ёки бу ролни бажараётиб бола ўзининг бутун қизиқишини ўйинга қаратиши лозим. Бола ўйнаётганида кишилар меҳнати, уларнинг аниқ ҳаракатлари, муносабатлари тўғрисидаги тасаввури етарли эмаслигини сезиб қолади, бунинг натижасида катталарга савол бера бошлайди. Дефектолог болаларнинг бундай саволларига жавоб бериб, уларнинг билимларига аниқлик киритади, бойитади.

Шундай қилиб, ўйин болалардаги билим ва тасаввурларни мустаҳкамлайди. Бунда педагогнинг тўғри раҳбарлиги унинг тушунчаларини кенгайтиради ва бойитади.

Педагог ўйин орқали болаларда она-Ватанга, ўз халқига бўлган ижобий муносабатларни шакллантиради, мустаҳкамлайди. Ўйин орқали тарбиячи болаларда жасурлик, тўғрилик, жамоада ўзини тута билишлик, ташаббускорлик каби сифатларни тарбиялайди.

Ўйин болаларда ижтимоий ахлоқни, уларнинг ҳаётга, бир-бирига бўлган муносабатини шакллантирувчи ўзига хос мактабдир. Ўйинда бола кишиларнинг одоб-ахлоқ меъёрларини, меҳнатга муносабатларини, жамият мулкига ва бошқаларга муносабатларини билиб олади.

Тарбиячи болалар ўйинига раҳбарлик қилиш жараёнида уларни жамоа орқали ҳам тарбиялаб боради. Ўйин жараёнида болалар ўз хоҳишларини жамоа хоҳиши билан келишиб олишга ўйинда ўрнатилган қоидаларга риоя қилишга ўрганадилар.

Аммо тарбиячи ўйинга тўғри раҳбарлик қилмаса у нохуш оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Тарбиячи болаларни жисмоний томондан тарбиялашда ўйиндан кенг фойдаланади. Жуда кўпчилик ўйинлар болалардан фаол ҳаракат қилишни талаб этади бу эса ўз навбатида организмда модда алмашинишини таъминлайди, қон айланишини тезлаштиради. Бундан ташқари, фаол ҳаракат қилиш бола гавдасининг тўғри ўсишини, ҳаракатлари чиройли бўлишини ҳам таъминлайди. Аммо ўйин педагогнинг раҳбарлигиси

ўз-ўзидан жисмоний тарбия воситаси бўлолмайди, чунки ортиқча ҳаракат қилиб юбориш ёки узоқ вақт бир хил вазиятда ўтириш боланинг соғлигига зарар келтириши мумкин. Бундан ташқари, ўйин пайтида гигиеник шарт-шароит туғдириш учун алоҳида ғамхўрлик қилиш лозим.

Ўйин орқали тарбиячи болаларда қувноқ кайфият яратади, ижобий руҳият ҳосил қилади, бу эса боланинг руҳий ва жисмоний тарбиясини яхшилайди.

Ўйин болаларга эстетик тарбия бериш воситаси сифатида ҳам кенг қўлланилади. Болалар теварак-атрофидаги ҳаётни, воқеликни образлар, роллар орқали ҳам акс эттирадилар. Ўйинда болаларнинг аввал олган таассуротлари орқали образ яратишлари (хаёл, диққат, хотира) жуда катта аҳамиятга эга. Болалар жуда кўп ўйинларда аввал ўрганган ашулалар, шеърлар, рақслар ва топишмоқлардан кенг фойдаланадилар. Бундан тарбиячи болаларда эстетик дидни тарбиялашда фойдаланади.

Ўйин бола учун ҳақиқий ҳаётдир. Агар тарбиячи болалар ўйинини оқилона ташкил эта олсагина у ижобий натижаларга эришиши мумкин. А.П. Усова шундай деган эди: «Болалар ҳаёти ва фаолиятини тўғри ташкил этиш – уларни тўғри тарбиялаш демакдир. Болаларни тарбиялашда ўйин шунинг учун ҳам самарали натижа берадики, ўйинда бола яшашни ўрганмайди, балки ўз ҳаёти билан яшайди».

Ўйин танлай билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Нонушта билан машғулот ўртасида болалар ўйинига 8–10 дақиқа вақт берилади. Бунда болалар кўпинча аввал бошлаган ўйинларини давом эттирадилар. Сайрда болаларнинг ўйнашлари учун 1 соат ёки 1 соат-у 20 дақиқа вақт ажратилади. Кундузги уйқу ва кечки нонуштадан кейин ҳам болалар ўйинига вақт берилади. Бунда болалар кўпроқ сюжетли-ролли ўйинларни, қурилиш материаллари, кўғирчоқлар, стол устига қўйиб ўйналадиган ўйинчоқларни ўйнашлари мумкин.

Аммо ўйин билан таълим ўртасидаги боғлиқлик бола улғайган сари ўзгариб боради. Кичик гуруҳда ўйин таълим беришнинг асосий шакли ҳисобланса, катта гуруҳга борганда эса машғулотларда таълимнинг роли ортади. Тайёрлов гуруҳига борганда болаларнинг юзларида мактабда ўқишга иштиёқ уйғониб қолади.

Аммо болалар учун ўйиннинг қадри йўқолмайди, балки фаолиятнинг мазмуни ўзгаради, энди болаларни кўпроқ фикрий фаолликни

У-7515/1

талаб этувчи ўйинлар, спорт тарзидаги (мусобақа жиҳатлари бор) ўйинлар қизиқтира бошлайди.

Педагогика фани ўйинни бола шахсини тарбиялашнинг асосий воситаси деб ҳисоблайди. Ўйин орқали болалар катталарнинг меҳнат тажрибасини, билим, малака ва кўникмаларини, ҳаракат усулларини, ахлоқ нормалари ва қоидаларини, мулоҳаза ва муҳокамаларини эгаллаб оладилар. Ўйинда боланинг ўз тенгдошлари ва катталар билан бўладиган муносабат усуллари шаклланади, ҳис-туйғу ва дид-фаросатлари тарбияланади.

Болаларнинг ўйинда бирлашишлари бир неча босқичга бўлинади.

Биринчи босқич болаларда **«ёнма-ён»** ўйиннинг шакллани боришидир. Бу илк ёшли ва кичик гуруҳ болаларига хосдир. Бундай ўйинда болалар ўйинга қизиқиш билан қарайдилар, бирга ўйнаб **«ёнма-ён»** ўтирганларидан хурсанд бўладилар. Бу ёшдаги болаларнинг ўйини катталар раҳбарлигида уларнинг хулқига таъсир этиш орқали ташкил этилади.

Иккинчи босқичда болалар ўйин орқали механик равишда бирлаша бошлайдилар. Бундай бирлашишлар қисқа муддатли бўлади. Бу даврга келиб, болалардан кимнинг қайси ўйинга қизиқиши аниқ бўла бошлайди, баъзи болалар дидактик ўйинга қизиқсалар, иккинчилари ҳаракатли ўйинни ёқтирадилар, учинчиларига ижодий ўйинлар маъқулроқ бўлади ва х.к. Тарбиячининг вазифаси болаларни у ёки бу ўйин билан узоқроқ ўйнашга ўргатишдир.

Учинчи босқичда ўйновчи болалар гуруҳи бир-бирига дўстона муносабат ва ўзаро ёқтириш орқали бирлашадилар. Бирга ўйновчилар сони кўп бўлмаса-да, болалар қизиқиб ўйнайдилар. Бу даврга келиб бир-бирларига баҳо бериш умумий талаби юзага келади. Бу босқичда тарбиячи болаларнинг ўйинда бирлашишларининг ахлоқий асосини юзага келтириши, уларда ўзаро ёрдам, ўртоқлик, дўстлик муносабатларини шакллантириши лозим.

Болаларнинг ўйинлари қизиқарли, мазмунли бўлиши учун ўйиннинг ҳамма турларидан ўринли фойдаланилса болаларга таълим бериш ва уларни тарбиялашда ижобий натижаларга эришилади.

Шундай қилиб, педагогика фани ўйинга бола шахсини ҳар томонлама шакллантириш воситаси ва улар ҳаётини ташкил этиш шакли, болалар жамоасини шакллантириш воситаси деб қарайди.

2-§. Миллий ўйинлар орқали мактабгача ёшдаги болаларда миллий ғурурнинг шаклланиши

Ўзбекистон инсон ҳаётини ҳимоялашда, жамият фуқароларининг алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган қатламига, яъни уларнинг яшаш, таълим олиш, жамиятда ўз ўрниларини топиш масалаларига эътибор доирасини тобора кенгайтириб бораётган давлатлардан бири эканлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан тобора кенг эътироф этилмоқда. Яъни барча ислоҳотларнинг марказида бўлган таълим тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар унинг таркибий қисми ҳисобланган махсус таълим тизимини ҳам қамраб олмоқда. Сўнгги йилларда махсус таълим тизимида амалга оширилаётган тадбирлар нафақат соҳанинг моддий-техника базасини, балки таълим сифатини таъминлашни ҳам назарда тутади. Махсус таълим муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг ижтимоий ҳаётга муваффақиятли уйғунлашуви ушбу кунда олиб борилаётган таълим-тарбияга боғлиқлиги боис, ушбу йўналишдаги муассасалар учун педагог ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, ушбу муассасаларнинг методик таъминоти каби масалалар ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан саналади.

Маълумки, тил воситасида инсон мулоқотга киришади, фикр алмашади, ахборот олади, билим, кўникма ва малакаларни эгаллайди. Жамиятда тилни ўзлаштириш жараёни кишиларнинг ўзаро нутқий фаолияти (коммуникацияси) шароитида амалга ошади. Юқорида таъкидлаганимиздек болаларнинг асосий ривожланиш фаолияти бу ўйиндир.

Болаларнинг жисмоний бақувват ва етук кишилар бўлишида халқ миллий ўйинлари муҳим ўрин тутади. Умри асрлар билан тенгдош бўлган миллий ўйинларнинг бугуни ҳам, келгуси ҳам порлоқдир. Зеро, авлоднинг жисмоний бақувват, куч-қувватли ва етук бўлиши ҳамма вақт ва ҳар бир жамиятда асосий масалалардан, яъни давлат тизимининг устувор йўналишларидан бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади.

Ўзбек халқ маданиятидаги ҳаёт тарзи билан йўғрилган архаик жанрлардан бири ўйин санъатидир. Ўйинлар ҳозирги ўзбек санъатида узоқ замонлардан бери яшаб, шаклланиб, ҳар бир даврда ўзига хос тарихларга учраб, ривожланиб келаётган қадимий, аммо ҳамиша навқирон санъат туридир. Қадимги

Турон, шу жумладан ўзбек халқининг ота-боболари ва момоларини ташкил этган уруғ ва қабилаларнинг ижтимоий ҳаёти, ижтимоий эстетик, этник дунёқараши, миллий хусусиятлари билан боғлиқ, турли этнографик маъно-мазмундаги ранг-баранг ўйинлар кишиларнинг маиший ҳаёт тарзи билан боғлиқ онгли ўйин ҳаракатларнинг илк илдизлари бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли улар энг бошланғич, содда элементлардан мураккаб шаклларга ўсиб келаётган узоқ жараёнлар тарихига эга. Инсон дунёга келгандан то улғайгунга қадар ўйинлар билан машғул бўлади. Демак, ўйинлар инсон ҳаётининг ажралмас бўлакларидандир. Ҳар бир ўйин шунчаки оддий ҳаттиҳаракатлардан (жисмоний) ёхуд руҳий ҳолат вазиятларидан иборат бўлмай, маълум ритм, оҳанг, бадиий эмоционал сўз, муайян сюжет ва композицион мураккабликдан ҳам иборатдир. Ўйинда уни бажарувчисининг куч-қуввати, ақл-идроки, фаҳм-фаросати, топқирлиги, зукколиги, эпчиллиги ҳам намоён бўлади.

Узоқ ва мураккаб тараққиёт босқичини босиб ўтган халқ миллий ўйинларининг улкан қисмини болалар, шу жумладан кичик ва ўрта ёшдаги болалар ўйинлари ташкил этади. Зеро, болалар ҳам катталар каби мазмун-маъноси юксак мароқ бағишловчи, кишига олам-олам шавқу завқ берувчи, айни чоғда синовлардан ўтказувчи ўйинларсиз яшай олмайдилар. Дарҳақиқат, ҳар қандай бола хилма-хил ўйинлар бағрида инсон сифатида шаклланади, вояга етади, комилликка эришади. Айни шу халқ миллий ўйинлари болаларнинг у ёки бу нарса-ҳодисага қизиқишини уйғотади, ривожлантиради. Жисмоний, ахлоқий, эстетик, этник тарбиясини шакллантиради, бора-бора ана шу ўйинлар бағрида камол топтиради. Шу жиҳатдан, миллий ўйинлар асрлар давомида халқ педагогикасининг ажралмас қисми сифатида муҳим ва зарур тарбия воситаларидан бири бўлиб келган. Миллий ўйинлар болалар дунёсининг доимий йўлдоши бўлиб, ҳозирги кунимизда ҳам мунтазам ҳамроҳдир. Нима учун болалар, ҳатто катталар ҳам ўйинларга қизиқадилар, ўз ҳаётларини ўйинларсиз тасаввур қила олмайдилар. Бунинг сабаби биринчидан, ўйинларнинг жуда қизиқарли ва беназир мароқли бўлиши, иккинчидан унинг бағоят эмоционал-таъсирчанлиги, учинчидан, дид-фаросатни, тафаккурни, шунингдек, жисмоний куч-қувватни

оширишга қаратилган бўлиши, тўртинчидан, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларни англаш, дунёни таниш, маънавий-маърифий ва ахлоқий тарбияга алоҳида таъсир этишидадир. Болалар ўйинлари қолаверса умуман ўйинларнинг чуқур миллийлиги, руҳиятни кўтариши, қалбни забт этиши, ўта таъсирчан ва ҳаяжонли бўлишидадир.

Дарҳақиқат, миллий ўйинлар ҳар бир кишига, жумладан болаларга олам-олам қувонч, шодлик бағишлайди, ҳаракат ва ақл-идрокнинг фавқулодда қизиқарли оламига олиб киради, унинг ўзлигини унутиб ўйинга берилишини таъминлайди, тафаккур, дид-фаросат ва ақл-идрокини ўстиради. Теварак-атроф, кишилар билан танишувида ёрдамлашади, ақлий ва жисмоний камолот сари етаклайди. Халқимизнинг ўзбекона зукколиги-ю топқирлиги, ижодкорлиги, оқилу донолиги ўйинларда намоён бўлади. Айни чоғда ўйинлар халқимизнинг ҳаёти, интилиши, кураши, орзу-умиди, мақсад-нияти, унинг фалсафаси, дунёқараши, этник-эстетик дид ва қарашларининг ўзига хос даражадаги рамзий ифодаси ҳамдир. Ўзбек миллий ўйинлари кўп асрлик тарихга эга. Улар асрлар давомида халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва анъанавий-маърифий, ҳаётий кузатувлари, тажрибалари, ўзаро алоқалари, маънавий-руҳий муносабатлари, мулоқот ва мунозаралари асосида юзага келган ва амалий ҳаракатда, яъни жонли анъаналарда бизгача етиб келган. Ҳа, болалар миллий ўйинлари халқимизнинг бетакрор олтин меросларидандир. Уларни доно ота-боболаримиз, зукко момоларимиз, уларнинг фарзандлари-ю набиралари, эваралари бир-бирларига ўргатиб, кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, бизгача етказиб келганлар.

Ўзбекистонда «Боланинг ўйинига қара, ўсган бўйига қара, боланинг кимлигини, нимага қизиқишини ўйнаган ўйинидан билса бўлади», деган ҳикматли иборалар бор. Болалар ўйинларидан келиб чиқиб уларнинг характери, қизиқиши, интилиши, мақсади, одатлари, хулқ-атворини англаш мумкин. Ҳар ҳолда ўзбек фарзандлари ўзларининг ота-боболари ва момолари туғилиб тетапоя бўла бошлаганларидан, униб ўсиб, катта ёшга етгунларича бўлган даврларда доимий ҳамроҳи ва йўлдоши бўлган миллий ўйинлари бағрида униб ўсганлари маъқул-да!

Ўзбек миллий болалар ўйинларининг мавзу қамрови, ижро услубларижудакенг. Ижтимоийҳаёт, кишиларнинг муносабатларининг

бирон-бир жабҳаси йўқ-ки, ўйинлар назарига тушмаган бўлсин. Бошқача сўз билан айтганда, халқимиз ҳаётининг бирон соҳаси бўлмасинки, ўйинларга «кўчмаган», уларда ўз ифодасини топмаган бўлсин. Халқимизнинг деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, полизчилик маданияти дейсизми, касб-ҳунар ва билим соҳаси дейсизми, фалсафий эстетик, ахлоқий ёхуд таълим-тарбия, одоб-ахлоқ бобидаги қарашлари дейсизми барчаси миллий ўйинларга мавзудир. Хусусан, болалар миллий ўйинлари бошдан оёқ маънавий-маърифий, ахлоқий тушунчалар билан йўғрилган. Асрларга тенгдош катталар ва болаларга аталган ўзбек болалар миллий ўйинларини айтиб адоғига, сон-саноғига етиб бўлмайди. Ҳар ҳолда халқимиз бисотида ўйинлар беҳисоб, сон-саноқсиз. Халқимизнинг минг-минг йилларда босиб ўтган тарихий йўлида тажриба ва синовлардан қайта-қайта ўтиб, яхлит ва мукаммал ҳолда бизгача етиб келган болалар миллий ўйинларининг мазмуни, мақсади, мантиқи ва йўналишига қараб қуйидагича турларга бўлиш мумкин:

1. Мавсумий болалар миллий ўйинлари: баҳор, ёз, куз, қиш мавсумларида ўйналадиган миллий ўйинлар.

2. Маросим болалар миллий ўйинлари: расм-русумлар, урф-одатлар, маросимлар, анъанавий байрамларда ўйналадиган ўйинлар.

3. Меҳнат билан боғлиқ миллий ўйинлар: «Экин экиш», «Ўрик қоқиш», «Анор узди», «Ерни ҳайдаш», «Қулупнай сайли», «Сигир соғди», «От суғориш» ва бошқалар.

4. Оилавий-маиший болалар миллий ўйинлари: «Меҳмон-меҳмон», «Келин тушириш», «Она-бола», «Уй жиҳозлаш», «Қўғирчоқ ўйини», «Алла-алла», «Бешик безаш», «Бешикка белаш» ва бошқалар.

5. Жисмоний ҳаракатли болалар миллий ўйинлари: «Қувлашмачоқ», «Зийрак», «Ғоз-ғоз», «Коптокни қувиб ет», «Қуёним-қуёним», «Эпчил қуён», «Тўптош», «Санаш», «Оқсуяк», «Чопиш», «Зув-зув», «Оқ теракми кўк терак», «Эшак минди», «Ўйла», «Қулоқ чўзма», «Менга етиб ол», «Тоққа кўтарилиш», «Улоқ», «Чоғвон», «Сузиш», «Узоққа сакраш», «Арқонда кўтарилиш», «От ўйини», «Қиз қувди», «Нишонга олиш», «Қиличбозлик», «Тош кўтариш» ва бошқалар.

6. Мантиқий болалар миллий ўйинлари: тез айтишлар, топишмоқни топиш ўйинлари, санашлар, айтишувлар, савол-

жавоблар, ўйлаб топлар, хотирани тиклашлар, чорлашлар ва бошқалар.

7. Ҳайвонлар ва табиат ҳодисалари билан боғлиқ болалар миллий ўйинлари.

8. Эрмак болалар миллий ўйинлари.

9. Мусиқа ўйинлари.

Ўзбек болалар миллий ўйинларининг бу каби турларга бўлиш нисбийдир. Зеро, айрим ўйин қиш кетиб баҳор келиши билан ижро этила бошласа, у йил бўйи ҳам фаол давом этиши мумкин. Ўзбек болалар миллий ўйинларига хос хусусиятлардан яна бири ёш танламаслигидир.

Ўзбек болалар миллий ўйинларининг ҳар бири мақсад, маъно, мазмуни ва шакл-шамойили жиҳатидан мукаммал асардир. Ўйинлар мазмуни ва шакл-шамойилига қараб, уни яратган ва ижро этадиган халқларнинг нечоғлик ижодий салоҳияти, топқирлиги ва зукколиги ҳамда фикр юритиш, баҳо бериш мумкин эканлиги ақидасидан келиб чиқиб, катталар ва болаларнинг миллий ўйинлари асосида халқимизнинг ижодий, педагогик иқтидорига, ақл-идроки-ю инсоний фазилатларига қойил қолиш, тан бериш мумкин. Болалар миллий ўйинлари бу халқимизнинг болалиги, ўсмирлиги ва йигитлигидир, етилган камолотидир. Таълим-тарбия, одоб-ахлоқнинг ўзига хос мактабидир. Болалар миллий ўйинларида ҳам бошқа ижод намуналарида бўлганидек, халқнинг маънавий-маърифий, ахлоқий-этик қарашлари чунончи, Ватан ва ватанпарварлик, жамоатчилик, ғўстлик, аҳиллик, меҳнат ва меҳнатсеварлик, илм, касб-ҳунар, ғонолик, яхшилик, мардлик, ботирлик, хушёрлик, тадбиркорлик, сахийлик, меҳмондўстлик, қадр-қиммат, иззат-ҳурмат, одоблилик, тарбиялилик, меҳр-оқибат, сабр-қаноат, эпчиллик, ддабуронлик, андиша, вақт ва фурсатнинг қадрига етишлик, ҳаҳм-фаросат, ғурур, ор-номус, ғайрат-шижоат, адолат, куч-қувват, тил бойлиги ва зукколиги, болалик, ёшлик ва қарилик унёси салоҳияти ва билимдонлиги тажрибаси кабилар ҳар тонлама чуқур, фавқулодда кутилмаган ҳолда зуҳур этилади ва малиётда ўз ифодасини топади. Ўйинлар фикр ҳаракати, ақлдрок бойлиги, руҳий уйғоқлик ва жисман тетиклик, шунингек, соғлом таълим-тарбия, одоб-ахлоқнинг асосидир.

Халқ ўйинлари, жумладан, болалар миллий ўйинлари нг қадим вақтлардан бошлаб халқнинг ҳаёт тарзини, орзу-

армонларини, идеалини, маънавий-маърифий, эстетик дунё қарашини мужассамлаштирган ҳолда шу кунимизга қада ўсиб, мазмун мақсадига кўра теранлашиб бизгача етиб келган дир. Бошқа санъат турларидан фарқли ўлароқ ўйинларда хал руҳияти, психологияси, ёш авлод тарбиясига бўлган муносаба тида ёркин акс этади.

Болалар миллий ўйинлари сюжетида ва ғоясида гўзаллик шодлик ва хурсандчилик, яхши кайфият, гуманистик белгила ифода этилиши билан бирга халқнинг ғами, дард-алами, нола фиғони ўзига хос исёни, норозилиги ҳам ўз аксини топган де йиш мумкин. Бу болалар фольклорига ҳам тааллуқлидир.

Ҳа, ўйин болаларнинг кечаги, бугунги, эртанги кунидир Мустақиллигимиз ва истиқлолимизнинг таянчлари, бую келажагимиз бунёдкорлари болаларимиз ўта маданиятли иймон-эътиқоди бутун, маънавий маърифати устувор, ахлоқ бисёр бўлмоғи шарт. Авлодларимиз барча юксак инсоний фа зилатларни ўзига юқтирган ва мужассамлаштирган, иқтидорли ижодкор, меҳнатсевар, юртсевар, фидойи, билимдон, уқувли одобли, камтар бўлиши кун тартибига қўйилди. Айни чоғда бо лаларимизни буюк келажагимиз бунёдкорлари қилиб тарбия лаш, уларда энг яхши инсоний ҳис-туйғуларни, миллий ғурур миллий ифтихорни уйғотиш, шакллантириш ва камол топти ришда маънавий олтин меросимизнинг битмас-туганмас дурдо наларидан бўлмиш ранг-баранг халқ миллий ўйинлари муҳи роль ўйнаши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Чунки кўпчилик миллий ўйинларни юқорида ҳам таъкидланганидек кичик ёшдаги болалар ҳам, мактаб ёшидагилар ва ҳатто ўсмир лар ҳам ўйнайверишади. Иккинчидан, халқ «мана бу ўйинн кичик болалар ўйнасин-у, мана бунисини мактаб ёшидагила ўйнасин», — деб ажратиб ўтирмайди. Ўйиннинг маъно-мазмун тарбиявий-коррекцион аҳамиятга моликми, демак ўйнаш га йўл қўйилади. Ҳар бир болалар миллий ўйинларида дон халқимизнинг қиёфасини, ўзлигини, ўзбеклигини кўрами Ана шу халқ ўйинларига, жумладан, болалар миллий ўйинлари га ижодий ёндашиб, болаларнинг қизиқишлари, қобилиятлар ва бошқа иқтидорларини ҳисобга олиб таништириш ва ўйинн жалб қилиш табиий ҳолдир.

II БОБ. ТАЙЁРЛОВ ЎЙИНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

1-§. Тўғри нафасни ривожлантиришга қаратилган ўйинлар

Болаларнинг нутқи маромида бўлиши учун бош мия пўстлоғи нутқ маркази тўлиқ ривожланган бўлиши, уларнинг сезги органлари – эшитиш, кўриш, таъм билиш, тери сезгиси ҳам етарли даражада ривожланган бўлиши керак. Айниқса, нутқни ҳаракатга келтирувчи ва нутқни эшитувчи анализаторларнинг ривожланиши жуда муҳимдир. Анализаторларга ҳамма сезги органлари (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, тери сезгиси) ҳамда ички органлар ва мускуллардаги махсус рецепторлар киради. Буларнинг барчаси атроф-муҳит билан боғлиқ бўлади.

Боланинг ҳар томонлама ривожланишида тўғри нафаснинг шаклланганлиги, эшитиш, овознинг меъёрда ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Логопедик машғулотларда тайёрлов ўйинларининг асосий мақсади болаларда тўғри нафас олиш ва чиқариш, овоз кучидан тўғри фойдаланиш, физиологик ва нутқий эшитишни ривожлантиришдан иборат. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ёшликдан елкаларини кўтармаган ҳолда чуқур ва тўғри нафас олишни тарбиялаб бориш лозим. Шунинг учун ҳам логопедик машғулотларда иш нафасни ривожлантиришга қаратилган ўйинлардан бошланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

«Капалаклар учяпти» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тўғри, узлуксиз ҳаво оқимини ҳосил қилишга эришиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларга ўтиришади.

Логопед болаларга:

– Болалар қаранглар-а, қандай чиройли капалаклар: кўк, сариқ, қизил! Улар худди жонли капалакларга ўхшайди. Кўрайликчи, улар уча оладиларми?

Логопед капалакларни пуфлайди:

– Қаранглар, учиб кетишди. Қани сизлар ҳам пуфлаб кўрингларчи? Кимнинг капалаги узоққа учар экан?

Логопед ҳар бир капалакнинг қаршисига биттадан болани турғазиб қўяди, болалар капалакка пуфлайдилар.

Методик кўрсатма. Ўйин бир неча маротаба такрорланади Бунда болаларнинг тўғри туришига, нафас олганларида елкаларини кўтармаслигига аҳамият бериб бориш керак. Болалар бир нафас чиқаришда, ҳаво олмасдан туриб, бирон нарсани пуфлашлари керак. Лаблар бироз олдинга чиққан бўлиши керак. Ҳар бир бола бирор нарсани 10 сониядан (орасида танаффус қилиш билан) ортиқ пуфламаслиги керак. Давомли, танаффуссиз 10 сониядан ортиқ пуфлаш бош айланишини келтириб чиқариши мумкин.

«Кимнинг қушчаси узоққа учади?» ўйини

Ўйиннинг бориши: Иккита стулчанинг қирраларига қушчалар қўйилади, стулчалар бир-биридан 30 см узоқликда туриши керак. 4 та бола чақирилиб, ҳар бир стулчанинг қиррасида турган қушчаларнинг тўғрисига турғизиб қўйилади.

— Қушчалар учишди! — дейилгач, болалар шаклларни пуфлашади. Бошқалари эса кимнинг қушчаси узоққа учганлигини кўрсатадилар.

Методик кўрсатма. Болалар юпқа қоғоздан тайёрланган қушчаларни пуфлаганларида лунжлари шишмаслиги керак. Қирқиб ипга осилган шаклларни бир нафас чиқаришда харакатлантириш керак. Логопед болаларга қушчани пуфлаганда кетма-кет (бўлиб-бўлиб) пуфлаш мумкин эмаслигини айтади ва ўзи қушчани пуфлаб кўрсатади.

«Товуқлар фермасида» ўйини

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга ўйинчоқларни кўрсатиб, уларнинг овозларига кетма-кетлик билан 3—4 марта тақлид қилади (қо-қо-қо, қу-қу-қу, ғоқ-ғоқ-ғоқ, пи-пи-пи). Сўнгра ўйинчоқларни стол устидан олиб қўяди ва болаларга шундай дейди:

— Биз сизлар билан товуқлар фермасига бордик. Кетаётганимизда олдимиздан товуқ чиқиб қолди («товуқ» ўйинчоғини кўрсатади). У биз билан қандай саломлашади? (Болалар: қо-қо-қо).

— Биз йўлимизда давом этдик. Каршимизда ғоз пайдо бўлди. Ғоз биз билан саломлашмоқчи бўлди. У қандай саломлашади? (Болалар: ғоқ-ғоқ-ғоқ).

Шу тариқа логопед хўроз, жўжа ўйинчоқларини кўрсатади. Болалар эса унга тааллуқли бўлган товушни талаффуз этадилар.

Методик кўрсатма. Аввал болалар товушга тақлид қилишни биргаликда талаффуз этадилар, сўнгра 3—4 боладан яккама-якка сўралади. Болалар (қо-қо-қо, қу-қу-қу, ғоқ-ғоқ-ғоқ, пи-пи-пи) товушларига тақлид қилишни бир нафас чиқаришда талаффуз этишлари лозим. Баъзи болалар 2—3 товушга, бошқалари эса 3—4 товушга тақлид қилишлари мумкин.

«Бу гулни танийсанми?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Чуқур нафас олишни ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Логопед хонага бир даста гул олиб киради. Болалар гулларни кўришади ва уларни ҳидини эслаб қолишга ҳаракат қилишади. Кейин логопед даста гулни яшириб, бironта болани олдига боради ва кўзини беркитишни илтимос қилади. Кейин эса гулдаста ичидан бир дона олиб болага ҳидлатади. Агар бола ҳидлаб, гулнинг ҳидини тўғри топса, у ғолиб бўлади. Болалар гулни ҳидлаганларида елкаларини кўтармасдан, чуқур нафас олишлари, кейин аста-секинлик билан нафас чиқаришлари логопед томонидан кузатиб борилиши керак.

«Ўйинчоқни пуфлаб бер» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Нафас чиқаришни ривожлантириш. Лаб мушакларини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Болаларга яхши ювиб тозаланган резина ўйинчоқлар берилади. Ўйинчоқларни болалар бурун орқали нафас олиб пуфлаб шиширишлари керак. Ўйин давомида логопед болаларнинг тўғри нафас олиб, тўғри чиқаришларини, ҳамда ўйинчоқларни пуфлаб шираётганларида зўриқиб, чарчаб қолмасликларини назорат қилиб бориш лозим. Акс ҳолда ўйин болаларга зиён етказиши мумкин. Топшириқни тўғри бажарган бола ўйинчоқ билан мукофотланади.

«Ёқимли ҳид» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тўғри нафас олиш ва чиқариш малакасини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар галма-гал гулдонда турган гулнинг олдига келиб, уни ҳидлайдилар. Нафас чиқариб бўлишгач, болалар қайси гулнинг ҳиди эканлигини айтадилар. Болалар тўғри, чуқур нафас олишлари ва нафас чиқаришлари логопед томонидан кузатиб борилади.

«Футбол» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тўғри нафас кўникмасини шакллантири
Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга шундай дейди:

— Болалар ҳозир биз сизлар билан футбол ўйинини ўйнаймиз Фақат оёғимиз билан эмас, оғзимиз билан ўйнаймиз. Коптс ўрнига пахтадан фойдаланамиз.

Стол устига чизғич дарвоза ясалади. Болалар чуқур наф олиб, нафас чиқариш давомида пахтани пуфлаб дарвозага ки гизадилар. Логопед тўғри нафас олиш ва нафас чиқаришни к затиб боради. Ҳар бир боланинг вазифани аниқ бажариши куз тилади, лозим бўлса тўғрилаб борилади.

2-§. Овозни ривожлантиришга оид ўйинлар

Овоз бузилишидаги камчиликларни бартараф этишда ўйин лардан кенг фойдаланилади. Бунда болаларга паст ва балан овозда гапиришда овоздан тўғри фойдаланиш ўргатилади. Куйи да овозни ривожлантиришга қаратилган ўйинларни келтирдик

«Ким қандай қичқиради?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларни вазиятга қараб баланд ва пас овоздан фойдаланишга ўргатиш.

Методик кўрсатма. Болалари бақирмасдан, тинч оҳангда, ке рак бўлганда овозни баландлатиб ёки пасайтириб гаплашиш ўргатиш.

Ўйиннинг қисқача мазмуни: Логопед ўзининг ҳикоясини, ҳико мазмунига тааллуқли бўлган шаклларни (ўйинчоқ) ёки ўйинчо расмларни фланнелографда кўрсатиб бериш билан бошлайди.

— Эрталаб биз гуруҳимиз билан далага сайр қилгани чиқдик Қулоғимизга ниманингдир ингичка овозда «пи-пи» деб (ингичк овозда талаффуз этади) овоз чиқараётгани эшитилди. Қарасак бу чумчуқнинг боласи чумчуқча экан. У дарахтга қўниб, она сини чақираётган эди: онам менга қачон курт, чувалчанг оли келадилар, деб ингичка овозда чийиллар эди. Қушча қанда чийиллар экан?

Болалар ингичка овозда чумчуқчанинг «пи-пи» деб ово чиқаришига тақлид қиладилар. Бирданига она чумчуқ учи келади, унинг оғзида чувалчанг бор эди, у чувалчангни бола сига (қушчага) берди ва паст овозда «пи-пи» деб овоз чиқари қўйди. Логопед паст овозда талаффуз этади. Она чумчуқ қанда

овоз чиқаради? Болалар «пи-пи» деб, жуда паст овозда талаффуз этадилар.

Қуш учиб кетганидан кейин биз сайрни давом эттирдик. Биз бир полиз олдидан чиқиб қолдик. У ерда қаердандир ингичка «миёв-миёв» деган овоз келар эди. Бу овоз мушукчаники экан. У бизни кўриб олдимизга югуриб келди. У қандай миёвлайди?

Болалар мушукчанинг овозини ингичка овозда талаффуз этадилар. У онаси она мушукни қидириб юрган экан. Она мушук боласининг овозини эшитиб, югуриб келди ва паст овозда «миёв-миёв» деб боласини эркалаб қўйди. Она мушук қандай миёвлайди? Болалар паст овозда она мушук овозига тақлид қиладилар, «миёв-миёв». Энди, болалар, мен ҳозир сизларга гуруҳимизга кимлар меҳмон бўлиб келганини кўрсатаман.

Логопед бошқа хонадан катта мушук (она мушук) ўйинчоғини олиб келади ва стол устида юргизади. Болалардан сўрайди: «Она мушук қандай миёвлайди?» Болалар овозларини пасайтириб, «миёв-миёв» деб талаффуз этадилар. Сўнгра она чумчуқни (қуш), чумчуқчани кўрсатади, болалар уларнинг овозларига тақлид қиладилар. Логопед болаларнинг овозларини кузатиб боради.

«Шамол эсяпти» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларни баланд ва паст овоздан фойдаланишга ўргатиш.

Методик кўрсатма. Болаларни бақирмасдан, тинч оҳангда, керак бўлганда овозини баландлатиб ёки пасайтириб гаплашишга ўргатиш.

Ўйиннинг қисқача мазмуни: Болалар стулчаларда ярим доира шаклида ўтирадилар, логопед шундай дейди:

— Биз ёзда ўрмонга сайрга бордик. Дала бўйлаб кетяпмиз, қуёш олтин нурларини ҳар томонга сочаяпти, енгил шамол эсиб ўтларни, гулларни тебратаяпти. Шамол секин эсяпти, мана бундай: у-у-у (логопед «у» товушини секин ва чўзиб талаффуз этади). Мана боғчага ҳам етиб келдик. Бизлар кўплаб гуллар, мевалар тердик ва боғчага қайтмоқчи бўлдик. Бирданига кучли шамол эса бошлади. Шамол қаттиқ гувиллай бошлади: у-у-у...(логопед бу товушни баланд ва узоқ талаффуз этади).

Болалар логопедга тақлид қилиб, енгил ва кучли эсаётган шамолнинг овозини такрорлайди. Сўнгра тарбиячи расмларни кўрсатади, болалар эса расм тасвирига қараб, унга тааллуқли

бўлган овоз кучида шамолнинг овозига тақлид қиладила
Логопед болаларнинг овоз кучини ўзгартиришларига ва ула
нинг чарчаб қолмасликларига эътибор бериб бориши керак.

«Акс-садо» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларни паст ва баланд овозда гап
ришга ўргатиш.

Методик кўрсатма. Болаларни бақирмасдан, тинч оҳангд
керак бўлганда овозини баландлатиб, пасайтириб гаплашиши
ўргатиш.

Ўйиннинг қисқача мазмуни: Болалар 2 гуруҳга ажратилад
Биринчи гуруҳ болалари ўрмонда адашиб қолган болаларн
иккинчи гуруҳ болалари акс-садони тасвирлайдилар. Ҳар би
гуруҳ хонанинг турли бурчагига жойлашади. Ўрмонда адаши
қолган болаларни тасвирловчи гуруҳ болалари бошқа гуруҳдаг
(акс-садо гуруҳидаги) болаларнинг исмини баланд овозда айти
чақиришади: «Ау, Олима! Ау, Пўлат!» Акс-садони тасвирловч
болалар худди шу сўзларни паст овозда такрорлашади. Сўнгг
қатнашчилар ролларни алмашадилар.

Методик кўрсатма. Болалар ўртоқларининг исмини айти
чақирганларидан кейин пауза қилишлари, «Акс-садо»га айтга
сўзларини такрорлаш учун имкон беришлари керак.

«Баланд-паст» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларни паст ва баланд овозда гапириш
ўргатиш.

Методик кўрсатма: Болаларни бақирмасдан, тинч оҳангда, ке
рак бўлганда овозини баландлатиб ёки пасайтириб гаплашиш
ларига ўргатиш.

Ўйиннинг қисқача мазмуни: Болалар сонига қараб 2—3 жуф
ўйинчоқ олинади. Логопед катта ва кичик кучукчаларн
кўрсатиб, болаларга шундай дейди: катта кучук вовиллаганд
баланд овозда акиллайди «вов-вов-вов». Катта кучук қанда
акиллар экан. Болалар баланд овозда «вов-вов» деб айтадилар
Логопед ўйинни давом эттириб, шундай дейди: кичкина кучукч
паст овозда акиллайди «вов-вов». Кичкина кучукча қандай овоз
да акиллар экан. Болалар паст овозда «вов-вов» деб айтадилар.

Тарбиячи ҳар иккала кучук ўйинчоғини олиб қўяди ва шун
дай дейди: ҳозир жуда ҳам диққат билан қулоқ солиб ўтиринг
лар. Кучук пайдо бўлиши билан сиз «вов-вов» деб айтасиз, амм

адашиб кетманглар, катта кучук баланд овозда акиллайди, кичкина кучук паст овозда акиллайди. Худди шу тарзда бошқа ўйинчоқлар билан ўйин ўтказилади. Паст товушга тақлид қилганда шивирлашга ўтиб кетмаслик керак.

«Мушук ва сичқон» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Осойишта (паст) овоздан фойдаланиш малакасини тарбиялаш.

Методик кўрсатма. Боланинг овози жуда баланд ҳам, паст ҳам бўлмаслиги зарур.

Ўйиннинг қисқача мазмуни: Болалар доира бўлиб юрадилар, ўртага мушук ролидаги бола ўтиради. Болалар юра туриб қуйидаги шеърни паст овозда айтадилар:

Секин сичқонлар, секин
Том бошида мушук бор.
Сичқон, сичқон, эҳтиёт бўл!
Мушук сени тутмасин!

Мушукни тасвирловчи бола шеър матни тугатилиши билан баланд овозда миёвлайди, болалар кетидан қувади ва болаларнинг бирини тутади. Ушланган бола мушук ролида бўлади. Ҳар бир боланинг овози логопед томонидан назорат қилиб борилади.

3-§. Эшитув диққатини ривожлантиришга оид ўйинлар

Болани жуда ёшлигидан бошлаб нарсаларни танишга, атрофдагиларнинг овозини эшитишга ўргатиб борилади. Бола илк ёшидан бошлаб атрофдан келган турли овозларга ўз муносабатини билдира боради (бошини овоз келган томонга буради, овоз келган томонни қўллари билан кўрсатади ва ҳ.к). Овозни эшитиш ва унга турли муносабатда бўлиш кейинчалик бола нутқининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан овозни ривожлантириш учун қуйидаги ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

«Топ нима қичқиряпти?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларда эшитув диққатини бир нуқтага тўплай олишга, уларни товушга тақлид қилишга, қайси ўйинчоқ қанақа овоз чиқаришини эшитиб аниқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед олдиндан тайёрлаб қўйган ўйинчоқни биттадан олиб болаларга кўрсатади. Сўнгра овозига тақлид

қилади ва болалардан бу қайси ҳайвон овози эканлигини сўрайди. Логопед ўйинчоқни яширган жойидан олиб кўрсатишдан олдин ўйинчоқни овозини чиқаради ва болалардан:

– Топинглар-чи, ҳозир бизга қайси ҳайвон меҳмон бўлиб келади? – деб сўрайди.

Сўнгра логопед бир болага бошқа хонага ўтиб, хона эшигини бир оз очиб қўйган ҳолда бирма-бир ҳайвонларнинг овозига тақлид қилишини айтади. Бошқа болалар эса у қайси ҳайвоннинг овози эканлигини топадилар. Ўйинни 5–6 марта такрорлаш мумкин. Болаларнинг диққат билан эшитишларини логопед кузатиб туриши керак.

«Қаерда чалинди?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларда товуш йўналишини аниқлай олишга ўргатиш, фазовий ориентацияни ривожлантириш. Болаларда маълум объектга эшитув диққатини тўплай олиш малакасини тарбиялаш.

Ўйиннинг бориши: Болалар айлана шаклида ўтиришади. Логопед ўйин бошловчисини танлайди. Бошловчи ўртада (доира марказида) туради. Логопеднинг сигнали билан бошловчи кўзини юмади. Шу вақт логопед болалардан биронтасига қўнғироқни беради ва чалишни таклиф этади. Бошловчи кўзини очмай, қўнғироқ овози келаётган томонни қўли билан кўрсатади. Агар бола товуш келаётган томонни тўғри кўрсатса, логопед «бўлди» деб айтади. Ўйин бошловчиси кўзини очади, қўнғироқни чалган бола эса қўнғироқни юқорига кўтариб уни кўрсатади. Агар ўйин бошловчиси адашса, яна бир марта қўнғироқ овози қаердан келаётганини топиш таклиф этилади. Кейин бошқа ўйин бошловчиси тайинланади. Ўйин 3–5 дақиқа такрорланади. Ўйин бошловчи ўйин вақтида кўзини очмаслиги керак, буни кузатиб бориш лозим. Ўйин бошловчи товуш келаётган томонни қўли билан кўрсатиб шу томонга бурилиши керак. Қўнғироқни жуда баланд чалиш керак эмас.

«Қуёш ва ёмғир» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларни доиранинг турли оҳангига қараб ҳаракатларни бажаришга ўргатиш.

Методик кўрсатма. Логопед бу ўйинни доира овозини ўзгартириб 3–4 марта такрорлайди.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга:

– Ҳозир биз сизлар билан сайрга борамиз. Об-ҳаво яхши, қуёш чарақлаб турибди, ёмғир ёғмаяпти. Атрофда чиройли гуллар очилган, гулларни териш мумкин. Мен доирани чаламан. Сизлар сайр қилинглар, доира садосида сайр қилиш қизиқарли ва мароқли бўлади. Агар ёмғир ёға бошласа, мен доирани черта бошлайман, сизлар эса доира такиллашини эшитиб, уйларингизга югуришингиз керак. Диққат билан тингланг, мен қачон доирани чаламан, қачон такиллата бошлайман! Болалар доира такиллаши ёки чалинишини диққат билан тинглашлари лозим.

«Нимани эшнтяпсан?» ўйинн

Ўйиннинг мақсади: Болаларни турли овозларни эшитиб ажратишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга кўзларини юмишни тавсия этади ва диққат билан овоз ва товушларни эшитишни таклиф қилади (қушларнинг чуғурлашини, автомобилларнинг сигналини, баргларнинг шитирлашини ва ҳоказоларни). Болалар қандай овоз қайси томондан келганини аниқлашлари керак. Бунда боланинг фазовий ориентацияси ҳам ривожлантирилади. Ушбу ўйин сайр пайтида ўтказилса, айниқса мақсадга мувофиқдир.

«Меҳмонларни кутиб олинг» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Эшитув диққатини ривожлантириш.

Ўйиннинг жиҳози: Петрушка учун қўнғироқчали бош кийим, қуён учун қулоқлари узун бош кийим ва айиқча учун махсус кийим, турли товушлар чиқарадиган ўйинчоқлар (шиқилдоқ, най, сурнай).

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга:

– Ҳозир олдимизга қуёнча, айиқча ва петрушка меҳмонга келади! – деб эълон қилади. Учта бола парда орқасига ўтиб, меҳмонларнинг кийимини кияди. Логопед болаларни, айиқча шиқилдоқ билан, петрушка барабан билан, қуёнча эса сурнай билан келяпти, деб огоҳлантиради.

Қолган болалар товушга қараб қайси меҳмон келаётганини аниқлаши керак. Болалар олдига чиқишидан аввал, меҳмонлар парда ортида туриб, ўзи учун мўлжалланган мусиқа асбобини чалишади. Болалар ким келаётганини аниқлаши керак, аммо меҳмонлар келиб бўлгач қуёнча, петрушка ва айиқча рақсга тушади. Сўнг меҳмон ролига янги болалар танланади ва ўйин

давом эттирилади. Янги ўйин бошланганда меҳмонларга янги ўйинчоқлар бериш мумкин.

«Қаерда тақиллатишди?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Овозни қаердан келганини аниқлашга ўргатиш. Ҳаракат ориентациясини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Барча болалар доира шаклида стулларга ўтирадилар. Болалардан бири доиранинг ўртасига чиқади ва кўзини боғлайди. Логопед доира бўлиб ўтирган болалар орқасига ўтиб ёғоч чўпини болалардан биттасига беради. Чўпни олган бола чўпни тепага ёки пастга йўналтириб, уриб тақиллатади. Кўзи бойланган бола товуш қаердан келаётганини аниқлаши керак. Агар бола тўғри топса, болалар ўрин алмашадилар. Агар топа олмаса ўйин шу тариқа давом этаверади.

«Нима қилиш кераклигини ўйлаб топ?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Овозни диққат билан эшитган ҳолда ҳаракат қилиш ва ҳаракат координациясини ривожлантириш.

Ўйиннинг жиҳози: Ҳар бир болага 2 тадан доира, байроқча ёки шиқилдоқ берилади.

Ўйиннинг бориши: Болалар ярим доира шаклида турадилар ёки ўтирадилар. Ҳар бир боланинг қўлида 2 тадан байроқча бўлади. Логопед доирани баланд чалганда болалар қўлларини баланд кўтариб, байроқчаларни хилпиллатишади. Логопед доирани паст чалганда болалар байроқчани пастга туширишади. Болалар овоз қаердан келаётганини аниқлай олишлари керак. Логопед болалар ҳаракатларни тўғри бажараётганини кузатиб бориши керак.

4-§. Фонематик идрок ва нутқ эшитувини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар

Нутқнинг фонетик-фонематик томондан ривожланмаганлиги у товушларни талаффуз этиш ва идрок қилиш жараёнидаги камчиликлар натижасида болаларда товушларни талаффуз қилиш тизими шаклланишининг бузилишидир. Бундай нутқ камчилиги да нутқнинг идрок ва талаффуз қилиш нуқсонларига асосланган фонетик-фонематик томонининг бузилиши биринчи ўринда туради. Бу тоифадаги болаларга хос хусусият артикуляцион ёки акустик белгиларга кўра фарқ қиладиган товушларнинг шаклланиш жараёнининг тугалланмаган бўлишидир. Бу ҳолда бола нутқид

дифференциацияланмаган товушларни алмаштириш, нутқда уларни қўлламаслик, кўплаб товушларни бузиб талаффуз қилиш, шунингдек, товушларни эшитишга кўра етарли фарқламаслик кузатилади.

Фонематик идрокни ривожлантириш коррекцион логопедик ишнинг энг асосий йўналишидир. Бу ишлар товушлар таҳлили устидаги иш билан ўзаро боғлиқликда олиб борилади. Шу билан бирга товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этиш ишларини фонематик идрокни ривожлантиришга қаратилган ишлар билан биргаликда олиб борилгандагина яхши натижаларга эришилади. Қуйида биз, фонематик идрокни ривожлантиришга қаратилган ўйинлардан намуналар келтирамиз.

«Қизил-оқ» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Эшитув идрокини ривожлантириш, сўздаги товушни аниқлаш.

Ўйиннинг жиҳози: Ҳар бир болага 2 тадан доирачалар (қизил ва оқ) берилади.

Ўйиннинг бориши: Логопед болалардан диққат билан қулоқ солишни ва берилган товуш қайси сўзда иштирок этаётганини аниқлашни сўрайди. Агар сўзда товуш иштирок этса, болалар қизил доирачани, агар иштирок этмаса оқ доирачани кўтаришлари кераклиги болаларга тушунтирилади. Вазифа 1 ёки 2 марта қайтарилади.

«Товуш қаерда?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Сўзларда товушларнинг ўрнини аниқлаш.

Ўйиннинг жиҳози: Уч қатор чизиқча чизилган рангли картон қоғозчалар, фишкалар.

Ўйиннинг бориши: Логопед сўзни талаффуз қилади. Болалар берилган товушнинг сўздаги ўрнини аниқлайдилар. Товуш сўзнинг бошида, ўртасида ёки охирида келганлигига қараб фишка чизиқнинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмига қўйилади. Бундай ўйин, логопед столида катта формат қоғози билан ёки ҳар бир болага алоҳида картон қоғоз тарқатиб чиққан ҳолда ҳам олиб борилиши мумкин. Болалар аввал товуш сўзнинг бошида келган ҳолатини, кейин эса сўзнинг охирида келган ҳолатини аниқлайдилар. Буни яхши ўзлаштириб олганларидан кейингина сўзнинг ўртасида келган ҳолатлар кўриб чиқилади.

«Ким кўпроқ топади?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Расм асосида сўздаги берилган товушни аниқлаш.

Ўйиннинг жиҳози: Берилган товуш иштирок этган сўзлар расми тасвирланган сюжетли расм.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга сюжетли расм кўрсатади, масалан «полизда». Болалар расмни диққат билан кўриб чиқадилар. Логопед болаларга:

– Болалар полизда нима теришмоқда? – деган савол билан мурожаат қилади, болалар тарвуз, қовун деб жавоб берадилар. Кейин эса логопед болаларга қарата яна мурожаат қилади.

– Қайси предметлар номида «Р» товуши («С» товуши ва ҳоказо) бор?

Ҳар бир тўғри топилган сўзга доирача берилади. Ким кўпроқ доирача олса, ўша бола ғолиб ҳисобланади?

«Балиқ ови» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Луғат бойлигини ошириш, товушнинг сўздаги ўрнини аниқлаш.

Ўйиннинг жиҳози: Металл скрипкалар, предметли расмлар, қоғозли қути, магнитли қармоқ. Скрипкалар предметли расмларга ўрнатилади.

Ўйиннинг бориши: Болалар навбат билан қармоқ ёрдамида предметли расмларни тута бошлайди ва номлайдилар. Тегишли товушнинг (масалан «Р» товуши) сўзда бор ёки йўқлигини, сўздаги ўрнини (бошида, охирида, ўртасида) аниқлайдилар. Тўғри жавоб учун юлдузча билан тақдирланади. Юлдузчаси кўп бола ғолиб ҳисобланади.

«Ким диққатлироқ?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Товушларни эшитиб фарқлашга ўргатиш, фонематик идрокни ривожлантириш.

Ўйиннинг жиҳози: Тегишли товушга оид расмлар.

Ўйиннинг бориши: Болалар стол атрофида ўтиришади.

Логопед:

– Ҳозир сизларга расмлар кўрсатаман ва номини айтаман, сизлар эса диққат билан эшитиб, барча сўзлар учун умумий бўлган товушни топасизлар. Ким топса қўлини кутариб жавоб беради, – деб болаларга ўйиннинг шартини тушунтиради. Кейин логопед расмларни кўрсатиб номлайди (масалан, «С»

товушидан бошланган сўзларни: стакан, сомса, сумка, супурги, совун). Болалар эса: «С» товуши, деб жавоб беришади.

Логопед:

– Тўғри бу сўзларнинг барчаси «С» товушидан бошланади. Сўзларни қайта номлаб беринг, – дейди. Болалар сўзларни эслаб, уларни номлашади. Кейин, ўзлари «С» товушидан бошланадиган бошқа сўзларни топишлари керак. Болаларнинг тушунишига қараб ўйинни мураккаблаштириш мумкин.

«Ким кўпроқ сўз топади?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Товушларни фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг жиҳози: Коптоқ, фишкалар.

Ўйиннинг бориши: Логопед бирор товушни айтади ва болалардан ушбу товушга оид сўз топиш кераклигини сўрайди. Кейин болалар доира шаклида турадилар. Иштирокчилардан биттаси коптокни бирорта болага қарата улоқтиради. Коптокни илиб олган бола шу товуш иштирокидаги бирорта сўзни айтиши керак. Жавоб берган болага фишка берилади. Жавоб бера олмаган ёки айтилган сўзни қайтарган болага фишка берилмайди. Ғолиб фишкалар сонига қараб аниқланади.

«Телеграф» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Сўзларни бўғинларга ажратишни ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга мурожаат қилади:

– Болалар! Ҳозир биз сизлар билан «Телеграф» ўйинини ўйнаймиз. Мен сизларга сўзларни айтаман, сизлар эса телеграф ёрдамида бу сўзларни бошқа шаҳарларга узатасизлар.

Биринчи сўзларни логопед ўзи бўғинларга ажратиб намуна сифатида айтиб беради. Аввал болаларга «дада», «она», «ошиқ» каби содда сўзлар, кейин эса «дераза», «машина», «ғилдирак» каби 2–3 бўғиндан иборат сўзлар берилади. Болалар сўзларни тўғри ва аниқ талаффуз қилишлари, ҳамда бўғинларга тўғри ажрата олишларини логопед кузатиб бориши лозим. Болалар ўзлари ўйлаб топган сўзларни телеграф орқали юборишлари мумкин.

«Зийрак бўл» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Сўз бойлигини ошириш, турли товушларни тез талаффуз қилиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга мурожаат қилади:

– Мен сизларга расмлар кўрсатаман. Сизлар эса таркибида «Ш» товуши бор сўзларни эшитганингизда қўлингизни кўтаринг – деб айтади.

Кейин логопед болаларга бирон-бир предметнинг номини айтади ва у керакли товуши бор сўзларни ажратади. Қолган болалар топшириқ қандай бажарилаётганини кузатишади. Бу ўйиндаги сўзларда «Ш» товушини сўзнинг бошида, охирида ёки ўртасида учратиш мумкин. Ўйин давомида логопед сўзларнинг ўрнини алмаштириб туради.

Ушбу ўйинни бошқа товушларни машқ қилиш учун ҳам қўллаш мумкин.

5-§. Нутқ эшитишни ривожлантиришга қаратилган ўйинлар

Эшитиш ўткирлигини ривожлантириш, болаларнинг овоз кучидан қатъи назар сўзли кўрсатмани тўғри идрок этишга ўргатади.

«Ким диққатли?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларга нутқни тушуниб, вазифани тўғри бажаришга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар логопед столи қаршисида 3 қатор бўлиб ўтиришади. Стол устига турли ўйинчоқлар қўйиб қўйилади. Логопед болаларга шундай дейди:

– Болалар, ҳозир мен биринчи қаторда ўтирган болаларга топшириқ бераман. Мен қандай топшириқ беришимни жуда паст овозда (пичирлаб) айтаман, шунинг учун ҳаммангиз жуда диққат билан қулоқ солиб ўтиришингиз керак. Мен ҳар бирингизни исмингиз билан чақириб топшириқ бераман, сизлар эса у топшириқни тўғри бажаряптими ёки йўқми кузатиб боринглар.

– Диққат қилинглар, ўйинимизни бошлаймиз!

Вазифа: «Қўғирчоқни ол ва уни каравотга ётқиз». Логопед ушбу гапни жуда паст овозда айтади. Болалар эса ҳаракатни бажаради. Биринчи қатордаги болалар топшириқни бажарадилар, сўнгра улар 3-қаторда ўтирган болалар ўрнига, 3-қатордагилар 2-қаторга, 2-қатордагилар 1-қаторга ўтирадилар.

Логопед болаларнинг тинч ўтиришини кузатиб бориши керак. Болалар эшитган топшириқларни бир-бирларига айтишмасин. Сўзли топшириқ қисқа ва оддий бўлиши керак.

«Лолахонни уйғотма» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларга нутқни тушуниб, вазифани тўғри бажаришга ўргатиш.

Ўйинни бориши: Логопед олдига каравотда ухлаб ётган қўғирчоқни қўяди ва шундай дейди:

– Лолахон жуда кўп сайр қилди, чарчади. Овқатланиб карават олдида ухлаб қолди. Биз эса у ўйнаган ўйинчоқларни йиғиштириб қўйишимиз керак, аммо қўғирчоқни уйғотиб юбормаслик учун ўйинчоқларни секин йиғиштириб олишимиз керак. Қани Олима ва Салима мени олдимга келинглар-чи. Олима сен Салимага қайси ўйинчоқларни йиғиштириб кутига солиш кераклигини жуда паст овозда айтгин.

Шу тариқа логопед ҳамма болаларни 2 тадан чақириб, стол устига териб қўйилган ўйинчоқларни йиғиштириб олишни таклиф этади.

6-§. Нутқ аппаратининг ҳаракатчанлигини ривожлантиришга оид ўйинлар

Нутқнинг тўғри, равон ва мукаммал ривожланишида нутқ аппарати (тил, лаб, пастки жағлар)нинг анатомик тузилиши ва ҳаракатчанлигининг меъёрда ривожланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Ушбу органлардаги маълум бузилишлар нутқнинг тўлиқ ривожланмаслигига салбий таъсир қилади.

Шунинг учун ҳам логопедик машғулотларда болаларда нутқ аппаратининг ҳаракатчанлигини ривожлантирувчи ўйинлар олиб борилади.

Бу машғулотларнинг асосий вазифаси болаларда нутқ аппарати, яъни тил, лаб ва пастки жағнинг ҳаракатланишини ривожлантиришга қаратилган. Қуйида нутқ аппарати ҳаракатчанлигини ривожлантирувчи ўйинларни келтирамиз.

«Ширин мураббо» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тил ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болаларга мураббони ялаётган қизнинг расми кўрсатилади. Логопед болаларга қарата шундай дейди: қаранглар болалар Лолахон мураббони яхши кўрар экан. У мураббо еганда унинг юқориги ва пастки лабига мураббо ёпишиб қолибди. Қиз мураббони тили билан ялаб тозаламоқчи. (Тил ҳаракати билан мураббони ялаш кўрсатилади). Сўнгра болалар ҳам ушбу машқни

қайтарадилар. Логопед ҳар бир бола машқни қандай бажараётганини кузатиб боради.

«Тишларимизни тозалаймиз» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тил ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар логопедга қараган ҳолда бир қатор бўлиб ўтирадилар. Болаларга расм кўрсатилади. Қаранглар болалар, бола қандай қилиб тишларини тозалаяпти. Биз ҳам ҳозир сизлар билан тишларимизни тозалаймиз. Фақат шётка билан эмас, балки тилимиз билан. Аввал логопед тил билан тишларини тозалашни болаларга ўзи кўрсатиб беради. Сўнгра ҳар бир болани олдига чақириб машқни бажаришини кузатиб боради. Машқ бир неча марта бажартирилади.

«От» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тил учи ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар қатор бўлиб турадилар, яъни улар отчалардир. Логопеднинг «Кетдик» деган сўзидан сўнг болалар юрадилар ва шу билан бирга от юришига тақлид қиладилар (тра-тру,тра-тру). «Тўхтанг» дейилгандан сўнг эса тўхтаб, отни тўхтатиш овозига тақлид қиладилар (дрр-дрр...). Сўнгра логопед ҳар бир болага алоҳида талаффуз эттиради. Логопед боланинг тили юқорида, тишлар орасида бўлишини ва тил учи ҳаракатланишини кузатиб бориши керак. Тил учини тўғри кўтаришга эътибор бериш керак. Агар бола ушбу машқни бажара олмаса, конфет сўришга тақлид этишини ўргатиш орқали ушбу машқ ўргатилади.

«Маятник» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тил мушакларини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларда ўтиришади. Логопед болаларга соатни кўрсатиб уларга мурожаат қилади. Болалар соатнинг маятнигини кўраяпсизларми, унинг қандай ҳаракатланаётганига эътибор беринг. Биз ҳам сизлар билан соат ўйинини ўйнаймиз. Ҳаммамиз соат бўламиз. Маятник ролини эса тилимиз бажаради. Энди маятник соат бўйлаб юра бошлайди (тилни чапдан ўнгга соат маятнигига ўхшатиб юргиза бошлайди). Энди ҳаммангиз тилингизни чиқариб соат қандай юришини кўрсатиб беринг. Машқнинг тўғри бажарилиши назорат қилиб борилади.

«Лабларимиз булочкадай думалоқ» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Лаб ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга думалоқ булочка чизилган расмни кўрсатади ва болалардан «Ким лабларини шундай думалоқ қила олади?» деб сўрайди. Аввал логопед болаларга ўзи кўрсатиб беради (о-о-о-о). Сўнгра болаларни кетма-кет чақириб, машқни эркин бажариш тавсия этилади. Болалар машқни эркин бажаришини кузатиб борилади. Машқни бажаришда фақат лабларнинг иштирок этиши кузатиб борилади, оғиз очилган ҳолда бўлади, лекин пастки жағ олдинга чиқиб кетмаслиги керак.

«Ким яхши кулади?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Лаб ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг жиҳози: Бўғирсоқ, қўғирчоқ.

Ўйиннинг бориши: Болалар ярим доира ҳолда ўтирадилар. Логопед болаларга шундай дейди. Болалар ҳаммамиз меҳмонга боришни ва меҳмон келганини яхши кўрамиз-а. Бугун бизнинг боғчамизга ҳам меҳмонлар келишмоқчи. Биз жуда хурсанд бўлдик. «Биз хурсанд бўлганимизда куламиз», мана бундай (ўзи кулиб кўрсатади). Биз жуда хурсанд бўлиб кулганимизда тишларимиз кўринади. Қани, болалар топингларчи, боғчага ким меҳмонга келяпти? Тўғри, бўғирсоқ билан қўғирчоқ. Хаммамиз хурсанд ва кулиб уларни кутиб оламиз. Болалар тишларини кўрсатиб кулади лар. Меҳмонлар билан ўйнаб жуда хурсанд бўлдик. Энди меҳмонларимиз кетмоқчи. Биз ҳафа бўлдик. Тишларимизни бекитамиз. Меҳмонларимиз яна келамиз дейишди. Биз хурсанд бўлдик. Куламиз. Шу тариқа машқлар бир неча марта такрорланади. Лаб ҳаракатларининг аниқ бажарилиши кузатиб борилади.

«Ким най чала олади?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Лаб ҳаракатларини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар ярим доира ҳолда логопедга қараб ўтирадилар. Логопед болаларга найнинг расмини кўрсатади ва болалардан лаблари билан най ҳосил қилиш сўралади. Аввал логопед най чалишни тақлид қилишни болаларга ўзи кўрсатиб беради. Сўнгра болалардан талаффуз этиши сўралади. Най чалиняпти, деганда болалар лаблари билан най чалиш ҳаракатини бажарадилар. Куй тугади, дейилганда болалар лабларини оддий ҳолга келтирадилар. Машқ бир неча марта такрорланади ва аниқ бажарилиши логопед томонидан кузатиб борилади.

«Ўрмонда» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Лаб ва пастки жағ ҳаракатларини фаоллаштириш.

Ўйиннинг жиҳози: Саватлар.

Ўйиннинг бориши: Қизлар ва болалар доира бўлиб турадилар. Уларнинг қўлларида саватчалар бор. Болалар ўрмонга қўзиқорин тергани кетишяпти. Логопед болаларга шундай дейди: ҳаммамиз қўзиқоринни яхши кўрамиз, кўпгина қўзиқорин теришимиз керак. Лекин узоққа кетиб, адашиб қолманглар. Агар адашиб қолсанглар бир-биримизни «ау-ау-ау» деб чақирамиз. Лекин битта бола ўрмонда адашиб қолди. Болалар ўртоқларини қидиришяпти. «Ау-ау, Наргиза қаердасан?» Логопед ҳар бир бола «ау-ау» товушларини қандай талаффуз этаётганини кузатиб бориши керак. «Ау-ау» товушлари талаффуз этилаётганида пастки жағимиз бир оз пастга тушади, лаблар думалоқ ҳолатда бўлади. Ушбу машқ болалар томонидан тўғри бажарилиши кузатиб борилади.

«Қувноқ тилча» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Нутқ аппарати ҳаракатчанлигини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Бу ўйинни болаларни қизиқтирган ҳолда олиб бориш керак. Логопед болаларга унинг оғиз бўшлиғи уй деб тасаввур этишни тушунтиради. Бу уйчада кичкинагина, қувноққина тилча яшайди. Тилча эрта туриб ойналарни очиб хонага тоза ҳаво киритади. Бунда болалар оғзини очади. Тилча юзини ювади, бунда тили билан лабларини ялайдилар. Чой ичсин, деганда бола тилини учини икки четини буклаган ҳолда ҳавони ичига тортади. Логопед ўйинни давом эттиради. Тилчамиз нонушта қилгандан сўнг ўйнагани ташқарига чиқади, деганда бола икки лунжини шиширади. Сўнг тилча тошдан тошга сакрасин, деганда бола тил учи билан бирма-бир тишларига теккизиб чиқади. Логопед энди тилча отда сайрга чиқди, деганида бола тилини учини танглайга ботириб от туёқларининг овозига ўхшаб овоз чиқаради. Бу жараён давомида боланинг лаблари гоҳ кулгу, гоҳ чўччайган ҳолатида бўлади. Албатта, бола бу машқларни логопед билан биргаликда тақлид асосида бажаради. Кейинроқ эса мустақил тарзда бажаришни бошлайди.

«Қўғирчоқ ухламоқчи» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Пастки жағ ҳаракатини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга мурожаат қилиб шундай дейди: қаранглар сизлар билан ўйнаб қўғирчоғимиз чарчаб қолибди. Унинг ухлагиси келди. У чуқур нафас олиб эснаяпти. Логопед болаларга бир неча марта эснашни кўрсатиб беради. Эснаганимизда оғзимиз очиқ ҳолда, чуқур нафас оламиз, пастки жағимиз эса пастга тушган ҳолда бўлади. Вазифани кўрсатиб бергандан сўнг логопед болаларнинг вазифани тўғри бажариб боришини кузатади.

«Қушларни боқиш» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Пастки жағ ҳаракатини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар логопедга қарама-қарши стулчаларда ўтиришади. Логопед болаларга полопонларга дон бераётган қушчанинг расмини кўрсатади. Сўнгра логопед: ҳозир биз ўйин ўйнаймиз. Сизлар қушчалар бўласизлар. Мен эса она қуш бўламан. Она қуш дон олиб келади, ҳамма қушчалар тумшуқларини очишади. Донни еб бўлишгач тумшуқларини ёпишади, деб айтади. Болалар ушбу ҳаракатларни бажаришади. Ўйинни бир неча марта қайтариш мумкин. Ўйин давомида болалар тўғри ва тинч ўтиришлари, бошларини тўғри тутишлари керак. Айниқса, оғизни очганда ва ёпганда бошни орқага ташламаслик керак, ҳаракатларни аниқ бажариш лозим.

Ҳаракатлар пастки жағ, тил ва лаб тинч турган ҳолда бажарилади.

III БОБ. ТОВУШЛАРНИ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЙИНЛАР

Маълумки, товушлар талаффузидаги камчиликларни барт раф этишда унинг сабабларига алоҳида эътибор берилади. Чунк артикуляцион моторика ҳаракатчанлигининг етишмаслиги фонематик идрокнинг ривожланмаганлиги товушлар талафф зидаги камчиликларни келтириб чиқаришга сабаб бўлади.

Даставвал, артикуляцион мотористанинг ҳаракатчанлигин ошириш ишларидан бошлаш лозим. Фонематик идрокни шак лантириш ва ривожлантириш ишлари эса товушни нутқ қўйиш ва мустаҳкамлаш ишлари билан параллел равишда оли борилади.

Боланинг мактабда саводхон бўлиб ўқиши, мактаб дастури ни тўлиқ ўзлаштиришида нутқнинг тўлиқ шаклланганлиги, т вушларни тўғри талаффуз этишнинг ўрни беқиёсдир.

Қуйида биз, товушлар талаффузидаги камчиликларни барт раф этишда фойдаланиш мумкин бўлган ўйинлардан намунала келтириб ўтамиз.

Ўзбек тилининг хусусиятларидан келиб чиқиб, болалар тўғри талаффузга ўргатишда логопедик ўйинлардан фойдал ниш йўлларини такомиллаштириш мақсадида бой адабий мер симиздан намуналар келтирамиз.

1-§. Сирғалувчи товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлашга оид ўйинлар

Товушлар талаффузининг бузилиши асосан артикуляцио жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган товушларда кузатил ди. Шундай товушлар қаторига сирғалувчи ва шовқинли товуш лар киради.

Бу товушлардаги камчиликларни бартараф этиш ишлари болалар учун қизиқарли бўлган ўйин фаолияти билан боғла ўтиш орқали коррекциялаш ишнинг самарадорлигини ош ради.

Қуйида келтирилган ўйинлар сирғалувчи товушларни шак лантиришга қаратилган.

«Насос» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларга «С» товушини тўғри талафф этишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларда ўтиришади. Логопед болаларга шундай дейди: ҳозир биз велосипедда сайр қилишга чиқамиз. Велосипедда сайр қилишдан аввал унинг камерасида ҳаво дамланганми ёки йўқми шуни текширишимиз лозим. Велосипед узоқ вақтгача минилмаганлиги сабабли камераси бироз бўшаб қолибди. Унга ҳаво юбориш керак. Насос билан камерага ҳаво юборамиз. Насосдан чиқаётган ҳаво «С-С-С», деб овоз чиқаради. Болалар аввал бирма-бир, сўнгра биргаликда насос ҳаракатига тақлид қилиб, камерага дам урадилар. Камерага дам бериш вақтида «С-С-С» товушини чўзиброқ талаффуз этадилар.

Болалар «С» товушини тўғри талаффуз этишлари учун лаб ва тилнинг тўғри ҳолатда бўлиши ва ҳаво оқимининг тил ўртасидан чиқишига эътибор бериб бориш зарур.

«Шарча тешилди» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «С» товушини нутққа қўйиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга шарчалар тарқатиб чиқади ва шундай дейди: «Болалар, яқинда биз янги йил байрамини нишонлаймиз. Шунинг учун хонамизни чиройли қилиб безатишимиз керак. Келинглар, ҳозир сизлар билан биргаликда шарларимизни шиширамиз». Логопед атайлаб 3—4 нафар болага тешик шарчаларни бериб қўяди. Сўнгра логопед болалар диққатини тешилган шарчадан чиқаётган овозга қаратади ва болалардан сўрайди: «Болалар қандай овоз эшитаяпсизлар?» Болалар «пс-сс-с-с» деб талаффуз қиладилар. Логопед болаларнинг «С» товушини аниқ ва чўзиброқ талаффуз этишини назорат қилиб боради. Болалар «С» товушини талаффуз этганларида артикуляцион аппарат ҳолати ва ҳаво оқимининг тишлар ўртасидан чиқиши кузатиб борилади.

«Дўкон» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «С» товушини сўзларда тўғри талаффуз қилиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед томонидан болаларга ўйин шароитлари тушунтирилади. «Болалар тасаввур қилинглар, мана бу стол дўкон, стол устидаги расмлар ўйинчоқлар ва дўконда сотиладиган нарсалар. Ҳозир сизлар билан шу ўйинни биргаликда ўйнаймиз. Ҳозир ҳар биринингизни дўконга, яъни олдимга бирма-бир чақираман ва келган бола дўкондан ўзига ёққан нарсани харид қилиб олиши керак».

Болалар дўкондан харид қилган ўйинчоқ ва нарсаларни номини чиройли, баланд овоз билан номлаб беради.

– Соат, совун, сандиқ;
– Асал, арслон;
– Гилос, автобус.

Ўйин давомида асосан «С» товуши қатнашган сўзларни ур бериб, жарангдор овоз билан талаффуз қилинишига эътиб берилади.

«Сабзилар ва гилослар» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «С» товушини бўғинларда, сўзларда тўғ ва аниқ талаффуз этишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларни 2 гуруҳга ажратади гуруҳлар «Сабзилар» ва «Гилослар» номлари билан номланад Бунда «Сабзилар» гуруҳи очиқ бўғинда, яъни «са-со-си-су-с бўғинларини, «Гилослар» гуруҳи ёпиқ бўғинда, яъни «ас-о ис-ус-ўс» бўғинларини талаффуз қилишлари тушунтирилад Гуруҳлардан болалар навбатма-навбат чиқиб, бўғинларни т лаффуз қиладилар. Ўйин бир неча марта такрорланади ва ўйи да болалар ролларни алмашадилар. Бунда логопед болаларни «С товушини бўғинларда тўғри ва аниқ талаффуз қилишлари кузатади.

2-§. «З» товушини тўғри талаффуз этишга қаратилган ўйинлар

«Гуллар ва асаларилар» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «З» товушини нутққа киритиш.

Ўйиннинг бориши: Ўйин бошланишидан олдин ким асалар лар бўлиши, ким эса гуллар бўлиши аниқланиб олинади (м салан ўғил болалар асаларилар, қиз болалар эса гуллар). Кейи ҳаммалари хона бўйлаб ёки майдончада югурадилар. Логоп ишорасидан сўнг (чапак чалиш ёки бирор бир предметга ур ши) қиз болалар яъни гуллар тиззалари билан ўтирадила Асаларилар қанотларини қоқиб гулдан гулга қўниб юрадила

Буни улар асаларилларга тақлид қилган ҳолда бажарадила «В-зз-з-з» Логопед яна чапак чалиши билан болалар роллар ни алмаштирадилар. Болалар асалари бўлиб учганларида ула нинг ҳаракати ва «зз-зз-зз» деб тўғри талаффуз этишлари тал этилади.

«Чивинлар» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «З» товушини нутққа киритиш.

Ўйиниинг бориши: Логопед болаларга: «Хаммангиз мени диққат билан эшитинглар. Бугун сизлар билан яна бир янги ўйин ўйнаймиз. Ўйиннинг номи «Чивинлар». Болалар билан қандай қилиб боққа сайрга борганликлари ҳақида суҳбат ўтказилади. «Болалар, эсингиздами, биз сизлар билан боққа сайрга борган эдик? Кечки пайт чивинлар визиллаб келиб, бизни хўп чаққан эди. Ҳозир сизлар билан «Чивинлар» ўйинини ўйнаймиз», дейилади. Болалар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ болалари чивинлар, иккинчи гуруҳ болалари эса сайр қилиб юрувчилар бўлишади. Чивин бўлган болалар «з-з-з» деб сайр қилиб юрган болалар кетидан югуришади. Сайр қилиб юрган болалар эса чивинлардан қочишга, яширинишга ҳаракат қилиб, уйларига югуришади. Хона бурчагидаги стулчалар уйча ҳисобланади. Сўнгра роллар алмашинади. Болаларнинг умумий ҳолати ва товушни тўғри талаффуз этишига эътибор бериб борилади.

«Расмнинг жуфтини топ» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «З» товушини сўзларда тўғри талаффуз қилишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулларда ўтиришади. Логопеднинг столи устида тескари қилиб қўйилган расмлар туради. Ҳар бир болага худди шу расмдан яна бири бериб чиқилади. Логопед болалардан бирини чақиради ва чақирилган бола столдаги расмлардан бирини олади ва уни кўрсатиб баланд овоз билан «Мен занжирнинг расмини олдим, кимда худди шу расмнинг жуфти бор», дейди. Шу расмнинг жуфти бўлган бола ўрнидан туради. Ўрнидан турган бола ҳам ўртоқларига расмни кўрсатиб, «Мендаги расмда ҳам занжир тасвирланган», дейди. Болалар ҳар жуфт расмни устига қўядилар. Ўйин шу тариқа то стол устидаги расм тамом бўлгунча давом этади. Бунинг учун «З» товуши сўзнинг бошида, ўртасида, охирида келган расмлардан фойдаланилади. Буларга: зина, узум, пиёз, дазмол, музқаймоқ, узук, ошпаз, сабзи, тарвуз расмлари киради.

«Зебо ва майиз» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «З» товушини сўзларда ва гапларда мустаҳкамлаш.

Ўйиннинг жиҳози: Резинали қўғирчоқ.

Ўйиннинг бориши: Логопед чиройли кийинтирилган резинали қўғирчоқни олиб киради ва болаларга: «Болалар бу қўғирчоқнинг исми Зебо», дейди. Уни дўкондан сотиб олдик. У резинали. Зебонинг оёқлари резинали, қўллари, юзлари ва бурни ҳам резинали. Кейин эса логопед болалардан сўрайди: «Қўғирчоқнинг исми нима экан? Уни қаердан сотиб олишибди? Унинг оёқлари, қўллари, юзлари, бурни нимадан қилинган экан?» Болалар жавоб берадилар. Логопед давом этади: «Зебо майизни яхши кўради. Лола, кел Зебони майиз билан меҳмон қил». Лола чиқиб, айтади: «Зебо, майиздан ол». Болалар навбатма-навбат Зебони майиз билан меҳмон қилган ҳолда юқоридаги жумлаларни айтадилар.

«Ким чаққон?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «З» товушини сўзларда тўғри талаффуз қилишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга бир қанча саволлар беради. Аввал болаларга логопед шундай дейди: Мен сизларга саволлар бераман, ким биринчи топса, шу болага қизил юлдузча бераман. Ким кўп қизил юлдузча йиғса, шу бола ғолиб бўлади.

Қайси транспортнинг номида «З» товуши бор?

Қайси дарахтнинг номида «З» товуши бор?

Қайси ҳайвонларнинг номида «З» товуши бор?

Қайси уй жиҳозларининг номида «З» товуши бор?

Қайси сабзавотларнинг номида «З» товуши бор?

Қайси меваларнинг номида «З» товуши бор?

Қайси гулларнинг номида «З» товуши бор?

Қайси паррандаларнинг номида «З» товуши бор?

Қайси қизларнинг ва болаларнинг номида «З» товуши бор?

Болалар саволларга тўғри жавоб беришлари ва «З» товушини сўзларда аниқ ва тўғри талаффуз этишлари лозим.

«Адашма» ўйини.

Ўйиннинг мақсади: «С» ва «З» товушларини бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болаларга иккитадан расм берилади. Биттасида насос тасвирланган, иккинчисида чивин расмлари. Насос тасвирланган расмни болалар чап қўлларига оладилар. Чивин тасвирланган расмни эса ўнг қўлларига оладилар. Тарбиячи номида «С» ёки «З» товуши ҳамда бир сўзда «С» ва «З» товуши бор бўлган расмларни болаларга кўрсатади ва

номини айтади. Масалан: сабзи, сумка, юлдуз, газета, сомса ва ҳоказолар.

Болалар сўзда ҳар икки товуш бор бўлган расмларни кўрсатади ва «С ва З» товушларида қайси бири сўзнинг бошида келаётганлигини айтишади.

«С» ва «З» товушини расмлар орқали таққослаш керак. Машғулот пайтида сўзда «С» ва «З» товуши бўлган расмлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Агар логопед болаларга бундай расмларни кўрсатса, болалар қўлларидаги расмларни кўрсатмасликлари керак.

3-§. Шовқинли товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга оид ўйинлар

«Ўрмон шовуллайди» ўйини.

Ўйиннинг мақсади: «Ш» товушини нутқда ҳосил қилиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга ёзда боғ ёки ўрмонда сайр қилганликларини эшитишни таклиф этади. У ерда баланд дарахтларни кўрганликларини, узун-узун шохларида барглар кўп эканлигини эслашади. Шамол эсганда дарахтнинг шохлари тебраниб «ш-ш-ш» деган овоз чиқаради. Аввал шамол секин эсади, бунда болалар секин овозда «ш-ш-ш» деб талаффуз этадилар ва қўлларини ҳаракатга келтирадилар. Аста-секин шамол кучайиб боради. Дарахтларнинг барглари кучли тебранади. Бунда болалар кучли овоз билан «ш-ш-ш» деб талаффуз этадилар. Сўнгра логопед болаларга қўлларини дарахтнинг шохчаларига ўхшаб оқорига кўтаришларини ва шамол эсганда дарахтларнинг шовуллашга ўхшаш «ш-ш-ш» деб овоз чиқаришларини таклиф этади. Логопед товушни биргаликда, сўнгра эса алоҳида-алоҳида талаффуз этишни тавсия этади.

Болалар «Ш» товушини талаффуз этаётганларида нутқ аппарати яъни лаб, тил ҳаракатлари, ҳаво оқимининг тўғри йўналтирилганлигини кузатиб борилади.

«Шар ёрилди» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларга «Ш» товушини нутқда тўғри талаффуз эттиришни машқ қилдириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар қўл ушлашиб зич доира ҳосил қилиб турадилар. Логопед «шаримизни шиширамиз» дейиши билан худди шарни шишираётгандай болалар доираси

кенгаяди. Логопед «шар ёриляпти» деб чапак чалиши билан б
лалар қўлларини ёндан пастга туширадилар ва «Ш» товуши
талаффуз этадилар.

«Жимжитлик» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «Ш» товушини мустаҳкамлаш.

Ўйиннинг бориши: Бошловчи девор олдида туради. Болалар э
рўпарадаги девор олдида турадилар. Болалар жуда эҳтиёткорли
билан бошловчининг олдига етиб келишлари керак. Болал
эҳтиётсизлик билан ҳаракат қилганларида бошловчи «тиш-ти
тиш» деб огоҳлантиради ва болалар тўхтайди. Бошловчини
олдига қайси бола биринчи келса шу болалар ғолиб деб топ
лади ва шу бола бошловчи бўлади. Логопед болаларнинг «Ш
товушини тўғри ва аниқ талаффуз этишини кузатиб боради.

«Мушук ва сичқон» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Боғланган нутқда «Ш» товушини муста
камлаш.

Ўйиннинг бориши: Стулчада бир бола кўзини юмиб ўтирад
У мушук ролини бажаради. Қолган болалар сичқонлар ролин
бажарадилар. Сичқонлар секин юриб мушукни олдига келад
лар ва бармоқлари ёрдамида «сенимн, шошмай тур!» ифодасин
қўллаб қуйидаги шеърни айтишади:

Сичқонбойлар жим бўлинг,
Жим бўлинг.
Бароқвой қилиғидан
Огоҳ бўлинг, огоҳ бўлинг!

Шу сўзлар айтилгандан сўнг мушук уйғониб кетади ва «миё
деб сичқонни қувлайди. Сичқонларнинг уйи чизиқча торти
белгилаб қўйилади ва у ерга мушук кира олмайди. Ўйин ҳамм
сичқонлар ушланмагунча давом этиши мумкин. Охирида қолга
бола янги ўйинда бошловчи бўлади. Ҳамма ушланган сичқонла
«Ш» товуши иштирокида 2—3 та сўз айтишлари керак.

«Ўргимчак тўридаги пашшалар» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «Ж» товушини тўғри талаффуз эттириш
эришиш.

Ўйиннинг бориши: Болаларнинг бир қисми ўргимчак тўрин
тасвирлаб, қўлларини туширган ҳолда доира бўлиб туриб ол
ди. Болаларнинг қолган қисми пашшалар бўлиб, «ж-ж-ж», доир

ичида ва атрофида учиб юрадилар. Ўргимчак тўрига илинган бола кучлироқ оҳангда «Ж» товушини талаффуз этади. Тўрга тушмаган бола ғолиб бўлади.

«Сеҳрли копча» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «С» товушини «Ш» товушидан фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Қопчага сабзи, мушук, шар, соат, соябон, эшик, насос, идиш расмлари солинади.

Болалар 2 гуруҳга бўлинади. Логопед бир томонга сичқон расмини, иккинчи томонга мушук расмини илиб қўяди. Гуруҳлардаги болалар навбатма-навбат чиқиб, қолган расмни олиб, унда қайси товуш иштирок этганига қараб ўз жойларига турадилар, яъни «С» товуши иштирок этган расмни олса, сичқон томонга «Ш» товуши иштирок этган расмни олса, мушук томонга ўтадилар. Ҳамма олиб бўлгач, ҳар бир бола ўз расмини кўрсатиб номини айтади. Қолган болалар эса ўртоғи жойини тўғри танлай олганлиги ёки йўқлигини текшириб борадилар. Логопед эса болалар «С» ва «Ш» товушларини талаффуз этганларида артикуляцион аппарат ҳолати қандай бўлишини болаларга тушунтиради.

«Асаларилар ва чивинлар» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «З» ва «Ж» товушларини фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга қуйидаги ўйинни таклиф қилади: ҳозир биз ўрмонга сайр қилгани борамиз. У ерда яхши, фақат чивинлар халақит беради. Атрофда учиб, визиллашади: «з-з-з».... Чивинларни ҳайдаймиз ва далага борамиз. У ерда жуда кўп чиройли гуллар бор. Асаларилар учиб, асал йиғишади ва «ж-ж-ж» деб ғинғиллашади? Болалар «ж-ж-ж» деб талаффуз этишлари тушунтирилади. Энди эса 2 гуруҳга бўлинамиз: биринчи гуруҳ чивинлар бўлишади ва бу ерда яшашади (логопед хонанинг бир бурчагида турган стулларни кўрсатади), 2-гуруҳ болалари асалари бўлишади ва бу ерда яшашади (хонанинг бошқа бўрчагини кўрсатади). Диққат билан эшитинг. Қачон мен «чивинлар учишди» десам, чивинлар хона бўйлаб учиб визиллашади: «з-з-з». Қачон мен «асаларилар учишди» десам, чивинлар ўз жойларига югуришади, асаларилар эса учишади ва «ж-ж-ж» деб талаффуз этишади.

«Расмларни танла» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «С» ва «Ш» товушларини бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Номида «С» ва «Ш» товуши бор бўлан расмлар, сўзлар танланади. Логопед болаларни икки гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳ болалари «С» товуши бор бўлган расмларни танлаб олади. Иккинчи гуруҳ болалари эса «Ш» товуши бор бўлган расмларни танлайди. Логопеднинг столи устига расмлар ўнг томони билан тартибли қилиб қўйилган бўлади. Ҳар бир гуруҳдан биттадан бола чиқиб ўзларига тааллуқли бўлган товуш учун расм олиб, жойларига ўтирадилар. Болалар расм ва предметларни танлаб олиб бўлгандан сўнг, ҳар бир бола ўрнидан туриб, расмларнинг номини айтади. Расмларнинг номини айтганда «С» ёки «Ш» товушини бошқа товушлардан ажратиб айтишлари керак. Қолган болалар расмни номини айтган бола уни тўғри танлаганми ёки йўқми кузатиб боради. Сўнгра болаларнинг ўзлари шу товушлар учун сўз ўйлайдилар ва айтадилар.

Логопед «С» ва «Ш» товушлари бор бўлган сўзларни айтади, болалар эса бу сўзларни такрорлаганларида «С» ва «Ш» товушини тўғри талаффуз этишлари керак. Масалан: сочиқ, шафтоли, машина, гилос, шам, шолғом ва бошқалар.

Болалар сўзларда «С» ва «Ш» товушини бошқа товушларга нисбатан чўзиброқ талаффуз этишлари «С» ва «Ш» товуши қаерда келишини аниқлашлари лозим.

«Топ-чи, менда қайси товуш?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «З» ва «Ж» товушларини бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Ўйин бошловчиси тайинланади. Бошловчи эшикдан ташқарига чиқиб туради, қолган болалар эса номида «Ж» товуши бор бўлган сўз ўйлаб топадилар. Ўйин бошловчиси қайтиб келиб, ҳар қайси боланинг ёнига боради, у кимнинг ёнига борса, шу бола ўйлаган сўзни айтади. Агарда бошловчи айтилган сўзларда «Ж» товушини эшитса, «ж-ж-ж» деб, агар «З» товушини эшитса, «з-з-з», деб талаффуз этади. Логопед ва болалар бошловчи товушларни тўғри талаффуз этишини кузатиб борадилар.

Сўнгра логопед болаларга расмлар тарқатиб чиқади. Ҳар бир бола навбатма-навбат чиқиб, расмни болаларга кўрсатади

ва унинг номини билдирувчи сўзда «З» товуши бўлса, уни чивин расми тасвирланган расм полотноси чўнтагига солиб қўяди, агарда «Ж» товуши бўлса қўнғиз расми тасвирланган расм полотноси чўнтагига солиб қўяди.

Машғулотнинг охирида логопед болаларга бир неча сўзларни айтади ва уни такрорлашларини таклиф қилади: жигар, занжир, зебра, жазо, қўнғиз, ғижжак. Ҳар бир сўз аниқ ва бўғинларга бўлиб талаффуз этилиши мақсадга мувофиқ.

«Кинода» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Сирғалувчи ва шовқинли товушлар дифференциацияси.

Ўйиннинг бориши: Болалар стол атрофида ярим доира атрофида ўтирадилар. Логопед болаларга мурожаат этади. Мен сизларга ҳозир кино кўрсатаман. Сиз диққат билан томоша қилинг ва кейин менга сўзлаб берасиз. Логопед квадрат қилиб кесиб олинган картон қоғоз орқасидан расмлар ёпиштирилган қоғозни бирма-бир кўрсатади. Болалар ўзларига кўрсатилган расмларнинг номини айтади, сирғалувчи ва шовқинли товушларнинг аниқ талаффуз этилиши назорат қилиб борилади.

4-§. Сонор товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга оид ўйинлар

Болалар учун артикуляцион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган товушлардан яна бири бу сонор («Р» ва »Л») товушлари ҳисобланади. Бу товушларнинг аниқ талаффузига баъзан тақлид усули орқали ҳам эришиш мумкин.

Қуйида тақлид усулидан фойдаланган ҳода «Р» ва «Л» товушларидаги камчиликларни бартараф этиш жараёнида қўлланиладиган ўйинлардан намуналар келтирилади.

«Отлар» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «Р» товушини нутқда ҳосил қилиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар икки гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳ болалари от ҳайдовчилар, иккинчи гуруҳ болалари эса отларга бўлинадилар. Отларни тасвирловчи болалар иккитадан бўлиб қўл ушлашиб турадилар. От ҳайдовчилари кетдик, деб буйруқ берганда от ролидаги болалар отлардек «тақ-туқ» деб юрадилар. Логопеднинг бўйруғига биноан ҳайдовчилар отларни «дррр» деб тўхтатадилар. От ролидаги болалар юришдан тўхтайдилар. Бунда

логопед болаларнинг аниқ талаффуз қилишини кузатиб боради. Сўнгра болалар ролларини алмашадилар. Логопед болаларни «Р» товушини тўғри талаффуз этишга ўргатиб боради. «Р» товушини талаффуз этганда тил юқорги тишлар орқасига кўтарилган бўлади, тил учи тебраниши кераклиги болаларга тушунтирилади.

«Қарғалар» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларни «Р» товушини нутқда тўғри талаффуз этишларига ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар уч гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳ болалари арчаларни тасвирлаб қўлларини пастга туширган ҳолда доира ўртасида турадилар. Иккинчи гуруҳ болалари: қарғалар бўлиб доира ичига сакраб-сакраб киришади ва «қар-қар-қар...» деб қағиллашади. Учинчи гуруҳ болалари эса кучукчалар ролини ўйнайдилар.

Логопеднинг ўйинимиз бошланди деган кўрсатмасидан сўнг арчалар кўтарилади, арчалар орасидан қарғалар «қар-қар» деб учиб келишади. Шу пайт ўрмондан кучуклар «иррр-иррр» деб югуриб қарғаларни ушламоқчи бўладилар. Қарғалар эса «қар-қар» деб учиб кетадилар. Ушланган қарғалар итлар билан бирга қайтишади ва махсус жойга келиб ўтиришади. Ўйин то иккиучта чаққон қарға келиб ушланган қарғаларни қутқармагунча давом этади. Сўнгра болалар ролларни алмашадилар. Ўйин яна давом этади. Логопед ўйин давомида болалар «Р» товушини аниқ талаффуз этишлари, «Р» товушини талаффуз этганда тил учининг тебранишини болаларга тушунтириб боради.

«Арчани арралаймиз» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «Р» товушини нутққа қўйиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед: Болалар янги йил ҳам кириб келмоқда, бизлар ҳозир ўрмонга борамиз ва арча кесиб олиб келамиз ва боғчамизда чиройли арча ясатилади. Биз арча атрофида янги йилни кутиб оламиз. Арчани арралаш учун эса бизга арра керак бўлади. Қани, болалар айтингларчи дарахт ёки арчани арралаганда қандай овоз чиқади. Болалар бараварига «р-р-р» деб талаффуз этадилар.

Талаффуз давомида болалар арчани арралаш ҳаракатига оид қўлларини ҳаракатлантирадилар. Логопед ҳар бир боланинг арралаш овозига тақлид қилишини индивидуал кузатиб боради.

«Қўнғироқли соат» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «Р» товушини нутқда ҳосил қилиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга стулчаларга ўтириб олишларини айтади. Битта бола логопеднинг ёнида қолади.

Логопед болаларга мурожаат этади. Болалар ҳаммамиз тушлик қилиб бўлдик. Энди ҳаммамиз ухлаймиз, фақат соат жиринглаганда турамиз. Болалар кўзларини юмиб ўтирадилар. Бир неча вақт ўтгандан сўнг логопеднинг кўрсатмасига асосан соат ролини бажарган бола юриб, қўнғироқли соат овозига тақлид қилади «др-р-р-р» ва болаларни уйғотади. Ўйин шу тариқа давом этади. Сўнгра болалар ўзаро ролларни алмашадилар. Логопед болалар «Р» товушини тўғри талаффуз этишини кузатиб боради.

«Тартибни сақла» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Сўзларда «Р» товушини мустаҳкамлаш.

Ўйиннинг бориши: Болалар ярим доира шаклида ўтирадилар. Ўртада логопеднинг столи туради. Стол устига номида «Р» товуши иштирок этган предметлар ва расмлар қўйилади. Логопед болани олдига чақириб стол устидаги предметлар номини айтиб беришни илтимос қилади. Кейин бола столга нисбатан тескари қараб туриб, стол устига қўйилган предметларни номини бирма-бир айтиб беради. Бола предметлар номини айтишга қийналса унга яна бир марта диққат билан предметларга қарашга рухсат берилади. Кейин бошқа болалар ҳам предметлар номини айтиб берадилар.

Логопеднинг ихтиёрига қараб предметлар турган тартибни ўзгартириш ёки янги предметлар қўйиш мумкин.

«Оркестр» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «Р» товушини сўзларда мустаҳкамлаш.

Ўйиннинг бориши: Болалар ярим айлана шаклида ўтирадилар, 1-гуруҳ болалари трубачилар, 2-гуруҳ болалари скрипкачилар, 3-гуруҳ болалари барабанчилар ролини бажарадилар. Логопед дирижёр ролини бажаради. Логопед ҳар бир гуруҳга қандай овозга тақлид қилишларини тушунтиради, (трубачи-труба, скрипкачи-скрипка овозига тақлид қилади), сўнг топиш керак бўлган куйни куйлашни таклиф қилинади.

Трубачилар «ру-ру-ру» бўғинини куйлайди, скрипкачилар «ри-ри-ри», барабанчи «тра-тра-тра» бўғинларини талаффуз этадилар. Репетициядан кейин логопед дирижёрлик қилади,

логопед таёқча билан кўрсатган гуруҳ куйлайди. Логопед иккал қўлини кўтарганда, ҳамма бараварига чалади. Сўнг логопед 3— болаларни чақириб, қайси бир чолғу асбобига мос овозни ижр этишни таклиф қилади. Қолган болалар қайси асбоб овозиг тақлид этишганини айтишади.

«Рангли автомобиллар» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «Р» товушини нутқда ҳосил қилиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар бир қатор бўлиб стулчаларда ўтирадилар. Улар автомобиль ҳайдовчиларидир. Ҳар бир бо лага қоғоздан ясалган ҳалқа, яъни машинанинг руллари бери лади. Логопеднинг ёнида бир нечта рангли байроқчалар тура ди. Логопед байроқчани кўтарганда ўша рангдаги руль эгалари машиналарини ҳайдайди ва моторнинг овозига тақлид қилиб «р-р-р» деб талаффуз қилди. Логопед байроқчани пастга тушир ганда машиналар тўхтайди ва болалар гаражга қайтади. Кейин логопед бошқа рангдаги байроқчани кўтаради. Ўйин шу тариқа давом этади. Адашган бола ўйиндан чиқади. Ғолиб бўлган бола га машина совға қилинади.

«Номаълум нарсани топ» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «Р» товушини сўзларда мустаҳкамлаш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга шундай дейди. Ҳамма диққат билан машғулотни тингласин. Мен ҳозир машғулотнинг тартибини тушунтириб бераман, қўлимда расмлар бор. Бу расм лар ичида «Р» товуши иштирок этган нарсалар бор. Мен ҳозир кўрсатаман сизлар унинг номини айтасиз. Логопед расмлар ни кўрсатади. Болалар унда «Р» товушини топиб, бўғинларга бўлишади ва аниқ талаффуз этадилар. Кўрсатилган расмлар эс лаб қолиниб занжир шаклида такрорлантирилади.

Агар занжир узилса ўша бола ўйининг тарк этади. Шу тариқа ўйин давом эттирилади.

«Рубоб чаламиз» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларнинг «Л» товушини тўғри талаффуз этишларига эришиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга «Ҳозир сизлар оркестр бўласиз. Оркестрда кўп мусиқа асбоблари чалинади. Сизлар рубоб чаласизлар», деб рубобни қандай ушлаб чалиш кераклигини кўрсатади (чап қўли билан худди рубобнинг пардасини

ушлаётгандек, ўнг қўли билан эса торни чертаётгандек ҳаракат қилиб «ла-ла-ла», деб айтади). Логопеднинг ишораси билан ҳамма болалар рубоб чалади ва «ла-ла-ла» товушларини талаффуз этади.

«Пароход» ўйини

Ўйнннинг мақсади: «Л» товушининг тўғри талаффузига эришиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга шундай дейди: «Болалар ҳозир ҳаммамиз пароходга тушиб сайр қилгани борамиз. Сизлар пароход қандай овоз беришини биласизларми? Эшитинглар: «л,л,л...» пароход қандай гудок беришини такрорлаймиз.

Энди тилни кенг қилиб тишлар оралиғига қўйинг ва пароходнинг гудок чалишини бажариб кўрсатинг. Болалар бу ҳаракатни тишлар оралиғида «Л» товуши ҳосил қилиб бажарадилар. Болалар «л-л-л» деб бир неча бор такрорлайди. Логопед ва болалар бу машқни кетма-кет бажаради. Болаларга энг баланд масофада учиб кетаётган самолётнинг овози ҳам «л» товушига ўхшаш эканлигини эслатиб ўтиш лозим.

«Ўз расмингни топ» ўйини

Ўйнннинг мақсади: «Р» ва «Л»товушларини фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед «Р» ва «Л» товуши бор расмларни олиб тартиб билан қўйиб чиқади. Логопед болаларни 2 гуруҳга бўлади: 1-гуруҳ болалари «Р» товуши бор бўлган расмларни олади, 2-гуруҳ болалари эса «Л» товуши бор бўлган расмларни олади. Логопеднинг кўрсатмаси билан ҳар бир гуруҳдан биттадан бола ўз товушига тааллуқли бўлган расмни олади. Сўнгра ўз гуруҳи олдига келиб, биринчи турган боланинг қўлига секин туртади ва болаларнинг орқасига бориб туради. Ҳамма болалар расмни олиб бўлганларидан кейин стулга ўтиришади. Ҳар бир бола ўз расмини кўрсатиб номини айтади. Масалан: ручка, ракета, лола, стол, стул, анор, рўмол олмахон, гилос, гул, олма, хўроз, тарвуз, карам, сигир. Қолган болалар эса ўртоғи расмни тўғри олганлиги ёки йўқлигини текшириб боради. Болалар расмни олганларидан сўнг уни номлаб, бўғинларга ажратадилар ва «Р» ёки «Л» товушлари сўзнинг бошида, ўртасида, охирида келганини айтадилар.

«Самолёт» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «Р» ва «Л» товушларини фарқлаш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга мурожаат қилади. Болалар ҳозир биз сизлар билан «самолёт» ўйинини ўйнаймиз.

Хозир сизлар билан самолёт моторини юргизамиз. Мотор юрганда «р-р-р» деган овоз чиқади. Болалар мотор товушига тақлид қилишади ва қўллари билан учиш ҳаракатини бажаришади. Мотор ўт олдирилиб самолёт баланд-баландларга учиб кетади. Мотор овози секинлашиб гувиллаган овоз эшитилади «л-л-л». Болалар кетма-кет «р-р-р» ва «л-л-л» товушларини талаффуз этадилар. Логопед «Р» товушини талаффуз этганда тилимизнинг учи тебранишини, «Л» товушини талаффуз этганда тил учи тебранмаслигини болаларга яна бир бор эслатади.

5-§. Тил орқа товушларини нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга оид ўйинлар

Тил орқа товушларининг аниқ талаффузини ҳосил қилишда асосан механик усулдан кенг фойдаланилади. Бу товушларни ҳосил қилишда тақлид усулидан унумли фойдаланиш яхши натижа беради. Қуйида келтирилган ўйинлар тақлид қилиш усули орқали тил товушларидаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган.

«Как-ку» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «К» товушини аниқ ва тўғри талаффуз этишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга мурожаат этиб шундай дейди: «Эсингиздами болалар, биз сизлар билан ўрмонга сайрга борган эдик. Бизлар йўлда кетаётиб, катта полиз ёнидан чиқиб қолдик. Қарасак, чумчуқлар полиздаги кунгабоқарларни чўқишяпти, сизлар чумчуқларни ҳайдаб юборган эдингиз?» («кишт-кишт»).

Биз ўрмонга етиб бордик. У ер жуда ҳам чиройли эди, гуллар тера бошладик. Бирданига какку сайрай бошлади «как-ку, как-ку...». Какку қандай сайрайди? («как-ку»). Кўп гуллар териб орқамизга қайтдик. Ариқ бўйидан ўтдик. Ариқ бўйида қурбақа чиройли қуриллаётган эди. Қурбақа қандай қуриллайди? («ква-ква-ква»).

Товушларга тақлид қилишда «К» товушини аниқ талаффуз этиш лозим. «К» товушини овоз кучи билан ажратиш керак.

«Хўроз, товуқ ва жўжалар» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «К» товушини бўғинларда мустаҳкамлаш.

Ўйиннинг бориши: Бир бола хўроз, бир бола товуқ, қолган болалар жўжалар ролини бажаришади.

Товуқ ва жўжалар дон чўқиб ўтиришибди (болалар бармоқлари билан полни тақиллатишади). Хўроз кириб келганда, жўжалар парда орқасига яшириниб олишади. Хўроз «ку-ка-ре-ку, ку-ка-ре-ку», кичкина жўжалар қани?» деб сўрайди. Товуқ бўлса «қо-қо, қо-қо» жўжаларинг кетиб қолди, уларни излаб топ», деб жавоб беради. Хўроз жўжаларни излай бошлайди. Жўжалар топилгач бирга ўйнашни таклиф этади. Жўжалар тарқалиб кетишади. Хўроз уларни қувлайди. Ўйин давомида роллар алмашинади. Ҳар бир боланинг товушларни тўғри ва аниқ талаффуз қилиши кузатиб борилади. Лозим бўлганда товушлар талаффузи тўғриланади.

«Нима етишмайди?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «К» товуши билан келадиган бўғин, сўз, гапларни тўғри ва аниқ талаффуз этишга эришиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларда ўтиришади. Логопед стол устига копток, коса, эшик, капалак, китоб расмларини ёки ўйинчоқларни териб қўяди ва болаларга бу ўйинчоқларни диққат билан кўриб олишни таклиф этади. Чақирилган бола эшик орқасида туради. Бошқа бир бола эса ўйинчоқлардан бирортасини яширади, эшик орқасида турган бола келиб қайси ўйинчоқ етишмаслигини айтади.

Шундан кейин логопед, номида «К» товуши бор бўлган расмларни кўрсатади, болалар уларнинг номларини айтадилар. Номланган предмет ёки расмлар бўғинларга бўлиниб, «К» товуши сўзнинг бошида, охирида, ўртасида келгани аниқланади.

«Телефон» ўйнни

Ўйиннинг мақсади: Болаларни «Г» товуши билан келадиган сўзларни аниқ ва тўғри талаффуз этишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларда бир қатор бўлиб ўтиришади. Логопед биринчи бўлиб ўтирган болага сўзни пичирлаб айтади. У ҳам ёнидаги болага пичирлаб шу сўзни айтади. Шу тариқа, айтилган сўзни бир-бирларига пичирлаб айтадилар. Сўнгра сўзни биринчи бўлиб айтган бола қаторнинг охирига бориб ўтиради. Болалар охирги сўзни айтиб бўлганларидан кейин уларга логопед расм бўйича кичкина гап тузишни таклиф этиши мумкин.

«Телефон» ўйинини ўйнаганда болалар сўзни бир-бирига пичирлаб, аниқ айтишлари лозим, акс ҳолда сўз кейинги болаларга тушунарсиз бўлиши мумкин.

«Каптарларга дон бер» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болалар нутқида «Г» товушини ҳосил қилиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар ярим доира шаклида ўтирадилар. Логопед болаларга эртак айтиб беради. Бор эканда, йўқ экан. Қадим замонда бир бола яшаган экан. Бола қушларни айниқса каптарларни яхши кўрар экан. У каптарларга ем қурибди. Каптарлар боланикига меҳмонга келишар экан. Ҳар куни эрталаб бола каптарларга дон сочиб, уларни «гул-гул-гул» деб чақирар экан. Бу овозни эшитган каптарлар учиб келиб донларни чўқиб, болага «гу-гу-гу» деб раҳмат айтишар экан. Логопед битта болани ўртага чақириб каптарларни чақириш овозига тақлид эттиради «гул-гул-гул». Қолган болалар каптарлар бўлиб, болага раҳмат айтишади «гу-гу-гу». Сўнг болалар ролларини алмашадилар.

«Ким меҳмонга келди?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: «К» ва «Г » товушларини фарқлаш.

Ўйиннинг бориши: Болалар бир қатор бўлиб ўтирадилар. Логопед болаларга мурожаат қилади. Болалар бугун бизнинг боғчамизга қушлар, паррандалар меҳмонга келишибди. Биз уларни аниқлашимиз керак. Логопед болаларга расмларни кўрсатади. Болалар эса расмдаги қуш ёки парранданинг овозига тақлид қиладилар. Логопед, қаранглар болалар қушлар учиб келишди дейди ва расмларни кўрсатади. Болалар расмга қараб «как-ку как-ку», «гу-гу-гу» деб овоз чиқаради. Сўнг логопед қурбақанинг расмини кўрсатади. Болалар «ква-ква-ква» деб овоз чиқарадилар. Логопед ғоз, хўроз, товуқ расмини кўрсатади. Болалар уларнинг овозларига тақлид қиладилар. Ўйин давомида болалар гуруҳ бўлиб жавоб берадилар. Сўнгра логопед ҳар бир болага алоҳида расмларни кўрсатиб, тўғри ва аниқ талаффуз этишини аниқлайди.

«Товушдан таниб ол!» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Товуш тақлидида «Г» ва «К» товушларининг дифференцияси.

Ўйиннинг бориши: Болалар айлана шаклида қўйилган стулчаларга ўтирадилар (уйча). Битта бола уйчага яқинлашиб эшикни тақиллатади «тақ-тақ-тақ». Уйчада ким яшайди. Болалар бирор ҳайвон ёки қуш товушига тақлид қилиб жавоб беришади «га-га-га», «ква-ква-ква» «му-му-му», «ку-ка-ре-ку»

Эшикни тақиллатган бола жавобни эшитиб уйчада ким яшашини аниқлаши керак. Ўйин давомида болалар ўзаро роль алмашадилар.

«Қўлларимизни иситамиз» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Алоҳида келадиган «Х» товушини ўрганиш ва мустаҳкамлаш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулда ўтиришади. Логопед болаларга қордан қорбобо ясаган болалар расмини кўрсатади. Болалар, қаранглар ўртоқларинг қордан чиройли қорбобо ясашибди. Фақат уларнинг қўллари қорбобо ясагунча музлаб қолибди. Келинглар, уларга қўлларини қандай иситиб олишни ўргатамиз, деб айтади ва икки кафти орасига пуфлай бошлайди «х,х,х». Болалар «х,х,х» товушини талаффуз этишни ва қўллар ҳаракатини қайтарадилар.

«Кимга нима керак?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Сўзларда ва гапларда учрайдиган «Х» товушини мустаҳкамлаш.

Ўйиннинг бориши: Логопед доскага расмларни илиб қуяди ва болаларга мурожаат қилади. Ҳозир сизлар қисқа-қисқа ҳикоялар эшитасизлар. Ҳар бир ҳикоя бирор расмга тўғри келади. Сизлар қайси расм эканлигини топишингиз керак.

Болалар арчани ясата бошлайди. Арчага кўп ўйинчоқларни илиб қўйишади. Арчага яна нима илиш керак? (юлдузча)

Беморни кўргани шифокор келди. Шифокор нима кийиб келди? (оқ халат). Ким кўп жавоб берса, ўша бола ғолиб деб топилади. Болалар сўзларни айтганнида ўрганилаётган товушга алоҳида урғу берилади.

6-§. Товушлардаги камчиликларни бартараф этишда қўлланиладиган тез айтиш, чорлашма, топишмоқ ва шеърлардан фойдаланиш

Товушлардаги камчиликларни бартараф этишда биз, асосан анъанавий бўлган тез айтиш, топишмоқ ва шеърлардан фойдаланиб келамиз. Шубҳасиз, улар болаларга хуш кайфият ва тетиклик бағишлайди. Бундан ташқари, болаларга берилган логопедик топшириқларни осон ва эркин бажаришлари учун қулай шароит яратиб беради. Логопедик машғулотлар ва ўйинларда тез айтиш, топишмоқ ва шеърлардан кенг фойдаланиш натижасида

болаларнинг нутқи ўсади, шу билан бирга нутқнинг раво бўлишида, тўғри оҳангнинг шаклланишида катта аҳамияти эга. Миллий адабиётимиз намуналари бўлмиш санама, чорлаш ма, айтишув, чеклашмачоқ, айтишма ўйин ва яраштиргич каб халқ оғзаки ижоди, нафақат боланинг нутқини ўстиришда, бал ки уларни миллий руҳда тарбиялаш, миллий қадриятларимизн хурмат қилиш ва ватанпарварлик ҳиссини уйғотишда асоси омил бўлиб хизмат қилади. Қуйида биз, тилимизнинг хусусият ларидан келиб чиқиб, болаларни тўғри талаффузга ўргатишда ло гопедик ўйинлардан фойдаланиш йўлларини такомиллаштириш борасида бой адабий меросимиздан намуналар келтирамиз.

ТЕЗ АЙТИШЛАР

Оқ чойнакка оқ қопқоқ,
Кўк чойнакка кўк қопқоқ.

Оқ от оқ ўт ейди,
Кўк от кўк ўт ейди.

Тубсиз денгиз дедингизми?
Денгиз тенгсиз дедингизми?

Новвой нон ёпар,
Нонни новвот деб сотар.

Нодир новвойхонадаги
Новвойдан нон олдими?

Қурилишда бурилиш,
Бурилишда қурилиш.

Қўш қўлқоп
Қўшоғи ҳам бўш қўлқоп.

Отамнинг отасининг оти,
Отасининг отидан ортиқ.

Сабиҳа, Соҳиба, Забиҳа
Саҳифани синчиклаб ўқиди.

Оқил оқ олма олди,
Оқ олмани Оқил олди.

Олма шоҳида олмахон,
Олмахонни олма Олимахон.

Хумсонлик рассом Асом,
Исомнинг расмини солди.

Олтин олмай, олқиш олган
Одам — одам.

Қувондиқнинг қовун қоқиси
Қовунчидан.

Совуқда товуққа товоқда
Бодроқ сочдим.

Эркин эртаги экин экишни
Эртага эрталаб эплайди.

Турсунда тўртта тўр қоп
Унсунда битта қўлқоп бор.

Тожининг тождор хўрози
Гултожихўроз тагида.

Тўп-тўп кўк кўпток,
Ҳар тўп кўк кўптокда
Биттадан катта кўк кўпток.

Машҳура мошхўрдани,
Маъсуда мошуврани,
Шура шўрвани шошиб
шимирди.

Ғани ғилдиракни ғизиллатиб ғилдиратди,
Ғилдиракни Ғани ғилдиратиб ғизиллатди.

Тўлқин турпни тўрда тўплади.

Адҳам Раҳматга шахмат бердими?
Раҳмат Адҳамга шахмат бердими?

Севара саватчага седана солдими?

Тоҳир Тўлқиннинг тўпидан тортдими?
Тўлқин Тоҳирнинг тўпидан тортдими?

Ҳали Вали билан Соли шоли ўрди.

Тўти тутган тўртта тўти тўрда турибди.

Ойдин ойдинда онасидан олдин борди.

Турди тунда ўнта тўнка тўплади.

Норнинг нордон анори нарида.

Қирғовул қир ёқдамас қирғоқда.

Мавлуда ҳовлида,
Синглиси Мавжуда қўлида.

Тоғам тоғда бир тоғора тоғолча,
Тағин бир тоғорача олча терди.

Соқи қуритган қоқи қок қурук қоқи.

Толиб тоғанинг тоғолчали тоғорачаси тоғда турибди.

Чумчуқ чуғурчиқни чўқимаса,
Чуғурчиқ чумчуқни чўқимайди.

Ўткир ўткир ўроқда ўт ўргил.

Ниёз пиёз арчиди,
Фаёз пиёз арчиди.
Пиёздан Ниёзнинг кўзи
Ачидими, Фаёзними?

Бедарак бедана бедада бедор бўлди.

Жажжи жўжа жиблажибон билан жўра.

САНАМАЛАР

***

Дадаму ойим,
Бор икки синглим.
Боходир Дилдор,
Боғчага кетар.
Санаб кўр чандон,
Бизлар неча жон.

***

Хил-ҳил пишиб
Оқ шафтоли,
Шохда турар,
Тоқ шафтоли
Усмон тўртта ебди кеча.
Ойим менга
Берди бешта.
Қани топ-чи,
Бари нечта?

***

Лола, ҳой Лола,
Ангишвона,
Дўппи кийган қиз
Маҳмадона.

***

Бир, икки, олма дики
Сафар ойи сариқ чумчуқ,
Боғда турмай тез учиб чиқ.
Бир, икки, олма дики,
Сариқ чумчуқ, уйга кирди,
Сен тезроқ чиқ.

***

Бир, икки, ...ўн икки,
Ўн икки деб ким айтди?
Бабала кучукча айтди.
Бабала кучук ўлсин
Боласи бизга қолсин!
Бир, икки, уч, тўрт,
Беш, олти...ўн олти
Ўн олти деб ким айтди?
Оппоқ, кучукча айтди.

***

Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак,
Қоши, кўзи қийилган,
Гулноранинг ўзи керак.

***

Онам берди помидор
Ишонмасанг санаб кўр.
Ик бик
Сен чик.
Чумчук учди, жарга тушди.
Ик бик
Сен чик.

***

Йиғлама қизча, йиғлама,
Сени ҳеч ким олмайди.
«Нексияга» солмайди,
Бир, икки, уч, тўрт,
Беш, олти, етти, олиб кетти!

***

Бир дон, икки дон,
Уч дон, тўрт дон,
Беш дон, олти дон,
Етти дон, саккиз дон,
Тўққиз дон, ўн қоп –
Гўнг қоп.

***

Оппа-оппа
Халима хоппа
Тилло-милло,
Тилла-пилла...ҳой!
Поезд ўтдими?
Халима холам ўтдими?
Халима холам келибди,
Муродига етибди.

***

Чумчук учди, жарга тушди,
Ишонмасанг санаб кўр.
Бир, икки, уч, тўрт,
Беш, олти, етти – кетти.
Олма думалаб кетди,
Қаққа думалаб кетди?
Боққа думалаб кетди.

***

Азиз кўчага чиқди,
Араваси бузилди.
Унга нечта мих керак?
Бир, икки, уч, тўрт,
Беш, олти, етти – кетти.

***

Ғужум-ғужум помидор,
Ойим берган помидор,
Қани санаб кўрай-чи?
Бир, икки, уч, тўрт,
Беш, олти, етти – кетти.

***

Бир, икки. Бир икки...
Уч, тўрт, уч тўрт..
Беш, олти, беш олти...
Етти. Етти.
Етаклаб кетди!
Бир, икки айлана,
Айланага кир яна.
Анқов бўлма, эй ўрток,
Давринг келади яна.

***

Бир буғдой, икки буғдой,
Уч буғдой, пуч буғдой.

***

Бир анор, икки анор,
Уч анор – учгинасан.
Тўрт анор – тўртгинасан,
Беш анор – чамбарада
Олтинчиси омборда...
Алагай-палагай,
Учди-ю, кетди.

***

Бирим – билак, икким – элак,
Учим – учак, тўртим – тўшак,
Бешим – бешак, олтим – ошиқ,
Еттим – елкан, саккизим – сармоғим
Тўққизим – тўқмоғим,
Ўним – ўймоғим,
Ўн бирим – ўн боғим!

***

Бир, икки, уч...
Пиёланинг гули,
Бу гулни ким чизган?
Лолахоннинг қўли.

***

Бир, икки, уч,
Учдан қолган пуч,
Агар билган бўлсанг,
Сен жойингдан кеч!

***

Одина-бадина, ягона,
Мисли Вали жаҳона.
Жаҳон-жаҳон қизининг
Отини қўйди Фазила,
Фазиланинг отини,
Дарвозага қоқибди,
Бўри келиб ўқибди,
Чумчуқ келиб чўқибди,
Бир, икки, уч, тўрт,
Беш, олти, етти,
Етаклаб кетди!

***

Якшанба дедим, ётдим,
Душанба дедим, ётдим,
Сешанба дедим, ётдим,
Чоршанба дедим, ётдим,
Пайшанба дедим, ётдим,
Ва жума дедим, ётдим,
Хамма ясаниб чиқди,
Мен хумга кириб ётдим.

ЧОРЛАШМАЛАР

***

Баче, баче бози,
Кимни қора кўзи,
Ким ўйинга тушмаса,
Бўйнига тошу тарози.

***

Ашула шула- шула,
Қозонда пишди шовла.
Келинг, қўшиқ айтайлик,
Жўр бўлишиб бир йўла.

***

Токчага буғдой сепувдим,
Ундимикин-о, ундимикин?
Машраббой уйдан чиқмайди,
Ётдимикан-о, ётдимикан?
Томда товуқ ётарми?
Оёғингдан тортарми?
Ўйин ёқмас болалар
Номозшомда қотарми?

***

Ҳой болалар, болалар,
Бекинмачоқ ўйнаймиз.
Тарқалишманг ҳар томон,
Қочиб нима қиласиз?
Дўст, оталар кўрди мани,
Дўст, болалар кўрди мани.
Ўйнамоққа, кулмоққа,
Хумор-хумор қилди мани.

***

Бизлар ўйнаяпмиз,
Давра қураяпмиз.
Даврага келинглар,
Сизлар ҳам қўшилинглар,
Бу даврани қурган
Гулнорани кўринглар.

***

Саримсоқ, димоқ чоқ
Ўйинга кел-кел ўртоқ.
Кун ботди ойижон, момо ётди
Ётиши билан уйғонмай қотди.
Кун ботди-ю, кун ботди,
Раҳима хола ётди,
Ётди-ю - қотди.

ҚИҚИЛЛАМАЛАР

***

Каччи-качи дона,
Думала дугона.

***

Тўрга ўтинг тўралар,
Паловни енг жўралар.

***

Эчки келади маъраб,
Ўз эгасига қараб.

***

Атта-матта,
Санми катта.

АЙТИШУВЛАР

«Ашула шула-шула»

– Ашула шула-шула,
– Чинни товоқда шовла,
– Шовлани кимга бердинг?
– Катта холамга бердим.
– Холанг нима туғибди?
– Эгизаклар туғибди.
– Отини нима қўйибди?
–Тоҳир, Зуҳра қўйибди.

ЧЕКЛАШМАЧОҚЛАР

***

— Она, она, ким она?
— Мен она (биз она).
— Сизга осмондаги ой керакми?
Кишнаб турган той керакми?
— Кишнаб турган той менман.
— Ўт, биздан экансан!
— Биз икки гул-у лола,
Кимга гул, кимга лола?

***

— Мати мати кимнинг навбати?
— Меники (онабошилардан бири).
Тарвузни оласанми? Ё қовунни?
Она-бола, онабоши,
Йигитларнинг қалам қоши.
— Кимни оласан?
— Товуқними, хўрозними?

***

Кимга олма, кимга нок?
Кимга от, кимга арава?
Кимга офтоб, кимга юлдуз?
Дарахтми, гул? Олчами, гилос?

ЯРАШТИРГИЧЛАР

***

Ялинчиқ-ялинмачоқ,
Писта пўчоқ.
Қиличми, тўқмоқ,
Қирқ йилгача ўртоқ,
Тўқмоқ — тўқсон йилгача ўртоқ.

***

Каримага бердим тойчоқ,
У олавермади ҳар чоқ.
Тойчоғимни ким олса,
Мен у билан чин ўртоқ.

АЙТИШМА ЎЙИНЛАР

– Биз бояги ҳовлида,
Бўлиб тарафма-тараф.
Навбат билан айтишдик,
Тараф-тарафга қараб.
Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?

– Бизга керак боғчадан,
Одобли қиз Дурдона.
Оқ теракми, кўк терак,
Бизга Дурдона керак!

– Оқ, теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?

– Сайраб турган дил керак!
Дилларнинг қайси бири
Гулчеҳрахон ўткири.
Сохибжамол уйдан чиқса,
Ҳаммани қаратади.

– Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?

– Жилмайибгина турган
Қоракўз Зумрад керак!
Ўйнаб-ўйнаб куйлаймиз,
Куйлаб-куйлаб ўйнаймиз.

– Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?
– Эркин қўзичоқ керак!

– Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?
Ола-була капалак
Орқа сочи жамалак.
– Бизларга кулиб турган
Барно деган қиз керак.

«ХОЛАМ КЕЛДИ»

– Ойи, ойи, холам келди.
– Мана-мана.
– Эсонмисиз, омонмисиз?
Қопга тиққан сомонмисиз?
Орқа бошингиз оловдай
Дамлаб қўйган паловдай.

«ОҚ ШОЛИ, КЎК ШОЛИ»

– Оқ шоли, кўк шоли,
Оқ шолини оқлайлик!
Кўк шолини кўклайлик!
Гуручидан Ойхоннинг
Тўй кунига сақлайлик!
– Хўп-п
– Хўп-п

«МОШИНА»

Авазхоннинг уйига,
Унинг суннат тўйига
Биз келтирдик мошина,
Баландлиги мана бунақа,
Торлиги мана бундоқ
Катталиги кундай,
Қани, ўйнагин-чи бундай,
Ўйнаб бер, ўйнаб бер.
Хоҳлаганингни танлаб бер.

«ЛОЛАГУЛ»

Болалар давраси. Бири ўртада. Бошқаси совға узаётгандай қўлини давра ўртасидаги болага чўзганича:

Шаҳзоданинг уйига,
Шу туғилган кунига
Биз келтирдик «лолагул»,
Лолагул, лолагул.
– Баландлиги уч метр!
– Эни мана бундай!
– Бўйи мана бундай!
– Гўзаллиги кундай!
– Қани, ўйнанг-чи бундай
– Хе-ўйна, хе-ўйна,
– Гулни чакканга жойла.

ТОПИШМОҚЛАР

Тўртдир унинг оёғи,
Темир михли туёғи,
Манзилга етиштирар,
Тошдан қаттиқ туёғи. *(От)*

Келиб оғзинни очар,
Тишлаб қочар.
(Омбир)

Ғит-ғит дейди, ишлайди,
Ерга кукун ташлайди.
(Арра)

Қуш эмас қаноти бор,
Чиройли савлати бор.
Учса лочин етолмас,
Толмас зўр қуввати бор.
(Тайёра)

Ўтириши тойлоқдай,
Ўт ейиши йилқидай.
(Чигиртка)

Асалдан ширин,
Заҳардан аччиқ.
Бировни сўлдирар,
Бировни куйдирар.
(Тил)

Жони йўқ юради,
Жўякларни оралаб.
Уйчасини момиққа,
Тўлдиради саралаб.
(Пахта териш машинаси)

Том устида пиёла,
Атрофида гул-лола.
(Ой ва юлдузлар)

Ғоқ-ғоқ-ғоқ,
Димоғим чоқ,
Сувда сўзиб юраман,
Кўп кайфлар сураман.
(Ғоз)

Чор қулоқ,
Чандир қулоқ,
Чор қулоғи,
Шалпанг қулоқ.
(Қозон)

Қатор-қатор тош тердим,
Жайрон отни бўш қўйдим.
(Тиш ва тил)

Тунда кўриб чўғ дейсан,
Тонгда кўриб йўқ дейсан.
(Юлдуз)

Гули тўртта ярим ой,
Бошгинамдан олар жой.
(Дўппи)

Киздирсанг ишлар,
Кийим текислар.
(Дазмол)

Кордай оппоқ,
Пардай юмшоқ.
(Пахта)

Бирлаштириб кийимни,
Иссиқ тутади сизни.
(Тугма)

Ўзим силлиқ таёқман,
Кексаларга тиргакман.
(Ҳасса)

Кичкина декча,
Ичи тўла михча.
(Анор)

ШЕЪРЛАР

Эркин Воҳидов

ҚАРАҒАЙ

Бўйин чўзиб
Қарағай,
Ён- атрофга
Қарагай.
Дер у:
Барча дарахтдан
Баланд аканг –
Қарағай.

ОЛМА

Мен сизларнинг
Олмангиз,
Хомлигимда
Олмангиз,
Нортожига
Ўхшаб сўнг
Вой қорним, деб
Қолмангиз!

МАЖНУНТОЛ

Бошим эгик,
Мажнунҳол,
Мажнун толман,
Мажнунтол.
Дам олсангиз
Соямда,
Мен қизлардан
Мамнун тол.

ШАФТОЛИ

Сариқ, оқ
Шафтолиман,
Зарғалдоқ,
Шафтолиман
Мақтаниб
Ўлтирмайман,
Ман қандоқ
Шафтолиман.

НАШВАТИ

Мени дерлар
Нашвати,
Шарбатларнинг
Шарбати,
Мазаларнинг
Мазаси,
Лаззатларнинг
Лаззати.

ТЕРАК

Мен теракман
Теракман,
Мен ҳаммага керакман.
Осмон менинг
Елкамда.
Мен оламга
Тиргакман.

ГИЛОС

Мен гилосман
Кулоқ сол,
Рангим ол
Тотим бол.
Топсанг
Қўшалоғимни,
Қулоғинга
Тақиб ол.

ЎРИК

Қантак ўрик
Отим бор,
Хўп мазали
Тотим бор.
Мағизимга беркитган
Қантим бор,
Новвотим бор.

7-§. Нутқ ўстиришга оид ўйинлар

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар нутқида товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этиш билан бирга уларнинг боғланган нутқлари устида ҳам иш олиб борилади. Чунки мактабгача ёшдаги болалар нутқларида бўғинларни ташлаб кетиш, бўғинлар ўрнини алмаштириш, сўзларни нотўғри талаффуз қилиш ҳолатлари кузатилади. Логопедик машғулотларда эса сўзларни тўғри айтиш, сўзда бўғинларни ташлаб кетмаслик, шошилмасдан, чиройли ва равон гапиришга ўргатиб борилади. Қуйида биз болалар нутқини ўстиришга оид ўйинларни келтирдик.

«Почтачи посилка ташийди» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болалар нутқини ўстириш.

Қўлланмалар: Пакетга солинган ўйинчоқлар (ўйинда қатнашувчилар сонига қараб).

Ўйиннинг бориши: Ўйинчоқлар юк машинасига тахланади, булар посилкалар ҳисобланади. Почтачи уларни ташийди. У биринчи пакетни логопедга беради. Логопед пакетни очади ва нима олганлигини, яъни предметнинг номини айтади ва шу предметни таърифлайди, унинг рангини, баъзи ҳолларда эса ҳатто шаклини, у билан қандай ўйнаш кераклигини айтади. Болалар ҳам пакет олганларида олган предметларини логопед гапириб берганидек таърифлаб берадилар. Болалар предметларни изоҳлаётганларида аниқ, предметга хос белгиларни айтишлари, сўзларни тўғри талаффуз қилишлари кузатиб борилади.

«Қўғирчоқ меҳмонга боради» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Овқатланишда фойдаланадиган предметларнинг номини эсда сақлаб қолиш.

Қўлланмалар: Коса, пиёла, нон қўядиган идиш, дастурхон, патнис, қошиқ, лаган ва бошқалар.

Ўйиннинг бориши: Болалар! Келинг, «меҳмон-меҳмон» ўйинини ўйнаймиз! — дейди логопед. Сўнгра Фаридага Насибанинг қўғирчоғини овқатга таклиф қилишини айтади. Насиба Фариданинг қўғирчоғини меҳмонга таклиф қилади. Болалар меҳмонни кутиб олишга тайёргарлик кўра бошлайдилар.

«Меҳмонлар келишига столни чиройли ясатишимиз керак, дейди логопед. Фарида сен стулни олиб кел. Бахтиёр, Олим сизлар эса столимизни ўртага қўйинглар. Қаранглар болалар, катта патнисда ҳар хил нарсалар турибди. Буни Мунис ясатибди. Қани, Мунисхон столга қўйиладиган нарсаларнинг номини бирма-бир бизларга айтиб бергин-чи». Бола нарсаларнинг номини айта бошлайди.

Логопед эса ўйин давомида болаларнинг диққатини тортиш учун: «Қаранглар, болалар, Мунис нарсаларнинг номини тўғри айтаяптими? Хато қилмаяптими?» — деб ўртага савол ташлайди ва ўзи боланинг барча ҳаракатларини синчиклаб кузатиб боради, адашиб қолганда кўмаклашади.

Логопед болалар билан бирга тузатилган столни яна бир марта текшириб кўради. Ҳамма нарса тайёр бўлгандан кейин болалар ўз қўғирчоғини, яъни меҳмонни кутиб оладилар ва уни столга ўтказадилар.

Логопед болалардан ликопча, қошиқчалар, санчқи, пичоқ, пиёла ва бошқа нарсалар қаерда туришини бирма-бир сўрайди.

Логопед болаларга: қўғирчоқлар овқатланаётган пайтда ликопчадан нималар ейишади, қошиқ-вилка билан нима қилинади, пичоқ билан нималар кесилади, пиёлада нималар ичиш мумкин каби сўроқлар орқали уларнинг билимларини янада мустаҳкамлаб боради.

Болалардан 2–3 нафари ўйин охирида ўйинчоқларни ўз жойига йиғиштириб қўядилар.

Мазкур ўйин орқали болаларнинг сўзларни тўғри талаффуз қилишлари, гапларни тўғри туза олишлари текшириб борилади. Болаларнинг оғзаки нутқидаги нуқсонлар ҳисобга олинади.

Оғзаки дидактик ўйинлар болаларга таниш материаллар асосида ўтказилади. Шу боисдан ҳам ана шундай ўйинлар ёрдамида болаларнинг нутқи тез ўсади ва фикрлаш қобилияти фаоллашади. Аммо, шу билан бирга оғзаки таърифлаш асосида предметларнинг умумий хусусиятларига кўра гуруҳлаш каби топшириқлар болаларнинг тасаввурларини ойдинлаштиради.

«Топ, нима олиб келдим?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларга ўқув қуролларини таништириш.

Қўлланмалар: Конверт, сумка, турли хил газета ва журналлар.

Ўйиннинг бориши: Логопед бир болани почтачи қилиб тайинлайди. У газета-журналлар солинган сумка билан синфга киради.

Почтачи болаларга қарата:

– Ким топади? Нима олиб келдим? – дейди.

Болалар ўқув қуролларининг номларини айтадилар.

– Йўқ, топа олмадинглар, – дейди почтачи бола.

Болалардан бири журнал деб жавоб беради.

– Тўғри, яна нималар бор, айтинг-чи?

– Газета, хат, – дейишади болалар.

Ушбу ўйин орқали болаларнинг луғат бойлиги ошади, болаларда предметларнинг маълум белгиларига қараб топширилган шартлар бўйича гуруҳлаш қобилияти ўстирилади.

«Бу нима?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларга буюмларни қайси гуруҳларга киритишни, уларнинг хусусиятларига қараб бир-биридан фарқлашни ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар доира ҳосил қилиб турадилар. Логопед коптокни гоҳ бир болага, гоҳ иккинчи болага навбат билан отиб, бирор сўз айтади. Коптокни илиб олган бола эса логопед айтган сўз нимани ифодалашини тез айтиб бериши лозим.

Масалан: – бу ўйинчоқ – қўғирчоқ;
– бу уй жиҳози – стол;
– бу кийим — кўйлак;
– бу идиш — пиёла ва ҳоказо.

Болалар ўйин давомида бир оз қийналишлари мумкин, бунда логопед болаларга йўлланма беради. Ушбу ўйин болаларда зийракликни, оғзаки нутқда ҳозиржавобликни ўстиради.

«Дўкондан харид қилиш» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларни кишиларга маданий муомала қилишга ўргатиш. Оғзаки нутқ малакаларини ошириш.

Қўлланмалар: Турли ўйинчоқлар, кийимлар, ўйинчоқлар дўкончаси.

Ўйиннинг бориши: Логопед ўйин мазмунига кўра бугун болалар дунёси дўконига боришларини, у ерда чиройли ва қизиқарли ўйинчоқлар борлигини, уларни кузатиш, танланган ўйинчоқларни олишдан олдин сотувчига илтимос билан мурожаат қилишни тушунтиради. Шунингдек, логопед «марҳамат», «раҳмат» сўзларини эсдан чиқармаслик, аниқ, равон гапириш лозимлигини таъкидлайди. Болалар бирон нарсани харид қилаётганларида «илтимос», сотувчи эса «марҳамат», харид қилиб бўлганларидан сўнг «раҳмат» деб бир-бирларига мурожаат қилишлари ўргатиб борилиши лозим.

«Сен буни қачон бажарасан?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларда маданий-гигиеник кўникмаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг нутқини ўстириш.

Қўлланмалар: Тиш пастаси, тиш чўткаси, совун, сочиқ, тароқ, ойна, оёқ чўтка, турли мойлар ва бошқалар.

Ўйиннинг бориши: Логопед стол устида турган предметлардан бирини олиб, болаларга қараб баъзи бир ҳаракатларни бажаради. Масалан: у қўлини совун билан ювади, тишини чўтка билан тозалайди, оёқ кийимини чўткалайди. Сўнгра болалардан «Сен буни қачон бажарасан?» деб сўрайди.

Болалар ҳар бир ҳаракатдан сўнг бу ҳаракатлар қачон бажарилиши ҳақида гапирадилар. Ҳар бир жавоб тўғри сўзланганлиги кузатиб борилади, бола хатога йўл қўйса, биргаликда тузатилади.

«Расмга қараб айтинг-чи» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болалардаги гигиеник кўникмаларни мустаҳкамлаш ҳамда гап тузиш қобилиятини шакллантириб бориш.

Қўлланмалар: Гигиенага оид предметлар ва ҳаракатлар акс эттирилган расмлар.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга гигиеник предметлар ва ҳаракатлар акс эттирилган расм ва карточкалар кўрсатади. Болалар шу расмлардаги тасвирлар ҳақида гапириб берадилар. Болалар гигиеник предметларга оид қуйидагича гапларни тузиши мумкин. Тароқ билан соч таралади. Тароқни тоза тутиш лозим. Сочиқни тоза сақланг. Сочиқдан юз-қўлни артишда фойдаланамиз. Совун расми кўрсатилса, болалар: совун билан юзимизни ювамиз. Совун юз-қўлни, баданни тоза қилади, – деб жавоб берадилар. Болалар нутқи кузатиб борилади.

«Суратни топ» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларни тозалик қоидаларига қатъий риоя қилишга ва расмларни мавзуга мос равишда топа олишга ўргатиш.

Қўлланмалар: Фасллар, кийим-бош, идишлар, ўйинчоқлар тасвирланган расмлар ва плакатлар.

Ўйиннинг бориши: Логопед катта расмлар ва плакатни доскага илиб қўяди, плакатнинг мавзуси турлича бўлиши мумкин. Масалан, «Тушлик овқат», «Нонушта» ва ҳоказо. Болалар мавзуга мос карточкалар танлаб олиб, номини айтадилар ва шунга оид гап тузадилар. Масалан, турли овқатлар акс этган ёки қўлида сочиқ ушлаган бола акс этган расм. Мавзуга мос карточка ва суратларни тўғри топа олган болалар ўйинда ғолиб бўладилар.

Ўйиннинг кейинги қисмида болаларга расмлар кўрсатилиб, улар асосида болаларнинг фикрлаши, гап туза олиш қобилияти аниқланади.

«Рангларни тўғри топа оласизми?» ўйини

Ўйиннинг мақсади. Болаларни рангларни фарқлашга ўргатиш, предметларнинг рангларига қараб аниқлай олиш. Болалар тасаввурини ўстириш.

Қўлланмалар. Турли рангдаги нарса ва предметлар, ўйинчоқлар, кийимлар.

Ўйиннинг бориши. Логопед болаларга қалам, китоб, рўмол, кўйлак, шляпа, қалпоқ, лента, фартук, стол, стул каби предметларни бирма-бир кўрсатади. Болалар юқорида айтилганларнинг рангини бирма-бир айтиб берадилар. Рангни айтишда адашган болалар ҳисобга олиб борилади. Рангларни тўғри айтган болаларга юлдузчалар берилади.

Ўйиннинг кейинги қисмида болаларга карточкалардаги ранглар кўрсатилади. Улар кўрсатилган рангга мос предмет номини қўшиб (қизил қалам, қора доска, яшил фартук, сариқ олма каби) айтадилар. Бундай ўйинлар орқали болаларнинг боғланган нутқи ривожлантириб борилади.

«Байроқча» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Рангларни тез айта олиш ва мақсадни амалга ошириш.

Қўлланмалар. Рангли байроқчалар.

Ўйиннинг бориши: Логопед ёки тарбиячи болаларга байроқчаларни тарқатгач, уларга қўлларидаги байроқчанинг қандай рангда эканлигини айтишларини талаб қилади. Болалар байроқчаларнинг рангига қараб гуруҳларга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳ маълум рангдаги байроқча билан белгиланган жойда тўпланади. Кейинчалик жойлар яна логопед кўрсатмаси асосида алмашинади.

Масалан, кўк байроқча олган болалар ойна олдида учрашадилар, яшил байроқчали болалар доска олдига сафланадилар, оқ байроқчалилар эса давра қуриб турадилар. Сўнгра уларга топшириқ берилади. Болалар вазифани бажаришга киришадилар. Ҳар бир бола топшириқни иложи борича мустақил бажаришга ҳаракат қилиши керак. Бундай топшириқлар асосида болаларда рангларни ажрата олиш кўникмаси ҳосил бўлади.

«Предметни оғзаки тасвирлаш» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Материалларга кўра предметларни гуруҳлаб танлаб олиш.

Қўлланмалар: Предметлар, ҳар хил материалдан ясалган ўйинчоқлар (металл, ёғоч, резинка, пластмасса).

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга ҳар хил предметлардан ясалган ўйинчоқларни бўлиб беради ва уларнинг қайси

материалдан тайёрланганлигини, вазнининг оғир-енгиллигини аниқлашни топширади.

Таклиф қилинган бола болаларга бирор предметни кўрсатади. У кўрсатган предмети кўғирчоқ эканлигини ва у резинадан ясалганлигини айтади. Шунингдек, қошиқнинг ёғочдан ясалганини ёки пичоқнинг темирдан тайёрланганини изоҳлайди. Сўнгра турли материалдан ясалган предметлар аралаш ҳолда қўйилади. Таклиф қилинган бола предметларни нимадан тайёрланишига қараб ажратади.

Ўйинчоқларни материалига биноан тўғри танлаган бола ғолиб чиқади. Ўйин охирида ғолиб эълон қилинади.

«Топинг-чи?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларни айрим предметларнинг кўринишини эслаган ҳолда ёки уларнинг айрим белгиларига кўра топа олишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед бирор предметнинг расмини кўрсатади ёки айрим белгиларини оғзаки тасвирлайди. Тасвирлаш асосида топишмоқларни айтиш машқ қилинади.

Қат-қатгина қатлама,
Ақлинг бўлса ташлама.
(Китоб)

Оқ ер очдим,
Қора буғдой сочдим.
(Дафтар)

Териб хирмон қилган эдим,
Бўлиб кетди тоғ-тоғ гулим.
(Пахта)

«Чўкадими ёки сузадими?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Енгил ва оғир предметлар ҳақида тушунча бериш, болаларда зийраклик қобилиятини ривожлантириш.

Қўлланмалар: Турли хил материаллардан ясалган предметлар (ёғоч, металл, пластмасса), сувли идиш.

Ўйиннинг бориши: Болаларга бир қанча предметлар тарқатилади. Ҳар бир болага турли хил топшириқлар берилади. Предметлар икки гуруҳга ажратилиб, болаларга уларнинг қайси бири чўкиши ва қайси бири суза олишини аниқлаш топширилади. Болалар предметларни галма-гал сувли идишга солиб кўриб, жавобини айтадилар.

Металлар — оғир, чўкади. Ёғоч қайиқча — енгил, у сувда бемалол сузади. Шу тарзда ҳар бир бола ўзини синовдан ўтказади. Логопед болаларнинг тўғри ёки нотўғри жавоб беришини диққат билан кузатиб боради ва сўзларни тўғри талаффуз этишини, уларни бўғинларга тўғри ажратишини назорат қилади.

«Дўкон» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларни предметни таърифлашга, унинг асосий белгиларини аниқлашга ва шу таъриф бўйича предметни топишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар ўйинчоқлар терилган стол ёнига ўтирадилар. Логопед болаларга мурожаат қилади: Боғчамизнинг ёнида янги дўкон очилди. Бир қаранг-а, дўконда қанча чиройли ўйинчоқлар бор. Сиз уни харид қилиб олишингиз мумкин. Аммо ўйинчоқни сотиб олиш учун ўзингизга керакли ўйинчоқни тўғри таърифлаб беришингиз керак. Сизнинг таърифингизга биноан сотувчи уни топиб, сизга сотади.

Логопед биринчи бўлиб ўйинчоқни сотиб оладида, ўйин қоидаларини қандай бажарилишини кўрсатади: «Ўртоқ сотувчи, мен ўйинчоқ сотиб олмоқчиман. У думалоқ, резинкадан ясалган, сакрашни билади, уни болалар севади». Сотувчи олувчига копток узатади. «Раҳмат, жуда чиройли копток экан!» — дейди. Логопед коптокни олиб, стулга ўтиради. Энди сотувчи ўйинга қатнашувчилардан бирортасини ўзи танлаб, унинг номини айтиб чақиради. Номи айтилган бола дўкондан харид қилмоқчи бўлган ўйинчоғини таърифлайди: «Менга эса шундай ўйинчоқни сотингки, у момиққина, малларанг, думи узун ва чиройли бўлсин. Яна шуни ҳам айтиб қуяйки, унинг тумшуғи чўзиқ ва кўзлари айёр!» Сотувчи тулки ўйинчоғини олиб беради. Сотиб олувчи миннатдорчилик билдириб, ўрнига ўтиради.

Ўйин ҳамма қатнашувчилар ўзларига ўйинчоқлар сотиб олгунларигача давом этади. Ўйин давомида сотувчи ролини галма-гал бир неча бола бажариши мумкин. Болалар сотиб олган ўйинчоқлари билан алоҳида шуғулланадилар.

«Ннма ўзгарди?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларда таққослаш, солиштириш қобилиятини шакллантириб бориш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болалар билан биргаликда бирор ўйинчоқ ёки қўғирчоқнинг расмини яхшилаб кузатишади. Шу кузатиш асосида қўғирчоқнинг сочи, рўмоли, кўйлаги, оёқ кийими ва бошқаларнинг рангларини аниқлаб олишади. Кейин болаларга худди шу қўғирчоққа ўхшаган бошқа бир қўғирчоқнинг расми кўрсатилади. Лекин унинг ёқаси, сочи, оёқ кийими ёки бошқа бир белгиси бошқачароқ бўлади. Болалар бу қўғирчоқнинг аввалгисидан нима билан фарқланишини айтиб беришлари керак.

Бу ўйинга болалар жуда қизиқадилар. Унга ҳатто энг эътиборсиз болалар ҳам фаол қатнашадилар. Ўйин давомида бола хатога йўл қўйса ҳамма биргаликда тўғрилайди.

«Ким тез айта олади?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Предмет ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.

Қўлланмалар: Мевалар, сабзавотлар; ўйинчоқлардан: ҳайвонлар, идиш-товоқлар, қўғирчоқнинг кийим-кечаклари; турли хил ўйинчоқ машиналар ва бошқа нарсалар.

Ўйиннинг бориши: Логопед турли расмли карточкаларни столга тескари қилиб қўяди. Логопед қўлига турли расмли карточкаларни олиб, унда нима тасвирлангани, номи ва қаерда ишлаб чиқарилганини айтади. Шундан сўнг болаларнинг ҳар биридан алоҳида-алоҳида сўрай бошлайди. Агар бола тўғри жавоб бера олса, ўйинда ғолиб чиқади. Ғолибларга алоҳида байрокча топширилиши ҳам мумкин. Агар бола карточкадаги номларни нотўғри тушунтирса ёки айта олмаса расм пастга олиб қуйилади. Маълумки, ўйинда ким расмдаги номларни тўғри топа олса, шу бола ўйинда фаол қатнаша олади. Шунинг учун бу ўйинни бошлашдан олдин унга болаларни тайёрлаб бориш керак.

Ўйиннинг иккинчи варианти: Ҳар бир ўйин иштирокчиси биттадан карточка олади. Карточкаларда турли нарсалар тасвирланган (сабзавотлар, ўйинчоқлар, идиш-товоқлар).

Ўйин иштирокчиларидан бири ўз қўлидаги карточкани столга қўяди, кейинги бола эса ўша боланинг карточкасига мазмунан яқин бўлган карточкани танлаб қўяди. Масалан, кийим-кечакларга оид карточкани қўйиши мумкин. Ким шу карточкадаги расмни нотўғри қўйса, шу бола қарздор бўлиб қолади ва ёддан бирорта топишмоқ, шеър ёки ашула айтиб, қарзини узади.

«Ким тез топа олади?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларни тез фикрлашга ўргатиш ҳамда тафаккурини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Ҳар бир ўйинда қатнашувчи ўзига керакли ўйинчоқлар, сабзавотлар, идиш-товоқлар ва бошқаларнинг тасвири чизилган карточкаларни, яъни олти турдаги карточкаларни топади.

Ўйин бошловчиси хоҳлаган бир карточкани ўртага ташлайди. Шундан кейин бошқа бола бошловчи боланинг ишини давом эттириши мумкин. Масалан, биринчи бола олган карточкасининг давомини, шу берилган мавзу асосида топади. Қолган болалар бошқа гуруҳдаги, масалан, сабзавотларга доир карточкаларни олади ва бундай пайтда ўйин иложи борича шу карточкалар асосида давом этади. Кимда-ким бу ўйинда адашиб қолса бошқа гуруҳга ўтиб кетади. Агар топа олмаса, қарз тўлайди.

«Хона бўйлаб саёҳат» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Хонадаги нарса ва предметларнинг номини айтиш, уларни гуруҳлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Гуруҳ болалари тўртта гуруҳчаларга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳ болаларига турли топшириқлар берилади.

1-гуруҳга қоғоздан, 2-гуруҳга пластмассадан, 3-гуруҳга металдан, 4-гуруҳга ёғочдан ишланган нарсаларни хона ичидан излаб топиш буюрилади.

Ҳар бир гуруҳдаги ўйин иштирокчиси топган нарсасининг номини ва унинг нимадан тайёрланганлигини айтади. Ўйин давомида кимда-ким нарсаларнинг номини ва тайёрланишини тез ва батафсил айта олса, шу бола ғолиб ҳисобланади. Ўйин охирида бошқарувчи ғолиб чиққан гуруҳни эълон қилади.

«Биз қандай кийинамиз?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларнинг кийим-кечаклар ҳақидаги билим, малакаларини аниқлаш ва улардан тўғри фойдаланишга ўргатиш.

Қўлланмалар: Болалар кийимлари ёки шу кийимлар тасвирланган расмлар.

Ўйиннинг бориши: Ҳар бир бола болалар кийимларининг номларини айта бошлайди. Логопед болаларнинг сўзларини дикқа

билан кузатиб боради. Чунки бир бола айтган кийимлар номини иккинчи бир бола такрорламаслиги лозим. Масалан: майка, кўйлак, калпоқ, пайпоқ, қўлқоп ва бошқалар. Кийимларнинг номлари айтилганда бу кийим қайси мавсумда кийилиши, ранги, ўғил болаларнинг ёки қиз болаларнинг кийими эканлиги аниқланиб борилади.

«Бу нима?» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларнинг предмет ва нарсалар ҳақидаги билимларини бойитиш.

Ўйиннинг бориши: Маълумки, ҳар бир нарса-предметнинг ўзига хос хусусияти бўлгани каби овози ҳам бўлади. Масалан, тахта тақиллайди, қўнғироқ жиринглайди, қоғоз шилдирайди.

Болалар ўйинда иштирок этаётган нарсанинг товуши орқали унинг номини айтишга ўрганадилар. Бунинг учун логопед айрим нарсаларни болага кўрсатмаган ҳолда унинг овозини чиқаради. Масалан, логопед стакан ёки пиёлага қошиқни солиб тақиллатади, болалар логопеднинг ҳаракати орқали предметларнинг номини айтишга одатланиб борадилар. Ўйин давомида болалар нарсанинг овозини аниқлаётганларида кўзларини юмиб ёки логопедга тескари қараб ўтиришлари мақсадга мувофиқдир.

«Бозорда» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларнинг луғат бойлиги, боғланган нутқи ва муомала маданиятини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Логопед: «Болалар, бугун сизлар билан бозорга бориб сабзавот ва мевалар харид қиламиз. Бирингиз сотувчи қолганлар эса харидорлар бўласиз». Ҳаридор ўзига керакли мева ёки сабзавотни сўрайди, сотувчи эса уни мактаб ранги, мазаси, қаерда ўсиши ҳақида изоҳ бериши керак. Сотувчининг нутқи бўлиши сотаётган нарсасига тўла изоҳ бериши керак. Логопед эса унинг нутқини кузатиб тўғрилаб бориши лозим. Ҳар бир бола сотувчи ва харидор ролини бажаради. Ўйин давомида болалар сабзавот ва меваларни ушлаб, пайпаслаб кўрадилар, бу эса уларнинг қўл моторикаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

«Қўғирчоқнинг уйини безатамиз» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларнинг луғат бойлиги ва нутқини ривожлантириш, майда қўл моторикаси, умумий моторикани ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Залга бир бола кириб, ўйинчоқлардан хат олиб келади. Хатда ўйинчоқлар учун қурилган уйни жиҳозлаш илтимос қилинган. Логопед болалар билан бу илтимосни бажа риш учун нималар керак эканлигини аниқлаб олади ва дўконга боришни таклиф этади. Дўконда болалар уйни безатиш учун мебеллар харид қилади. Ҳар бир бола қандай мебель олишини у қайси хонага ишлатилишини, ранги, шакли, нимадан ясал ганлигини айтади. (Мен диван харид қилдим. У меҳмонхонага қўйилади. Диван юмшоқ, ранги кўк). Ўйин шу тариқа давом этади. Уй ясатилгандан сўнг логопед ким чиройли ва тўғри га пирган бўлса шу болага совға беради. Болаларга бир-бирининг нутқини кузатиб бориш таклиф этилади.

«Нон бизнинг бойлигимиз» шеърий ўйин

Ўйиннинг мақсади: Болаларнинг луғат бойлиги, нутқи, та факкури, хотира ва диққатини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга қарата шундай дейди:

– Болажонлар ноз-неъматларимиз орасида энг азиз нарса нима?

– Тўғри, нон.

– Нон нимадан тайёрланади?

– Тўғри, буғдойдан.

– Буғдой қаерда ўстирилади?

– Тўғри, далада.

– Дехқон боболаримиз баҳордан кузгача меҳнат қилиб бизга буғдой етказиб беради. Буғдойдан ун тайёрланади. Ундан нима лар пиширамиз?

– Тўғри, патир, булочка, лочира, ширинликлар, бўғирсок кулчатой...

– Ҳаммамиз яхши билар эканмиз. Келинглар биргаликда «Ширин кулча ёпамиз» шеърини ўрганамиз.

Ширин кулча ёпамиз,
Дастурхонга тортамиз,
Қаранг қандай мазали,
Ҳам чиройли жиззали.
Шакар, тухум соламиз.
Ширин кулча ёпамиз,
Ҳаммани чақирамиз,
Зўр дастурхон тузалди,

Ширин кулча ейишди,
Бизга раҳмат айтишди.

«Учар қушлар» ўйини

Ўйинннинг мақсади: Болаларга қушлар хақида билим бериш, нутқи, луғатини бойитиш, диққати ва хотирасини, майда қўл моторика ҳаракатларини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Логопед:

– Болажонлар ҳозир олтин куз фасли. Барглар тўкиляпти, шамол эсиб, ёмғир ёғмоқда. Қушлар ҳам ўз инларига учиб киришади. Қани, болалар қушларни номини эслайлик. Тўғри, каптар, мусича, чумчуқ, қалдирғоч, қарға, зағизғон. Қайси қуш иссиқ ўлкаларга учиб кетади?

– Қалдирғоч.

– Қайси қуш қишда учиб келади?

– Қарға.

– Қайси қушлар йил давомида ўлкамизда яшайди?

– Каптар, мусича, чумчуқ, зағизғон.

Болаларга қушларнинг учиш ҳаракати кўрсатилиб, ҳаракатлар бажартирилади. Болалар қўлларини силкитиб, оёқ учида енгил ҳаракат қиладилар.

«Қорбобо» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Боғланган нутқ, сўз бойлигини ривожлантириш, болаларнинг тафаккури, тасаввури, моторика ҳаракатларини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга:

– Болажонлар куз фаслидан кейин қайси фасл келади?

– Тўғри, қиш.

– Қишда биз қайси байрамни нишонлаймиз?

– Янги йил кечасини.

– Янги йилда бизга ким меҳмонга келади?

– Тўғри, қорбобо.

– Қорбобонинг ранги қандай?

– Оппоқ.

– Қорбобо ким билан меҳмонга келади?

– Қорқиз билан.

– Қорбобо ва Қорқиз сизларга қандай совғалар олиб келишини хоҳлайсизлар?

– Чиройли ўйинчоқ, катта машина, кўп ширинликлар, олма, апельсин.

– Келинглар, қорбобога шеър айтиб берамиз.

Арча, арча жон арча,
Япроқлари нинача.
Атрофингда айланиб,
Кўшиқ айтади барча.

– Ким топишмоқ айтади?
Кишин-ёзин бир хил кийимда.

(Арча)

Деразам ортида оппоқ пахта.

(Қор)

Болаларнинг тўғри гапиришлари логопед томонидан кузатиб борилади.

«Сайрда» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Луғат бойлигини ривожлантириш, жумлаларни тўғри гапириш, моторикани ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Логопед:

– Болалар, бугун сиз билан далага сайрга чиқамиз. Далада нималар пишган бўлса териб келамиз. Болалар қўлларига саватчаларни оладилар.

– Қаранглар далада нималар пишибди? Ким нимани узади?

Болалар саватларига помидор, бодринг, сабзи, бақлажон, карам соладилар. Логопед боланинг олган нарсасига қараб унга савол беради.

– Бу сабзавот нимага ишлатилади, унинг ранги, мазаси, шакли қандай?

Бу сабзавотларнинг одам организми учун қандай фойдаси борлиги болаларга тушунтирилади, ўйин савол-жавоб тарзида ўтказилади.

IV БОБ. ДУДУҚЛАНИШНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЙИНЛАР

Дудуқланиш кенг тарқалган нутқ нуқсонидир. Дудуқланиш илк ёшдаги болаларда улар нутқи ва шахсининг энг фаол ривожланиш даврида пайдо бўлади ва кейинчалик боланинг шахс сифатида ривожланишига салбий таъсир этади, ҳаётга, атроф-муҳитга мослашувига тўсқинлик қилади. Дудуқланиш муаммосини нутқ бузилишлари ҳақидаги таълимотнинг ривожланиши тарихида энг қадимийларидан бири, деб ҳисоблаш мумкин. Унинг моҳиятини турлича талқин қилиш фаннинг ривожланиши ва муаллифларнинг бундай нутқ бузилишларига қандай нуқтаи назардан ёндашганликлари ва ёндашаётганлиги даражаси билан боғлиқдир. Мактабгача ёшдаги дудуқланувчи болаларнинг дудуқланишини бартараф этишда ўйиннинг аҳамияти каттадир, чунки боланинг асосий фаолияти ўйин. Ўйин боланинг ақлий ривожланишига, шахс сифатида таркиб топишига унинг нутқи ва мулоқот малакаларини шаклланишига ёрдам беради. Ўйин орқали дудуқланувчини нутқига коррекцион ёндашишнинг самараси беқиёсдир. Логопед машғулотни ташкил қилар экан бола учун қулай бўлган ўйин фаолияти орқали бола билан ўз тенгдошидек мулоқотда бўлади, унинг меҳрини, ишончини қозонади ва уятчанлигини енгиб ўтади. Логопед томонидан ташкил қилинган турли хил ўйин вазиятлари болани ўзини эркин тутишга, эркин нутқий мулоқотга киришишга ва ўзининг нутқий нуқсонини эсидан чиқаришига ёрдам беради. Ўйин ўз-ўзидан боланинг умумий ҳолатига ҳам яхши таъсир қилади ва унинг фикрлаш доирасини кенгайтиради. Буларнинг барчаси эса коррекцион ишнинг самарадорлигини оширади.

Р.Р. Карпухина ўз изланишларида дудуқланувчи болаларнинг шахсий хусусиятларига алоҳида аҳамият берган. Унинг фикрича дудуқланувчи болаларда ўзини бошқара олмаслик, иш юрита олмаслик, одамовилик сезилади.

Кўпчилик педагог ва психологлар ўйинни нутққа таъсир этувчи восита сифатида қарашган. Е.А. Власова логопедик ишларни барча босқичларида расмли ўйинлардан кенг фойдаланишни тавсия этган. В.И. Рождественская ва А.И. Павлованинг (1978) «Дудуқланишни бартараф этиш учун ўйин ва машқлар» тўплами 3–7 ёшли болаларга мўлжалланган бўлиб, ўйин ва машқлар йиғиндисидан иборат. Бу ўйин ва машқлар тонусни

олиб ташлаш, нутқий нафасни ривожлантириш, сўз ва ҳаракатлар координациясини ривожлантириш учун мўлжалланган. И.В. Выготский, Е.Л. Пелленгер, Л.П. Успенскаяларнинг «Болалардаги дудуқланишни ўйин орқали бартараф этиш» китобида дудуқланувчи болалар билан ишлашда қўлланиладиган ҳар хил ўйинлар ва ўйин усуллари келтирилган.

Г.А. Волкова (1972) ўз асарларида дудуқланувчи болаларни шахс хусусиятларини ҳисобга олган.

1-§. Дудуқланишни бартараф этишда ҳаракатли ва дидактик ўйинлар

Дидактик ўйинлар

Дидактик ўйинлар катталар томонидан тузилади, ўзига хос маълум бир мазмун ва қоидаларга эга бўлиб, болаларни юқори даражадаги фаолликка ундайди. Эшитиш ва кўриш қобилиятини, майда қўл маторикасини, тақлидчиликни, ихтиёрий хотирани ривожлантиради.

Аниқ, қоидали ва ҳаракатли дидактик ўйинлар барча дудуқланувчи болаларни бир ҳолатга қўяди, бу эса уларда интизомлиликни тарбиялашга имкон беради. Дидактик ўйинларда логопед нутқи намуна сифатида катта аҳамиятга эга. Логопеднинг нутқи коррекциялаш курсининг бошларида болаларнинг тинч алоқа қилишларига ёрдам беради.

Дудуқланувчи болаларнинг нотўғри нутқи ихтиёрий ва ихтиёрсиз бўлса ҳам ўйин давомида намоён бўлади. Ўз камчилигини билиш, ўз нутқларидан қўрқиш кабилар болаларни ўйин фаолиятига киришишларига қийинчилик туғдиради. Бундай болалар ўйин давомида пассив, кузатувчи бўлиб қатнашадилар ёки умуман қатнашмайдилар. Баъзида эса аксинча, болалар ўйинда фаол иштирок этадилар.

Дидактик ўйинлар орқали бу каби камчиликларни бартараф этиш мумкин. Турли ёшда дидактик ўйинларнинг мазмуни ва қоидаси ўзгариб боради. 5 ёшдаги болалар дидактик ўйинларда предметлар сони ва сифати, уларни ташқи кўриниши бўйича таққослашни ўрганадилар. Бу ёшда «Ким биринчи уйчани қуради?», «Ажойиб халтача», «Доираларни йиғиштир», «Рангли идишлар» каби ўйинлар ўйналади. 6 ёшдаги болалар учун ўйинлар мураккаброқ тусда бўлади, улар «Дўкон», «Жуфтини топ»,

«Расмларни жойлаштир», «Кимга қанча?», «Домино», «Ким нима қиляпти?», «Зоологик лото», «Лего конструктор», «4 чиси ортиқча» каби ўйинлардир. Бу ёшда мусиқали дидактик ўйинлардан фойдаланиш болалар ҳаракат координацияларини ривожлантиради, буларга: «Қайси мусиқа асбоби?», «Овозни қайтар», «Мусиқий садо» кабилар киради.

Дидактик ўйинларда боланинг луғат захираси кенгаяди, нутқнинг грамматик қурилиши, психик жараёнлар ва энг муҳими билиш жараёнлари такомиллашади.

Ушбу ўйинлар дудуқланувчи болаларда суҳбат давомида ўзини тўғри тута билиш, ўз фикрларини кетма-кет, аниқ айтиб бера олиш кўникмаларини шакллантиради.

Расмли дидактик ўйинларда болалар предмет ва ҳодисаларни классификация қиладилар, бу эса уларнинг ақлий фаоллигини оширади.

Дудуқланишни бартараф этишда ҳаракатли ўйинлар

Ўйин мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун энг яқин, энг севимли машғулотдир. Ўйин болалар учун эрмак эмас, балки болаларнинг куч ва қобилиятини ўстиришга ёрдам берадиган муҳим воситадир. Болалар ўйин жараёнида теварак-атрофдаги ҳаёт ва табиат ҳодисалари билан танишадилар, нарсаларнинг ўзига хос хусусиятларини билиб оладилар.

Болалар теварак-атрофдаги кўрган нарсаларини ўйинда ифодалаб, ҳар хил ҳаракатларни бажарадилар, кўрган-билганларини ўзларича фаол талқин қилишга ҳаракат қилиб, пировардида ифодаланаётган нарсаларини яхшироқ тушуниб, билиб оладилар.

Ўйин давомида болалар юрадилар, сакрайдилар, югурадилар, ўрмалайдилар, бирон буюмни ирғитадилар, натижада уларнинг мускуллари ривожланади ва сезги органлари ривожланади, улар организмининг ҳаёт фаолияти янада ўсади.

Болалар ўйин вақтида ўртоқлари билан, катталар билан, ўйинчоқлари билан гаплашадилар, жамоа бўлиб ўйнаганларида ҳар бир боланинг нима иш қилиши кераклигини биргаликда муҳокама қиладилар. Булар болаларнинг нутқ ва фикрлаш қобилиятини ўсишига, савиясининг кенгайишига, хотирасининг мустаҳкамлашига ёрдам беради. Ўйинда боланинг иродаси, ўз ҳаракатларини ўйин қоидасига бўйсундира олиш кўникмаси ўсади, у ўзини қўпол хатти-ҳаракатлар қилишдан тияди, зарур бўлганда

чаққон ҳаракат қилишга (бекиниш, югуриш, тез фикрлар ва оғир аҳволдан қутулиб кета олиш чорасини топишга) ўрганади.

Умуман, болалар жамоа ҳолда ўйинлар ўйнар эканлар, улар бу жараёнда жамоа орасида ўзини қандай тутиш қоидаларини ўрганадилар, уюшқоқлик билан ўйин ўйнаш кўникмаларини ҳосил қиладилар. Ўз зиммаларига тушган ролларни бажаришда катта маъсулиятни ҳис этишга одатланадилар.

Ўйиннинг муҳим хусусияти шундаки, болалар эгаллаб олишлари қийин бўлган билим ва кўникмаларни ўйин орқали осонгина ўзлаштириб оладилар.

Бола фаолияти давомида ўзига завқ уйғотадиган ёркин, оҳангдор нарсалар билан ўйнашга интилади. Бола сезги органлари орқали идрок этган теварак-атрофдаги нарса ва табиат ҳодисалари унинг хотирасида тасаввур тарзида сақланиб қолади. Ўйинга раҳбарлик қилиш дегани ўйинни шунчаки четдан кузатиб туриш ва унга четдан туриб иштирок этиш дегани эмас, албатта. Логопед ўйин хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос йўллар билан раҳбарлик қилиши керак.

Логопед ўйинга раҳбарлик қилиб, ўйин мазмунини бойитади, боланинг ижодий қобилиятини ўстиради, яхши ахлоқий сифатларни тарбиялайди. Шундай қилиб, ўйин болаларни ҳар томонлама ривожлантириш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Ҳар хил гуруҳ ёшидаги болалар билан ўтказилган ўйинлар турли-туман бўлиб, уларнинг бир-биридан фарқи катта. 5—6 ёшли дудуқланувчи болалар билан ўтказиладиган ҳаракатли ўйинларнинг кўпи сюжетли ўйинлар бўлиб, унда болалар муайян бир қоидага (масалан: қуён инидан маълум сигналдан сўнггина чопиб чиқиши мумкинлигига) риоя қилган ҳолда айиқ ёки қуённинг юриши сингари ҳаракатларни бажарадилар. Логопед кўпинча болалар билан биргаликда ўйнаб, уларни ўйин қоидасини бажаришга одатлантиради. Шу билан бир қаторда сюжетсиз ўйинлар ҳам ўтказилади, бунда чопиш, сакраш, мувозанат сақлашни машқлари қилинади. Улар ҳар бир ҳаракатни энди илгаригига қараганда қоидага риоя қилган ҳолда бажарадилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, ҳаракатли ўйин дудуқланувчи болаларнинг ҳаракат қилишига бўлган зарурий эҳтиёжини қондирувчи энг севимли ва қизиқарли фаолиятдир. Дудуқланувчи болалар бино ичида

ҳам, очиқ ҳавода ҳам сайрга чиқишлари мумкин. Ҳаракатли ўйинларни ўтказишда гуруҳ хонаси ёки залдан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун гуруҳ хонасида кўпроқ жой қолдириш: болаларнинг эркинроқ ҳаракат қила олишига имкон яратиш мақсадида столларни хонадан ташқарига олиб чиқиш, қолган мебелларни иложи борича четроққа суриб қўйиш лозим. Тез таъсирланадиган, ҳаддан ташқари ҳаракатчан болалар алоҳида эътиборни талаб қилади, улар билан кам ҳаракатланувчан органларни ҳаракатга келтирадиган ҳаракатли ўйинларни тез-тез ўйнаб туриш зарур.

Қуйида, биз мактабгача тарбия ёшидаги дудуқланувчи болалар учун текширув натижалари таҳлилига асосланиб қуйидаги ҳаракатли ўйинларни тавсия қиламиз.

«Арғимчоқ-арғимчоқ» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Нутқий нафасни меъёрлаштириш, умумий ва нутқий моторикани ривожлантириш, мувозанатни сақлаш.

Ўйиннинг бориши: Болалар жуфт-жуфт бўлиб, қўл ушлашиб, навбати билан ўтириб-турадилар. Ҳаракатга муайян ритм, суръат қўшиш учун шеър айтиш мумкин.

Арғимчоқ, арғимчоқ,
Сенда учсам кўнглим чоқ!

Ўйин иштирокчиларининг ўтириб-туришига, қаддини тўғри тутишига эътибор бериш лозим.

«Дўппини яширма» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Майда қўл моторикасини ривожлантириш, нутқий нафасни ривожлантириш, нутқий моторикани ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар давра қуриб турадилар. Онабоши ўртадан жой олади. Ўйин иштирокчиларига дўппи берилади. Улар дўппини онабошига билдирмаган ҳолда бир-бирига оширадилар. Онабоши дўппи кимнинг қўлида эканлигини кўрмай туриб, топиши керак. Топса улар ўрин алмашадилар.

Иштирокчилар дўппини бир-бирларига ошириш вақтини онабоши қуйидаги сўзлар билан белгилаши мумкин:

Кўрдим-кўрдим,
Кўзларингни қочирма!
Топдим-топдим,
Зар дўппингни яширма!

«Қизиқчилар» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Умумий ва майда қўл моторикасини ривожлантириш, ҳаракатларни фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалардан бири қизиқчи этиб тайинланади. У давра ўртасида туради. Қолган болалар қўл ушлашиб, доира бўйлаб юрадилар ва

Доира бўйлаб
Кетма-кет
Борамиз қадам, бақадам,
Жойингизда тўхтангиз,
Биргаликда ҳаммамиз,
Мана бундай қиламиз.

дейишади. Болалар тўхтаб, қўлларини туширадилар. Қизиқчи бирор ҳаракатни қилиб кўрсатади, қолган ҳамма болалар бу ҳаракатни такрорлайдилар. Ўйин 2–3 марта такрорланади, қизиқчи ўз ўрнига ўйинчилардан бирини тайинлайди, сўнгра ўйин яна давом эттирилади. Қизиқчилар бир хил ҳаракатни такрорламай, балки хилма-хил ҳаракатларни бажариши керак.

«Акс-садо» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Мушаклар тонусини фаоллаштириш, умумий ва нутқий моторикани ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларни икки гуруҳга бўлади. Биринчи гуруҳ қуйидаги шеърни айтади:

Биз ўрмонга борамиз,
Қўзиқорин терамиз.
Бақириб чақирамиз АУ! АУ! АУ!
Ҳеч жавоб келмас бизга
Акс-садо келар бизга.

Иккинчи гуруҳ эса паст овозда АУ! АУ! АУ! деб жавоб беради. Кейин болалар жойларини алмаштиришади. Ўйин давомида болалар паст ва баланд овозда гапиришга ўргатиб борилади.

«Арра» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Нутқий нафасни меъёрлаштириш, умумий, майда қўл моторикасини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар иккитадан бўлиб, ўнг қўлларини ушлашади ва ўтин арралашга тақлид қилишади.

Арра, арра, аррала,
Ари каби гувилла.
Арра, арра, аррала,
Тезроқ аррала яна.

Ўйин давомида болалар ўрин алмашадилар. Арралаш ҳаракатларини бажарадилар, бунда болаларниниг майда қўл моторикалари ва умумий моторикалари ривожлантирилади.

«Жимжитлик» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Эркин ҳаракатларни таъминлаш, умумий моторикани ривожлантириш, ўз-ўзини бошқаришни шакллантириш.

Ўйиннинг бориши: Бошловчи девор олдида туради, болалар эса рўпарадаги девор олдида туришади. Болалар эҳтиёткорлик билан бошловчининг олдига етиб келишлари керак. Болалар эҳтиётсизлик билан ҳаракат қилсалар, бошловчи огоҳлантириш беради ва бола тўхтайди. Бошловчининг олдига қайси бола биринчи бўлиб етиб келса ўша бола ғолиб саналади ва ўша бола бошловчи бўлади.

«Копток» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Умумий моторикани ровожлантириш, ҳаракатларни фаоллаштириш, майда қўл моторикасини мустаҳкамлаш.

Ўйиннинг бориши: Болалар айлана шаклида туриб, копток ўйнайдилар.

Баланд-баланд учгин, (тўпни юқорига отадилар)
Юза бўйлаб сен чопгин. (тўпни полга отадилар)
Чаққон бўлиб сакрагин, (тўпни полга урадилар)
Шўхлик қилиб яйрагин. (тўпни бир-бирига оширадилар)

Ўйин давомида болалар ҳаракат билан бирга сўзларни талаффуз этиб борадилар. Логопед эса болаларнинг нутқи ва ҳаракатининг тўғри бажарилишини кузатиб боради, керак бўлганда хатолар тузатилади.

«Қувноқ ғозлар» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Умумий, нутқий, майда қўл моторикасини ривожлантириш, ҳаракатларни эркинлаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар ғозлар ҳаракатини ифода этишади. Логопед «буви» вазифасини бажариб, ғозларни майдончага чақиради. Болалар ғозлар юришига тақлид қилиб, логопед томон юришади.

Логопед: *Ғозларжон, ғозларжон,*
Қорнингиз очдими?
Кечикмасдан келингиз,
Таомингиз ейингиз.

«Учди, чопди, сакради» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларда сўзларни тўғри талаффуз этишга, сўзларда товушларни мустаҳкамлашга, бир жойда туриб турли қўл ва оёқ ҳаракатларини бажаришга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар доира шаклида тизиладилар. Доира ўртасида онабоши ўйинни бошқариб туради. Онабоши ўйинчиларга қарата «чумчуқ» деса, қатнашувчилар «учди-учди» деб қўлларини икки томонга қарата силкитадилар. Онабоши «қуёнча» деса, болалар «сакради-сакради» деб, қуённинг ҳаракатига тақлид қилиб сакрайдилар. Ўйин шу тариқа қушлар ва ҳайвонлар ҳаракатига тақлид қилиб ўйналади. Ҳаракатларни ва сўзларни нотўғри бажарган ва талаффуз этган бола ўйиндан чиқади. Логопед болалар қуш ва ҳайвонларнинг овозларига тўғри тақлид қилишини, ҳаракатларни аниқ ва чиройли бажаришини кузатиб бориши лозим.

«Боғлам» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Ўйин жараёнида сўзларни тўғри, аниқ талаффуз этишга, ўзгалар нутқини тинглашга, болаларни чалғимасликка, қўл мускулларини ривожлантиришга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар икки гуруҳга бўлинадилар, қарама-қарши томонга қўл ушлашиб турадилар. Бир томон савол беради, иккинчи томон жавоб беради.

Саволлар:	**Жавоблар:**
1. Қуён қайда?	Ола-тоғда.
2. Нима ейди?	Сабзи ейди.
3. Тугунингиз қани?	Аравада.
4. Арава қани?	Арава йўлда.

Болалар савол-жавоблар тугаганидан сўнг қўлларини яъни боғламларини ечадилар. Жавоб бера олмаган бола ўйинда ютқазади.

Методик кўрсатма. Логопед болаларнинг сўзларни тўғри талаффуз этиш, ҳаракатларни тўғри бажаришларини кузатиб боради.

Мактабгача ёшдаги дудуқланувчи болаларда турли даражада ифода топган ҳаракат камчиликлари, шунингдек, қўл бармоқларини ҳаракатлантиришдаги камчиликлар кузатилади. Хусусан, текширувлар асосида қуйидагиларни аниқладик: агар майда қўл моторикаси ҳаракатарининг ривожланиши ёшига мос бўлса, нутқини ривожланиши ҳам меъёр даражасида бўлади. Бармоқлар ёрдамида турли машқларни бажариб бориб, бола қўллари ҳаракатларининг яхши ривожланишига эришилади. Бу эса боладаги дудуқланишга ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, балки болани расм чизиш ва ёзиш малакасини ўзлаштиришга тайёрлаб боради. Қўл панжалари ҳаракатчан, эгилувчан бўлиб боради, ҳаракатларнинг чеклангланлиги барҳам топади.

Биз тавсиямизда икки турдаги топшириқларни келтирамиз:

1. Бармоқлар билан ишлаш;
2. Саноқ ёки гугурт чўплари билан ишлаш.

1-турда турли ашёлар, ҳайвонлар ва қушларни ифодаловчи шакллар танлаб олинган. Ҳар бир шаклга аталган шеър ва суратлар ҳам мавжуд. Ҳар бир машқни бажаришда барча бармоқларнинг иштирок этишига интилиш зарур, машқларни ҳам ўнг қўлда, ҳам чап қўлда бажариш лозим.

Шеърлар билан тўлдириб бориладиган **2-турда** саноқ ёки гугурт чўплари ёрдамида ифодаланадиган буюмлар ва тасвирлардан фойдаланилади. Дастлаб геометрик шакллар билан танишиб олинади ва барча тасвирлар ана шу шакллар асосида кўрилганлиги кўрсатилади. Бу тасвирларнинг шеърлар билан тўлдириб борилиши дудуқланувчи болаларни дудуқланишини бартараф этиш билан бирга болада кўриш ва эшитиш хотирасини ҳам мустаҳкамлашга қаратилган.

2-§. Тўғри нафасни ривожлантиришга қаратилган ўйинлар

Нафас чиқариш жараёнида ҳаво оқими бир вақтнинг ўзида товуш ҳосил қилувчи ва артикуляцион вазифани бажаради.

Тўғри нутқий нафасни назорат қилишда қўлимиз ёрдамчи вазифасида бўлади. Қўлни диафрагма қисмига, яъни кўкрак қафаси ва қорин оралиғи қисмига қўйилади. Нафас олганда

қорин девори кўтарилади, кўкрак қафасининг пастки қисми кенгаяди. Нафас чиқарганда кўкрак қафаси ва қорин мушаклари қисқаради.

Нутқда нафас олиш қисқа ва енгил, нафас чиқариш узоқ, давомий бўлади. Дудуқланувчи болаларга бир нафасда нафаснинг давомийлигини тўхтатмасдан гапириш ўргатилади. Кейинги фикрни баён қилишдан аввал маълум муддат (1-2 дақиқа пауза қилади) гапирмаслик тавсия этилади. Топшириқлар аста-секин мураккаблашади: нутқий нафас чиқариш аввал маълум бир товушлар орқали, сўнгра сўзлар, қисқа жумлалар, шеърлар айтиш орқали машқ қилинади.

«Қайсар шамни ўчир» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларни тўғри нафас олиш ва нафас чиқаришга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар ўнг қўлда шам шаклида рангли қоғозларни ушлайдилар. Чап қўлни нутқий нафасни тўғрилигини назорат қилиш учун корин устига қўядилар. Оғиз билан секин, сезиларсиз нафас олинади. Шу пайт қорин шишгани сезилади, шундан сўнг секин нафас чиқариб шамларни ўчирамиз «пуф-пуф» товуши талаффуз қилинади. Болаларга нафас олганларида елкаларини кўтармасликлари, нафас чиқарганда эса лунжларини ширмаслиги керакли тушунтирилади. Логопед болалардан қайси бири тўғри бажарганини таъкидлаб ўтади ва рағбатлантиради.

«Айиқча ҳарфларни ўрганяпти» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Товушларни талаффуз этишда тўғри нафас кўникмасини ҳосил қилиш.

Ўйиннинг бориши: Логопеднинг чап қўлида ҳарфлар тўплами (унли товушлар белгилари), ўнг қўлида эса айиқчани ушлаб туради. Болалар стулда тинч ўтирадилар. Логопед ҳар бир товуш артикуляция ҳолатини тушунтириб, ҳарфларни кўрсатади.

Айиқча ҳар бир товушни гоҳ ингичка, гоҳ йўғон товушда талаффуз қилади. Болалар товушларни бирма-бир паст ва баланд овозда талаффуз қиладилар.

Бу ўйинда роллар тақсимланади. Бир вақтнинг ўзида иккита унли товушни бир нафасда талаффуз қилиш машқ қилинади, масалан: «а-э, а-у, а-ў» ва ҳоказо.

«Ўйин — топишмоқ»

Ўйиннинг мақсади: Тўғри нафас олиш ва чиқаришга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед бир-иккита унли товушлар артикуляциясини товушсиз кўрсатиб беради, болалар эса унга овоз берадилар. Логопед товушни тўғри топган, узоқ нафас чиқариб талаффуз қилган болаларни рағбатлантиради. Шунга ўхшаш топишмоқларни болаларнинг ўзлари ҳам айтиб кўрадилар. Бу ўйинни «овозсиз кино» ёки «йўқолган товуш» деб номлаш ҳам мумкин.

«Ғилдирак тешилди» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тўғри нафас кўникмаларини шакллантириш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга қарата шундай дейди. Болалар енгил нафас олиб, секин нафас чиқарамиз, тешилган ғилдирак шинасидан ҳаво аста-секин («Ш» товуши билан) чиқади (қўл билан қорин қисмини ушлаб, ҳаво билан тўлганини бола сезиши лозим).

«Тўғри танла» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Товушларни узоқ ва аниқ талаффуз этишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга турли ҳайвон ва қушларнинг ролларини тақсимлаб беради. Болалар бошловчидан маълум бир ҳайвоннинг номини эшитгач, секин нафас чиқариб шу ҳайвонга мос овоз чиқаради. Ўйинда бошловчи иштирокчиларни чалғитиши мумкин: масалан, ҳайвоннинг номини айтиб, умуман бошқа роль ўйнаётган болага қараши мумкин, бу ҳолат болалар учун қизиқарли бўлади. 6—10 машқлардан кейин нафас қўл билан назорат қилинмайди. Болалар диққати унли, ундош товушларни аниқ ва узоқ талаффуз қилишга қаратилади.

«Найча» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тўғри нафас олиш ва чиқариш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар қўлларини найча ҳолида ушлаб, найчага пуфлайдилар, бунда болаларнинг тўғри нафас олиб, нафас чиқаришлари логопед томонидан назорат қилинади. Логопед найчага узоқ пуфлаган болаларни рағбатлантиради.

«Қўнғиз» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тўғри нафас олиш ва чиқариш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар ўтирган ҳолда, қўллар пастга туширилган. Логопед болаларга қўлларни ён томонга кўтариб орқага олиб боришни таклиф қилади, нафас олинади. Нафас чиқарганда қўнғиз қандай овоз чиқаради, «ж-ж», худди шундай овоз чиқарамиз, қўлларни пастга туширамиз. Тўғри бажарган бола рағбатлантирилади.

«Болта» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тўғри нафас олиш ва чиқариш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар турган ҳолда, оёқлар елка кенглигида, қўлларини пастга занжир ҳолда бирлаштирамиз, қўлларни тез кўтарамиз нафас олиб, сўнг олдинга энгашиб қўлларни секин туширамиз, «уҳ» деб узоқ нафас чиқарамиз.

«Қарға» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тўғри нафас олиш ва чиқариш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар ўтирган ҳолда қўллари пастга туширилади, ён томондан қўлларни аста-секин тепага кўтарамиз (нафас олиб), нафас чиқариш давомида қўлларни секин тушурамиз ва «қар-вар» деб талаффуз этамиз.

3-§. Сукут сақлашга қаратилган ўйинлар

Болаларда дудуқланишни бартараф этишда сукут сақлаш тартиби катта аҳамиятга эга. Ушбу тартибда:

– нутқий мулоқот чекланади;

– сукут сақлаш ўйинлари ташкил этилади.

Дудуқланиш нутқ камчилигида логопедик машғулотлар одатда сукут сақлаш тартибидан бошланади. Дудуқланувчи бола учун сайр, кундузги уйқу, тинч ўйинлардан иборат бўлган кун тартиби бўлиши керак. Сукут сақлаш тартиби даврида оилада тинч муҳит яратилиб, болани ҳар қандай мулоқотдан сақлаш мақсадга мувофиқдир.

Бундай тартиб мактабгача ёшдаги боланинг асаб фаолиятини тинчлантиришга самарали таъсир кўрсатади.

Сукут сақлаш даврида болаларни кино, театрга, турли байрамларга, меҳмонга олиб боришлар чекланади. Телевизор кўриш ҳам боланинг асаб фаолиятини зўриқтиради, дудуқланишни кучайтиради. Болаларни тинч ўйинларга, расм чизиш, қуриш ясаш, пластилиндан нарса ясаш, майда қўл маторикасини ривожлантирувчи мозаика, домино ўйинларига жалб қилиш лозим бўлади.

Шуни эсда тутиш лозим, катталарнинг тўғри нутқи бола учун намунадир. Бола катталарнинг нутқига, ҳаракатларига тақлид қилиб худди шундай гапиришга ҳаракат қилади. Уй шароитида ота-оналар ўз нутқларига эътиборлироқ бўлиб, бола билан мулоқотда бўлганда секин ва паст оҳангда сўзлашишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ота-оналар болалар билан мулоқотга киришишлари ўйин тарзида бўлиши самарали кечади, масалан: сукут сақлаш ўйини, бу ўйиндан асосий мақсад жим туриш, агар бола гапириб юборса, ўйин қоидаси бузилади. Бу асосий шартни бажарилиши катталар томонидан рағбатлантирилади.

Сукут сақлаш тартиби 10—14 кунгача олиб борилади, албатта бола нутқининг ҳолати ҳисобга олинади. Бу даврда бола жуда кам гапириши, икки-учта сўзлардан фойдаланиши керак. Бола кўпинча ўйнаётган пайтда ўз-ўзи билан гаплашади, агар бола хотиржам, ўйинчоқлари билан тинч гаплашса, сукут сақлаш тартиби бузилган ҳисобланмайди, лекин бола ўз нутқини кўп ҳолларда бошқара олмайди, бундай ҳолларда, катталар болаларни бошқа тинч ўйинларга чалғитишлари керак бўлади.

Сукут сақлаш ўйинларини логопед тавсия этади, ота-оналар эса ушбу ўйинларни бола билан уйда олиб борадилар.

«Сукут сақлашни биламиз» ўйини

Ўйиннинг мақсади. Болани сукут сақлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болага кўринадиган жойга катта соат қўйилади (агар қум соат бўлса бола учун қизиқарли бўлади). Логопед болага қарата шундай дейди, «тилимиз жуда кўп ҳаракат қилибди, у чарчади ва энди жим бўлиши керак». Болага маълум вақтгача жимликни сақлаш тушунтирилади. Ким биринчи гапириб юборса, шу бола ўйинчоқ бериши лозим бўлади. Бу ўйин учун маълум вақт берилади, шу вақтда бола расм чизади, лойдан нарса ясайди. Ютқазган бола онасига ўзининг севимли ўйинчоғини беради.

«Сахий сеҳргар ухлаяпти» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болани сукут сақлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Ўйин шарти эртак кўринишида бўлади: «Сахий сеҳргар одамлар учун жуда кўп меҳнат қилди, чиройли уйлар қурди, далаларга нарсалар экди ва чарчаб ухлаб қолди, шунинг учун одамлар жимликни, осойишталикни сақлаяптилар, ҳеч ким гаплашмаяпти, машиналар сигнал чалмаяпти, сен ҳам уни уйғотмай, жимгина ўйнагин, кубиклардан шаҳар қургин, альбомга шу сеҳргарнинг расмини чизгин», болани рағбатлантириш учун (олдиндан чиройли безатилган) «Сеҳрли таёқча» берилади. Болага мурожаат қилинганида у «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб қайтариши тушунтирилади.

«Кинода» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болани сукут сақлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болага тушунтиради. Сен жуда яхши боласан, сен барча айтилган вазифаларни бажаришга ҳаракат қилаяпсан. Шунинг учун биз сен билан кино ўйинини ўйнаймиз. Ҳозир сен билан кинога борамиз. Томоша залида тинч ўтириш, гаплашмаслик, бошқаларга халақит бермаслик керак. Сен ҳам кино тугагунча жим ўтиришга ҳаракат қилишинг керак. Бу пайтда бола ўз ўйинчоғи, қўғирчоғига ўзининг альбоми, китобларини кўрсатади, ўйиндан сўнг бола рағбатлантирилади.

4-§. Майда қўл маторикасини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар

Нутқ нуқсонига эга болаларни ўрганиш жараёни шу нарсани кўрсатадики, нутқ ва тафаккур қанчалик бир-бирига боғлиқ бўлса нутқ ва ҳаракат ўртасида ҳам чамбарчас боғлиқлик мавжуд. Боланинг нутқни ўзлаштириши унинг ҳаттиҳаракатларини англаш, режалаштириш ва тартибга солишга имкон беради. Нутқ нуқсонлари қанчалик оғир даражада намоён бўлса, боланинг ҳаракатида шунчалик қўпол бузилишлар кузатилади. Қўл ва бармоқлар иштирокларидаги ўйинлар ва машқлар тана ва онгнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди, мия тизимини зарур ҳолатда тутиб туради. Қўлнинг оддий ҳаракатлари нафақат қўлнинг балки юз, лаб зўриқишларини сусайтиришга, ақлий камчиликларнинг олдини олишга, товуш

талаффузини яхшилашга ёрдам беради. Бармоқларнинг майда ҳаракатлари бўғинлар артикуляциясига ўзига хос таъсир этади. Бармоқлар ривожланиши эвазига мияда нутқнинг равон бўлиши кузатилади.

Болалар нутқининг ривожланиши майда қўл моторикаси ҳолати билан узвий боғлиқ. Болаларда қўл бармоқларини машқ қилдириш, уларнинг ақлий ривожланишини тезлаштиради ва асосий элементлар малакаларини ишлаб чиқишига имкон туғдиради. Масалан, кийиниш ва ечиниш, тугма қадаш ва ечиш. Товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этишда бармоқ машқларидан фойдаланиш болага комплекс ёндашишга имкон беради. Бармоқ машқларининг нутқ иштирокида бажарилиши эса кўникмаларнинг шаклланишига ва мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Бармоқлар ҳаракатини ўйинлар асосида ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Болаларда бармоқлар машқи қанчалик ривожланган бўлса, нутқ ҳам шунчалик ривожланган бўлади. М.М. Кольцова «Нутқ – бармоқларнинг шаклланиши қўлдан, яна ҳам аниқроғи бармоқлардан келадиган импульслар таъсирида юзага келади» деган хулосага келган. Нутқнинг ҳаракат билан боғлиқ жиҳатларида ортда қолиши содир бўлган жойларда бу омилдан унумли фойдаланиш зарур. Болалар нутқини ривожлантиришни қўл бармоқларини машқ қилдириш йўли билан олиб бориш тавсия этилади. Умумий ва майда моторикани ривожлантириш учун болаларнинг эҳтиёжларини ва ёшини ҳисобга олиб машқлар бажариш тавсия қилиниши керак. Мактабгача ёшдаги нутқ нуқсонига эга бўлган болаларнинг барчасида ҳаракат соҳасида маълум миқдорда орқада қолиш мавжуд. Ҳаракатларнинг у ёки бу даражада ривожланмаганлиги ёки чегараланганлиги нутқ нуқсонининг оғир ёки енгил даражасига боғлиқ. Нутқ нуқсонлари қанчалик оғир даражада намоён бўлса боланинг ҳаракат соҳасида шунчалик қўпол бузилишлар кузатилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича қўл ва бармоқлар иштирокидаги ўйинлар тана ва онгнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди. Бармоқларнинг майда ҳаракатлари бўғинлар артикуляциясига ўзига хос таъсир этади. Қуйида биз нутқида камчилиги бўлган болалар билан олиб бориладиган бармоқлар машқини келтирдик.

Кўзойнак

Бувим кўзойнак тақиб,
Оппоғим, дер менга боқиб.



Ўнг ва чап қўлнинг бош бармоқларини букиб, қолган бармоқлар билан доира шаклиги келтиради. Иккала қўлни кўзга олиб келиб, мўралаб қаралади.

Мушук

Бароқвойнинг қулоғи динг,
Пойлар сичқонбой йўлин.

Ўрта ва номсиз бармоқ бош бармоққа тиралади. Кўрсаткич бармоқ ва жимжилоқ юқори кўтарилади.

Эчки

Учли эчкининг шохи,
Сузмоқчи бўлар гоҳи.

Кафтининг ички томони пастга қаратилиб, кўрсаткич бармоқ ва жимжилоқ олдинга узатилади.

Капалак

Капалагим, капалак,
Қучгил осмону фалак.
Сакрайвер гудан-гулга
Рақсинг ёқар кўнгилга.

Иккала қўлнинг билаклари туташтирилиб, кафтнинг орқа томони бир-бирига ёпиштирилади.

Бармоқлар тўғри узатилган. Бу қўнган капалак шакли. Кафтлар тўғри ва таранг. Бармоқларни букланмаган ҳолда, қўлни билаклар орқали ҳаракатлантириб, учаётган капалак ҳаракатига тақлид қилинади.

Кучук

Кучугим бор — узун тумшуқ,
Ола бўйин, ола қуйруқ.

Ўнг қўл кафтини очиб туриб, бош бармоқ юқори кўтарилади. Кўрсаткич, ўрта ва номсиз бармоқлар ёпишиб туради. Жимжилоқ эса, пастга, тепага ҳаракатланиб туради.

Пуфак

Пуфагим семир,
Ҳавони симир.
Майли, кўп шошма,
Ёрилма, тошма.



Иккала қўлнинг бармоқ учларини бир-бирига бирлаштириб, кафтимиздан аввал кичикроқ, кейин катта «пуфак» ҳосил қиламиз. Пуфакдан «ҳаво чиқиб кетса» яна кафтимизни аввалги ҳолига келтирамиз.

Гул

Ғунча, ғунча, тез бўртгил,
Сендан очилар зўр гул.

Иккала қўл бармоқ учлари жипслаштирилади. Кафтлар бироз букилган. Бу «ғунча» шакли. Кафтларнинг пастки қисми бир-бирига жипслаштирилиб, бармоқлар бироз букланган ҳолда, доира шаклида кенг очилади. Шунда очилиб турган «гул» ҳосил бўлади.

Узук

Узугим бор думалоқ,
Тилла каби ялтироқ.
Уни бермам бировга,
Чунки онамдан совға.

Бош ва ўрта бармоқлар ҳалқа қилиб бирлаштирилади, қолганлари эркин қўйилади.

Қуён

Оқ қуён, оппоқ қуён,
Қарайди у ён бу ён.
Дикир-дикир сакрайди,
Уйчасида ўйнайди.

Тирсакни столга тираб, кўрсаткич ва ўрта бармоқни айри қиламиз, қолган бармоқлар мушт қилиб турилади.

Ари

Ширинликка ўч бўлади арилар,
Чиқмасин деб юрдим ундан нарилар.

Ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғини олдинга чўзилган ҳолда айлантириб, олдинга ҳаракатлантирамиз, кейин худди шу ҳаракат чап қўл билан бажарилади.

Қулф

Бармоқлар чирмашар-у, қулф бўлади,
Яна бир бор қайтарсак, зўр бўлади.

Кафтлар бир-бирига жипслашиб, бармоқлар чирмаштирилади. Очиб-ёпиб турилади.

Арча

Бармоқларни чирмаштирсак,
Кўтарилса бир оз тирсак.
Бўлади тайёр арча,
Байрамга келсин барча.

Кафтларни бурчак остида тутиб, иккала қўлнинг бармоқлари ўзаро чирмаштирилади. Бунда бармоқларни олдинга йўналтирилиб, тирсакларни биқинга ёпиштирмасдан кўтариб туриш лозим.

Ғоз

Бўйин чўзиб «ғо-ғо»лар,
Сени чўқишни хоҳлар.

Тирсакни тик тутиб, кафт бармоқлари тўғри бурчак шаклида букилади. Кўрсаткич бармоқ бош бармоққа тегиб туради. Бармоқлар жипслашган.

Хўроз

Гердайиб турар хўроз,
Дер овозим мунча соз!

Кафтни кўтариб кўрсаткич бармоқни бош бармоққа тиркаймиз. Бошқа бармоқларни юқорига кўтариб, оралариии очиқ қолдирамиз.

Товуқ

Товуқ келар лапанглаб,
Тухум қўйдим қаранглар!

Кафт горизонтал ҳолатда бўлади. Бош ва кўрсаткич бармоқ учлари жипслашиб, кўз шаклини ҳосил қилади. Қолган бармоқлар устма-уст туради.

Ари

Ширинликка ўч бўлади арилар,
Чақмасин деб юрдим ундан нарилаб!

Ўрта бармоқни тўлиқ буклаб, ундан юқорироқ букилган кўрсаткич ва номсиз бармоқ орасида қисиб туриб, айлантирамиз.

Тойчоқ

Тойчоқ ёли селкиллаб,
Ўйнар ерни тепкилаб.

Ўнг кафт овчи қилиб бармоқлари ташқарисига қаратилади. Бош бармоқ тик кўтарилган. Чап кафтни унинг устига қўйиб, бармоқлар билан ёл шакли ҳосил қилинади. Бош бармоқ тик кўтарилади. Иккала бош бармоқ қулоқни ифодалайди.

Фил

Фил турар бўлиб тоғдай,
Супрақулоқ, ҳартум сурнай.
Силкитиб у бошини,
Чорлар қон-қардошини!

Кафтни ўзимизга қаратиб, ўрта бармоқни пастга букамиз. У бир ёқдан жимжилоқ ва номсиз бармоқлар бошқа ёқдан кўрсаткич ва бош бармоқлар билан қисилган. Ўрта бармоқ қимирлатилади.

Дарахт

Дарахтнинг шохи қани?
Шохда бутоғи қани?
Бутоқларда ям-яшил
Гўзал япроғи қани?

Қўлнинг орқа томонлари жипслаштирилиб, бармоқлар очиқ ҳолда тепага қаратилади. Панжалар ва бармоқлар қимирлатилади.

Қушча

Бош бармоқлар бош бўлсин,
Кафтлар қўш қанот бўлсин.

Кафтларни ўзимизга қаратиб, бош бармоқларни бир-бирига чирмаштирамиз, бош бармоқлар қуш боши, қолганлари ёйиқ ҳолда қанот ҳосил қилади. Уларни силкитамиз.

Хаскаш

Дарахт тўкар баргини,
Хаскашда йиғай уни.

Қўлларнинг кафтларини ўзига қаратиб, бармоқлар ички томондан чирмаштирилади.

Кема

Кема денгизда борар,
Тўлқинларни қирқ ёрар.

Иккала кафтни жипслаштириб, жимжилоқлар бирлаштирилади. Бош бармоқлар эса юқорига кўтариб турилади.

Қулф

Бармоқлар чирмашар-у,
Қулф бўлади.
Яна бир бор қайтарсак,
Зўр бўлади.

Кафтлар бир-бирига жипслашиб, бармоқлар чирмаштирилади. Очиб-ёпиб турилади.

Сичқон

Сичқон қоғоз шитирлатар,
Тишларини қимирлатар.

Ўрта ва номсиз бармоқлар бош бармоққа тиралади. Кўрсаткич бармоқ ва жимжилоқ эгилтирилиб, кўрсаткич ва ўрта бармоқ устига жипслаштирилади.

Чўплардан шакл ясаш

Кубик

Тенг томонли қутидир кубик,
Қирралари тўппа-тўғри, тик.



Кўзойнак

Ўқишда беради ёрдам беминнат,
Ёзиш чизиш, тўқишда қилади хизмат.



Тегирмон

Тегирмон парраги айланади,
Ун қопларга жойланади.



Балиқ

Сув ичида сузишар,
Бир-биридан ўзишар.



Арча

Ўрмонда ўсар арча,
Япроқлари нинача.

Каравотча

Каравот бор ётоқда,
Чорлайди, ётар чоқда.



Курси

Курсида ўтираман,
Ўтириб ўй сураман.



Ракета

Ракета фазони ёриб учади,
Фазогир юлдузлар сари кўчади.

Елканли кема

Кема ясай – елкани бор,
Саёҳатга турсин тайёр.



Телевизор

– Нега бўлиб қолдинг жим?
– Бошланди-да мультфильм.

Чана

Чана учсам, қорда елар,
Учган сари, учгим келар.



Белкурак

Белкуракда қум қазидим,
Машинамни тўлғаздим



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Герасимова А., Кузнецова В. Школа раннего развития. – С-Петербург, Москва, 2003.

2. Джеки Силберг. 300 трёхминутных развивающих игр для детей от 2 до 5 лет. – Минск, 2005.

3. Игры в логопедической работе с детьми. Пособие для логопедов и воспитателей детских садов/под редакцией В.И. Селеверстова. – М., 1981.

4. Лопухина И.С. Логопедия. Звуки, буквы и слова. – С-Петербург, 1998.

5. Мўминова Л.Р., Нуркелдиева Д.А. 5–7 ёшли болаларнинг мактаб таълимига тайёрлигини текшириш дастури. – Тошкент, 1996 й.

6. Максакова А.И., Тумакова Г.А. Учите, играя. – М., 1979.

7. Нуркелдиева Д.А., Чичерина Я.Е. Илк мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларни психологик, педагогик ва логопедик текшириш. Методик қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2007 й.

8. Скворцова И.В. Логопедические игры. – С-Петербург, 2004.

9. Смирнова Л.Н. Логопедия. Играем со звуками. Речевой дидактический материал. Пособие для логопедов, дефектологов и воспитателей. – М., 2004.

10. Успенская Л.П., Успенский М.Б. Учись говорить правильно. Книга для учащихся в двух частях. – М., 1992.

11. Франкеберг Л.И., Белова Е.М. Развитие речи в специализированном детском саду. – Ташкент, 1986.

12. Хватцев М.Е. Логопедия. Работа с дошкольниками. – С-Петербург, 1996.

13. Шодиева К. «Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тўғри талаффузга ўргатиш». – Тошкент, 1995 й.

14. Усова А.П. «Роль игры в воспитании детей». – Москва, 1976 йил.

Мундарижа

Сўз боши 3
I БОБ. БОЛАЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ЛОГОПЕДИК КОРРЕКЦИОН ИШЛАРДА ЎЙИННИНГ АҲАМИЯТИ 6
1-§. Ўйин ва уларнинг турлари 6
2-§. Миллий ўйинлар орқали мактабгача ёшдаги болаларда миллий ғурурнинг шаклланиши. 19
II БОБ. ТАЙЁРЛОВ ЎЙИНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ 25
1-§. Тўғри нафасни ривожлантиришга қаратилган ўйинлар 25
2-§. Овозни ривожлантиришга оид ўйинлар. 28
3-§. Эшитув диққатини ривожлантиришга оид ўйинлар 31
4-§. Фонематик идрок ва нутқ эшитувини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар 34
5-§. Нутқ эшитишни ривожлантиришга қаратилган ўйинлар. . . 38
6-§. Нутқ аппаратининг ҳаракатчанлигини ривожлантиришга оид ўйинлар 39
III БОБ. ТОВУШЛАРНИ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЙИНЛАР. 44
1-§. Сирғалувчи товушларни нутққа қўйиш,мустаҳкамлашга оид ўйинлар 44
2-§. «З» товушини тўғри талаффуз этишгақаратилган ўйинлар. . . 46
3-§. Шовқинли товушларни нутққа кўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга оид ўйинлар 49
4-§. Сонор товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга оид ўйинлар 53
5-§. Тил орқа товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга оид ўйинлар 58
6-§. Товушлардаги камчиликларни бартараф этишда қўлланиладиган тез айтиш, чорлашма, топишмоқ ва шеърлардан фойдаланиш 61
7-§. Нутқ ўстиришга оид ўйинлар. 73
IV БОБ. ДУДУҚЛАНИШНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЙИНЛАР. 87
1-§. Дудукланишни бартараф этишда ҳаракатли ва дидактик ўйинлар. 88
2-§. Тўғри нафасни ривожлантиришга қаратилган ўйинлар 95
3-§. Сукут сақлашга қаратилган ўйинлар. 98
4-§. Майда қўл маторикасини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар 100
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 110

З.М. Аҳмедова, М.Ю. Аюпова, М.П. Ҳамидова

ЛОГОПЕДИК ЎЙИН

(дарслик)

Муҳаррир: М. Турсунова
Мусаҳҳиҳ: М. Турдиева
Дизайнер ва саҳифаловчи: Д. Эрматова
Техник редактор: Э. Муратов

Нашриёт лицензияси: AI №225, 16.11.2012.

Босишга рухсат этилди 08.02.2013 й. Офсет усулида чоп этилди. Қоғоз бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. Uz-Times гарнитураси. Кегли: 10,5. Босма табоғи 7,0 Нашр табоғи 7,5. Адади 500 нусха. Буюртма № 4

«Файласуфлар» нашриёти
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Тел.: 236-55-79; факс: 239-88-61.

«START-TRACK PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, 8-март кўчаси, 57-уй.